# МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ АБАДИЙ БЎЛСИН!

МАҲАЛЛА – ХАЛҚ ВИЖДОНИ

# Mahalla

ДУШАНБА

2014 йил 1 сентябрь, №72-74 (1041)

www.mahallagzt.uz info@mahallagzt.uz

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА УЧ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Бугун халқимиз она юртимизнинг буюк тарихидаги ҳақиқатан ҳам биз учун энг улуғ, энг азиз бўлган Ватанимиз мустақилликка эришган куннинг йигирма уч йиллик байрамини катта шоду хуррамлик билан нишонламоқда.

Ана шу қутлуғ айём билан сиз, азизларимни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни чин қалбимдан табриклаш, барча-барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурматим ва эҳтиромимни билдиришдан бахтиёрман.

Азиз юртдошларим, қадрдонларим!

Биз ўта оғир, машаққатли синов ва курашларда қўлга киритган Ватанимизнинг Мустақиллик кунини нишонлар эканмиз, барчамизнинг ҳаётимизда чуқур из қолдирган, биз босиб ўтган тарихан қисқа даврда нималарни бошимиздан кечирдик, нималарга эришдик, таъбир жоиз бўлса, «Биз кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?» деган фикр-мулоҳазалар беихтиёр хаёлимиздан ўтиши табиийдир.

Мустақиллик, истиқлол деган улуғ неъмат аввало халқимизга эркинлик ва озод ҳаётни берган, инсоний шаънимиз, миллий онгимиз, қадр-қимматимизни тиклаб, барчамизга ўзлигимизни англаш туйғусини, тилимиз, муқаддас динимизни, қадрият ва урф-одатларимизни қайтариб берган, Ватанимиз тарихида ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайдиган буюк санадир.

Мустақиллик биз учун — бу ўз тақдиримизни қўлга олиб, юртимизнинг ер ости, ер усти бойликларига эга бўлиш, беқиёс моддий ва маънавий салоҳиятимизни амалга ошириш, жаҳон миқёсида ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш демакдир.

Кечаги мустабид тузумда яшаган инсонлар яхши билади: ўша пайтда Ўзбекистон деган гўзал бир диёрни, ўзбек деган буюк бир халқни ким танирди? Бизни мустақил давлат сифатида ким тан оларди?

Юртимиз қандай улкан ва ноёб бойликлар макони, азиз-авлиёлар, буюк алломалар, олим ва мутафаккирлар ватани эканини, биз қандай бетакрор мерос, қандай улуғ зотларнинг вориси эканимизни ким биларди?

Миллий қадр-қимматимизни, барчамиз учун муқаддас диний қадриятларимизни, урф-одатларимизни писанд қилмасдан, улар аёвсиз топталган замонларда бундан ортиқ алам ва бедодлик бўлиши мумкинмиди?

Ўзбекистонимиз фақатгина хомашё етказиб берадиган, иқтисодиёти бирёқлама ривожланган, пахта яккаҳокимлиги ҳалокатли тус олган ўлкага айлантирилган, собиқ СССР таркибида энг қолоқ аграр республика эмасмиди?

Халқимизни боқиш учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини четдан, кимларгадир ялиниб олиб келганимизни унутиб бўладими?

Эски тизим ҳукмронлик қилган охирги кунларда юртимизда атиги бир ҳафта-ўн кунга етадиган ун захираси қолганини, деярли очарчилик ёқасида турганимизни унутиш мумкинми?

Лекин мустабид тузум қандай адолатсизлик, зулм ва зўравонлигини ўтказмасин, халқимиз ўзлигини, иймон-эътиқодини, дину диёнатини асло йўқотмади ва бошимизга қандай оғир ва машаққатли синовлар тушмасин, ўз қадр-қимматини юксак сақлаб келмоқда. Бу ҳақиқатни ҳеч ким ҳеч қачон эсидан чиқармаслигини истардим.

Муҳтарам дўстлар!

Бугун истиқлолимизнинг йигирма уч йиллик тўйини ўтказар эканмиз, биз танлаган демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, дунёдаги тараққий топган мамлакатлар қаторига кириш йўлида амалга оширган ишларимизни баҳолар эканмиз, ҳеч иккиланмасдан айтишни ўзимнинг бурчим деб биламан:

юртимизда яшаётган ҳар қайси ёшу қари инсон, миллати, тили ва динидан қатъи назар, бошини баланд кўтариб, ягона Ватанимиз бўлмиш Ўзбекистонимизнинг гуллаб-яшнаши йўлидаги оламшумул ишларда менинг ҳам муносиб ҳиссам бор, деб айтишга ҳақлидир.

Ҳақиқатан ҳам, биз қўлга киритган ютуқлар — миллий давлатчилик қурилиши, кенг кўламли замонавий ислоҳотлар натижасида иқтисодиётимиз эришган барқарор ўсиш суръатлари, аҳолимизнинг турмуш даражаси ва сифати юксалиб, юртимиз қиёфаси тобора ўзгариб, чирой очиб бораётгани — буларнинг барчаси халқаро майдонда муносиб тан олинаётгани, обрў-эътиборимиз ошаётгани ҳаммамизга катта ифтихор бағишлайди.

Мустақил тараққиёт йилларида мамлакатимиз иқтисодиёти тахминан 5 карра, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 3,7 мартага ўсгани, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати ошганининг далили бўлмиш одамларимизнинг жон бошига оладиган даромадлари 8,7 баробар кўпайгани юртимизнинг қисқа даврда кечаги, ўзини боқишга қурби етмаган республикадан тез суръатлар билан ўсиб бораётган замонавий давлатга айланганининг яққол тасдиғидир.

Мана шу ютуқларнинг барчасини шу майдонда ўтирган сиз азизлар, сизларнинг тимсолингизда меҳнаткаш, фидойи халқимиз ўз қўли билан яратиб, бугун мустақиллигимизнинг 23 йиллик қутлуғ байрамини ғурур ва ифтихор билан кутиб олаётгани энг юксак баҳоларга муносиб эмасми?!

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётганига қарамасдан, Ўзбекистон иқтисодиётининг йиллик ўсиши охирги 10 йил давомида 8 фоиздан ошиб, барқарор ривожланиб бораётганини бугунги кунда камдан-кам давлатлар мисолида кўриш, кузатиш мумкин.

Мамлакатимизни мана шундай юксак суръатлар билан ривожлантириш, модернизация қилиш ва кенг кўламли ислоҳотларни жорий этиш мақсадида иқтисодиётимизда ўзлаштирилган капитал маблағлар ҳажми 180 миллиард доллардан ортиқ бўлиб, бунинг 60 миллиард доллардан зиёди хорижий сармоялардир.

Ана шу инвестициялар ҳисобидан аввало иқтисодиётимизнинг таркибини тубдан ўзгартириш, юксак технологияларга эга бўлган, ҳавас қилишга арзийдиган замонавий корхоналар қуриш, жаҳон бозорида рақобатдош бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш, Ўзбекистон салоҳиятини янги босқичга кўтариш имконияти яратилганини кўп-кўп мисолларда кузатиш қийин эмас, албатта.

Айни шу йилларнинг ўзида аҳолимизнинг сони 10 миллион 300 минг кишига кўпайиб, бугунги кунда 31 миллион кишини ташкил этаётгани Ўзбекистонимизнинг инсоний салоҳиятини ошириб, янги босқич ва марраларга эришиш учун нафақат мустаҳкам замин туғдирмоқда, керак бўлса, бошқаларни биз билан ҳисоблашишга мажбур қилмоқда.

Азиз юртдошларим!

Биз эски, ўзини оқламаган тизимдан янги тизимга ўтишда, бунинг учун мустаҳкам пойдевор — фундамент қуришда шошилганимиз йўқ. Яъни, биз «Янги уй қурмасдан туриб, эскисини бузманг» деган ҳикматли иборага итоат қилдик.

Биз танлаб олган тадрижий, эволюцион йўл — мақсад-муддаоларимизга босқичма-босқич, қадам-бақадам етиш йўлини ўзимизга маъқул топдик, уни катта синовлардан ўтказдик.

Йиллар ўтиши билан, олдимизга қўйган буюк мақсадлар сари юришимизда чуқур ва атрофлича ўйланган, халқаро майдонда «ўзбек модели» деб тан олинган демократик ислоҳотлар йўли нақадар тўғри эканини ҳаётимизнинг ўзи оқлаб, исботлаб бермоқда ва бу ҳақиқатга бизга хайрихоҳ бўлмаган мутахассис ва экспертлар, тегишли халқаро институтлар ҳам иқрор бўлмоқда.

Шулар ҳақида гапирганда, мамлакатимиз тараққиётида янги босқич ва уфқларни забт этишда барчамизни қувонтирадиган, энг катта мезон аввало юртимизда ҳукм сураётган барқарорлик, осойишталик ва ҳамкорлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳити, ватандошларимизнинг тобора ўсиб бораётган дунёқараши ва онгу тафаккури, ҳуқуқий ва сиёсий маданияти ва фаоллиги, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Халқимизнинг маънавиятини янада юксалтириш учун амалга ошираётган ишларимиз ўз ҳосилини бермоқда ва шу фурсатдан фойдаланиб, айтмоқчиман — бу соҳада эришган марраларимиз билан биз ҳеч кимдан кам бўлмасдан, кўпгина манаман деган давлатлардан ўзиб кетганимизни энг муҳим ютуғимиз, деб ҳисоблайман.

Бир пайт билдирган фикримни яна такрор айтаман: моддий нуқтаи назардан биз энг ривожланган давлатлардан балки ҳали орқададирмиз. Лекин, биз ўз йўлимизни танладик ва бу йўлдан қайтмасдан, қатъий ишонч билан айта оламиз: моддий нуқтаи назардан ҳам бу марра албатта бизники бўлади, аммо маънавий нуқтаи назардан қараганда, энг енгилмас куч ўзи нима? Юксак маънавиятли халқ эмасми? Ўзингиз айтинг, бундай халқни енгиб бўладими?

Бу ҳақда сўз юритганда, бошлаган ишларимизнинг давомчилари бўлмиш азиз фарзандларимизни ўз фикрига, ўз қарашларига эга, замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, эртанги кунимизнинг масъулиятини ўз зиммасига олишга қодир бўлган, бугунги давр талаб қиладиган соғлом ва баркамол авлод этиб тарбиялаш масаласига ўз вақтида устувор аҳамият бериб, уни умуммиллий даражага кўтарганимиз — энг тўғри, узоқни кўзлаган, ҳаётимизда ўзини тўла оқлаган тарихий қадам бўлди.

Бир фараз қилайлик, биз бундан 17 йил олдин таълим соҳасини мутлақо ўзгартирган, янги, замонавий босқичга олиб чиққан дастурларни қабул қилмасак, бугун тез ўзгараётган глобаллашув даври, ҳаётимизга тобора чуқур кириб бораётган Интернет асрининг ўткир ва мураккаб талабларига муносиб жавоб бериш, мамлакатимизнинг тараққиётини, истиқболини таъминлаш, биз кўзлаган, келажаги буюк давлат қуриш деган улуғ мақсадни олдимизга қўйиш мумкинмиди?

(Давоми 2-бетда).




## Гўзал Ватанимизнинг улуғ байрами

### Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 23 йиллигига бағишланган байрам тантанаси бўлиб ўтди

**Мустақиллик — энг улуғ, энг азиз байрамимиз. Бу кун ҳуррриятпарвар аждодларимизнинг асрий орзусини, халқимизнинг тенглар ичра тенг бўлиш ҳуқуқини юзага чиқаргани, миллий ўзлигимиз, қаддимиз ва қадримизни тиклагани билан улуғ, мўътабар. Мамлакатимиз тинчлиги ва тараққиёти, халқимиз фаровонлигини таъминлаётгани, фарзандларимиз келажагига мустаҳкам замин яратаётгани билан азиз ва мукаррамдир.**

Байрам тантаналаридан сурур туйган юртдошларимиз тилида «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» деган сўзлар қалб изҳори янглиғ янграмоқда. Диллардан дилларга кўчмоқда.

2014 йил, 31 август. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи, унга туташ хиёбонлар, йўллар ва бинолар байрамона безатилган. Гуллар таровати, чироқлар шуъласи атрофга ажиб гўзаллик бахш этган. Рангин байроқчалар майин шамол эпкинида тебранади. Майдон атрофига ўрнатилган йирик мониторлар қадим Регистон мадрасалари ва бугуннинг буюк обидаси — Мустақиллик майдонидаги Эзгулик аркасини эслатади. Саҳна теграсидан таралган нурлар самода туташиб, яна ёйилиб кетади.

Бу ерга Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳукумат аъзолари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, фан ва маданият, адабиёт ва санъат намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, жамоат ташкилотлари, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий давлатлар элчихоналари, халқаро ташкилотлар ваколатхоналари раҳбарлари ташриф буюрган.

(Давоми 2-бетда).

## Аждодлар хотираси муқаддас

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида эл-юртимиз озодлиги йўлида қурбон бўлганларнинг пок номларини тиклаш, руҳларини шод, қадамжоларини обод этиш борасида улкан ишлар амалга оширилди.**

Собиқ мустабид тузум даврида халқимизнинг юзлаб асл фарзандлари ном-нишонсиз кўмиб ташланган Тошкент шаҳрининг Бўзсув соҳилидаги қаровсиз жой давлатимиз раҳбари ташаббуси билан обод зиёратгоҳга айлантирилди. 2000 йилда бу ерда «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи бунёд этилди. Мажмуа таркибида «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи ташкил қилинди. 31 августни Қатағон қурбонларини ёд этиш куни сифатида нишонлаш эзгу анъанага айланди.

Ушбу анъанага кўра 31 август тонгида «Шаҳидлар хотираси» хиёбонида халқимизнинг озодлиги ва мустақиллиги йўлида қурбон бўлган аждодларимизни ёд этиш маросими ўтказилди. Қуръон тиловат қилиниб, қатағон қурбонлари руҳига ҳурмат бажо келтирилди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Мана шундай муборак жойларда, халқимиз озодлиги йўлида жон фидо қилган минг-минглаб ватандошларимизни эслар эканмиз, бугунги тинч ҳаёт, мусаффо осмон, тўкинлик ва фаровонликка қандай оғир йўқотишлар, синов ва машаққатлар эвазига эришганимиз хаёлдан ўтади. Улар бир умр орзу қилган, бугунги авлодга насиб этган мустақиллик, эркин ва фаровон ҳаётнинг аҳамиятини теранроқ англаймиз.

Давлатимиз раҳбари уламолар, жамоатчилик вакиллари билан суҳбатда бугунги кунда мамлакатимиз ва жаҳонда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, олдимизда турган муҳим вазифалар тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

— Бугун ҳаёт шиддат билан жуда тез ўзгариб боряпти. Эртага бизни қандай хурсандчилик ва қувонч, айни вақтда қандай ташвиш ва муаммолар кутаётганини олдиндан айтиш албатта қийин, — деди давлатимиз раҳбари. — Лекин биз ҳаётдан доимо яхшилик кутиб, бошқаларга ҳам яхшилик тилаб яшайдиган халқмиз. Шунинг учун ҳам эртанги кунимизнинг бугунгидан кўра ёруғ, тинч ва фаровон бўлишини орзу қиламиз, шу йўлда ўзимизни аямасдан, бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

(Давоми 2-бетда).

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

## Маҳалла эзгулик қўрғони, қадриятлар бешигидир

### «Туркистон» саройида «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танловининг республика босқичи бўлиб ўтди

**Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили асосида инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, демократик ҳуқуқий давлат ҳамда кучли фуқаролик жамияти барпо этиш борасида кенг қамровли ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда.**

Толибжон НИЗОМОВ
«Mahalla»

Мазкур ислоҳотларнинг фаол иштирокчиси сифатида ўзида халқимизнинг бой тарихий тажрибаси, асрлар синовидан ўтган безавол қадриятларини жамлаган ноёб бошқарув тизими — маҳалланинг нуфузи ҳам тобора ортиб боряпти.

Бугунги кунда маҳалла аҳолининг эҳтиёжманд қатламини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштириш, миллатлараро тотувлик, ҳамжиҳатликни таъминлаш, маънавий-маърифий ишлар кўламини кенгайтириш, миллий ва умуминсоний қадриятларни кенг тарғиб этиш маскани сифатида ҳам халқ ишончини қозонди.

> [3]



КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН

# Аёлга эҳтиром — Ватанга, келажакка эҳтиром

**Аёл борки, олам мунаввар. Оилада аёлнинг вақти хуш, хотири жам, тани саломат бўлса, хонадондан фаровонлик, файзу барака аримайди, фарзандлар баркамол бўлиб улғаяди. Юртимизда истиқлол йилларида аёлларнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш, саломатлигини сақлаш, ҳуқуқий ва сиёсий билимини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Кўплаб ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, хотин-қизлар манфаатлари кучли ҳимояга олинди.**

**Мухтабар РЎЗИЕВА, Учтепа туманидаги «Кўкча-Оқтепа» маҳалла фуқаролар йиғини Хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссияси раиси.**



Ушбу хайрли ишлар, изчил ислоҳотлар самараси ўлароқ, мамлакатимизда кучли фуқаролик жамияти барпо этишда хотин-қизларнинг ҳиссаси сезиларли даражада ортиб бормоқда. Янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, фуқаролар йиғинлари қошида Хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссияларнинг Намунавий низомлари тасдиқланди. Бизнинг маҳаллада ҳам ушбу Низом асосида комиссия фаолияти йўлга қўйилди. Комиссиямиз 13 нафар аъзодан иборат. Ҳудудимиз анча катта — ўн бир мингга яқин аҳолига эга. Олти минг нафардан зиёдни ташкил этувчи маҳалладош хотин-қизлар орасида фаоллар, тадбиркору ишбилармонлар, ҳунарманду зиёлилар бисёр. Комиссия аъзолари бундай аёллар билан мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйган.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида республикамиздаги 5 та маҳаллада хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича ахборот, таълим ва консалтинг хизматларини кўрсатиш учун «ягона ойна» тизимини ташкил этиш мўлжалланиб, шу асосда даромад олиш имкониятларини кенгайтириш бўйича лойиҳа амалиётга татбиқ этилди. Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва бошқа ҳамкор ташкилотлар кўмагида ушбу тизим фаолияти йўлга қўйилгани маҳалламиз аёлларининг ўз қобилият ва истеъдодларини рўёбга чиқаришларига қўшимча имконият яратди. Ахборот ойнасида йил давомида 100 нафардан зиёд аёл кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожи учун яратилаётган имкониятлар ҳақида батафсил маълумотга эга бўлиб, иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини оширади. Бу ерда уларнинг ўз бизнесини бошлашларига кўмаклашилади, 24 нафарига эса истиқболли лойиҳаларини жорий этиш учун имтиёзли кредитлар ажратилади.

Ҳудудимиздаги 55 та кўчада аҳоли, асосан, ҳовли-жойларда истиқомат қилади. Йиғин фаоллари, хусусан, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчимиз Мунира Утабованинг саъй-ҳаракатлари билан намунали оила соҳибалари, ёши улуғ онахонларнинг ҳаётий тажрибаларидан унумли фойдаланиб келяпмиз. Шу боис ҳар жиҳатдан ибратга лойиқ оилалар сафи кенгайиб бораётир, бир неча йилдан бери аёллар билан боғлиқ жиноятчилик ҳолатлари кузатилгани йўқ.

Комиссиямиз ташаббуси билан изчил ташкиллаштирилаётган яна бир тадбир ҳақида ҳам эслатиш жоиз, деб ўйлайман. Яъни бизда ҳар ой якунида «Энг намунали оила», «Энг саришта хонадон», «Энг обод кўча», «Энг гулзор остона» каби танловлар ўтказилади. Маҳалламиз фаоллари ғолибларни мунтазам рағбатлантириб, кўпчиликка ибрат этиб кўрсатишлари натижасида аҳолининг турмуш тарзида ўзгаришлар бўй кўрсатмоқда. Турли-туман гул, дарахт кўчатлари ўтқазиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари авж олиб, ҳудудимиз қиёфаси янада гўзаллашаётир.

Фуқаролар йиғинларининг Хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссиялари тўғрисидаги Намунавий низомда ҳудудда хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш, ёш авлодни тарбиялаш каби қатор долзарб вазифалардан ташқари, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга оид чора-тадбирларни амалга ошириш ҳам комиссия зиммасига юклатилган. Комиссиямиз томонидан аёллар саломатлигини асраб-авайлаш, хонадонларда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Жумладан, ҳар куни тонгда маҳалламизда жойлашган Тошкент қурилиш-коммунал касб-ҳунар коллежи спорт майдонида хотин-қизлар учун гимнастрада машғулотлари бепул ташкиллаштирилмоқда. Дастлаб 8 нафар аёл иштирокида бошлаган ушбу машғулотларга айни пайтда қизиқиш ортиб, ёши катта аёллар ҳам қатнашаётир. Сафимиз тобора кенгаймоқда.

Бир сўз билан айтганда, аёлни эъзозлаш Ватанга, халқимизга, келажагимизга ҳурмат-эҳтиромни англатади. Биргина бизнинг маҳалламиздаги Хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссия томонидан бажарилаётган вазифалар мамлакат миқёсида қанчалик кенг тус олаётганини англаш қийинмас. Олдинда эса эзгу амалларимиз, режалаштирган муҳим чора-тадбирларимиз талайгина. Ушбу саъй-ҳаракатлар, шубҳасиз, «оила чароғбонлари»нинг оғирини енгил, эзгу ниятларини ижобат, турмушларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

НАМУНАЛИ БЎЛИНМА

# Рағбат — хайрли ишларга қанот

**Маҳаллаларнинг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини оширишда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва унинг ҳудудий тузилмаларининг услубий ва амалий кўмаги ҳар жиҳатдан асқотмоқда.**



**Юлдуз ҲОЖИЕВА «Mahalla»**

Айниқса, Фонднинг бўлим ва бўлинмаларида ўзига хос иш тажрибаси тўпланиб, фаолиятга янгича қарашлар асосида ёндашилаётгани тузилманинг муваффақиятли иш юритишига муносиб ҳисса қўшаётир. Элу юрт учун сидқидилдан бажарилган меҳнат доимо қадр топади. Жорий йилдан бошлаб мамлакатимизда «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг «Энг намунали бўлинмаси» танловини ўтказиш йўлга қўйилгани тузилма фаолиятидаги янгиликларга йўл очиб, ўзгаришларга туртки берди.

Яқинда ўтган ушбу танловнинг Тошкент шаҳар босқичида Фонднинг Чилонзор тумани бўлинмаси ғолибликни қўлга киритди. Бўлинма мутасаддилари 48 та маҳалла фуқаролар йиғинига маърифий ва маданий тадбирларни амалга ошириш, миллий ва маънавий қадриятларни тарғиб қилишда услубий ҳамда амалий ёрдам кўрсатиб келаётир.

— Танлов бир қанча олижаноб мақсадларнинг рўёбга чиқишига йўл очди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви масъул котиби Зуҳриддин Асомов. — Аввало, бўлинмаларнинг фуқаролар йиғинларига маданий ва маърифий тадбирларни амалга ошириш, миллий ва маънавий қадриятларни тарғиб қилишда услубий ҳамда амалий ёрдам кўрсатишига эришилди. Қолаверса, йиғинларда аҳолининг ижтимоий фаоллигини ошириш учун зарур шароитлар яратиш, ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш, аҳолини аниқ йўналтирилган асосда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантиришдек қатор вазифалар ижроси ҳам ҳакамлар диққат марказида бўлди. Фонднинг Чилонзор тумани бўлинмасининг намунали иш тажрибаси, айниқса, маънавият тарғибот тадбирларининг самараси бошқа бўлинмалар фаолиятидан ҳар жиҳатдан ажралиб турди.

Чилонзордаги 48 та маҳаллада аҳоли ўртасида инсонпарварлик ва меҳр-оқибат асосида яхши қўшничилик ва ўзаро ҳурмат муносабатларини шакллантириш, ижтимоий, сиёсий барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни таъминлашга қаратилган тарғибот усулларини ишлаб чиқиш ва жорий этишда ҳам бўлинма мутасаддилари сидқидилдан ҳаракат қилишмоқда.

— Ҳудудимизда Президентимиз асарларини кенг тарғиб этиб, аҳолининг сиёсий ва маънавий қарашларини бойитиш маҳаллалардаги тарғибот тадбирларининг таъсирчан руҳда ўтишига боғлиқ, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Чилонзор тумани бўлинмаси бош мутахассиси Мунира Арипова. — Қонун ҳужжатлари ҳамда давлат дастурлари ижросини таъминлашда, шунингдек, жамиятда маҳалла институтининг фаолият доирасини кенгайтириш ва нуфузини янада оширишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига кўмаклашиб келяпмиз. Жумладан, «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида «Аёллар фестивали» спорт мусобақаси ўтказилди. Ижтимоий муҳофазага муҳтож оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида бўлинмамиз томонидан туман маҳаллаларидаги эҳтиёжманд оила фарзандларидан 222 нафарининг Тошкент ҳайвонот боғига, 30 нафарининг эса Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғига сайри уюштирилди.

Фаол иш юритаётган фуқаролар йиғинлари мунтазам рағбатлантириб бориляпти. Жумладан, «Энг намунали Яраштириш комиссияси» танловида 1-ўринни эгаллаган «Бешқўрғон» маҳалласи, «Энг намунали «Ота-оналар университети» танловида ғолиб бўлган «Чилонзор» маҳалласи ҳамда ҳар икки танловда 2- ва 3-ўринларга муносиб топилган маҳаллалар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Айни пайтда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Чилонзор тумани бўлинмасида иш қизғин. Бўлинма ходимлари намунали фаолият олиб бораётган маҳалла фуқаролар йиғинларини муносиб тақдирлаш, жойларда байрамни кўтаринки руҳда, ўзига хос муваффақиятлар билан қаршилаш мақсадида тинимсиз саъй-ҳаракат қилаётирлар.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ



*Мамлакатимиз давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллиги тантаналари арафасида Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманида кўркам иншоотлар, маҳалла гузарлари фойдаланишга топширилди.*

*Хўжайли тумани «Сувчи» шаҳарча фуқаролар йиғини ҳудудида 2 та мактабгача таълим, 3 та умумтаълим муассасаси ва 1 та болалар мусиқа мактаби фаолият юритади. Мустақиллик байрами арафасида аттракционларга бой, кўркам спорт майдончасининг фойдаланишга топширилиши кичкинтойларга чинакам совға бўлди.*

*«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қорақалпоғистон Республикаси бўлими бошқаруви томонидан майдонча қурилиши учун 35 млн. сўм маблағ ажратилди. Аттракционларни келтириб ўрнатишда ҳомийлар кўмаклашди. Эндиликда болалар бўш вақтларини мазмунли ўтказиш имконига эга.*



ФОНД КЎМАГИДА

# Самарадорлик ютуқларда намоён

**Нукус туманидаги фуқаролар йиғинлари қошида ташкил этилган Маърифат ва маънавият масалалари бўйича комиссиялар маҳаллалар ҳудудида миллий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни асраб-авайлаш, ёш авлодни она-Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, миллатлараро дўстликни мустаҳкамлашда алоҳида ўрин тутади.**

**Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ «Mahalla»**

Комиссиялар бу юмушларни бажаришда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси, ички ишлар бўлими, тиббиёт муассасаси, ФҲДЁ ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида касб-ҳунар коллежлари ҳамда умумтаълим мактабларида эрта ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари, никоҳдан олдинги тиббий кўрикнинг аҳамияти каби мавзуларда семинарлар ўтказилди. Шунингдек, Оқманғит шаҳарча фуқаролар йиғини ҳудудидаги 15-сонли Болалар мусиқа мактабида уюштирилган «Оилавий тарбия: тажриба ва вазифалар» мавзусидаги семинар фуқароларнинг бу борадаги кўникмасини бойитишга хизмат қилди.

— Комиссияга маҳаллада обрў-эътибор қозонган нуроний Сададдин Толибоев раҳбар қилиб сайланган, — дейди йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Гулсара Нурлепесова. — Ёшлар тарбияси, диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш, тиббий маданият, спортни оммалаштиришга қаратилган тарғибот тадбирлари таъсирчанлигини янада ошириш мақсадида Фонднинг туман бўлинмаси томонидан турли қўлланмалар, рисолалар тарқатилди.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида ўтказилган «Энг намунали оила» танловининг туман босқичида Оқманғит шаҳарча фуқаролар йиғинидан Палвановлар оиласи ғолибликни қўлга киритиб,




«Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси ва ҳомийларнинг диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди. Таъкидлаш жоизки, танловнинг республика босқичида Нукус шаҳридаги 7-«Шоирлар овули» маҳалла фуқаролар йиғинидан Буркит Пиязов оиласи ғолиб, деб топилди.

Комиссия аъзолари ёшлар ва хотин-қизларни спортга жалб этиш ишларида ҳам фаол. Туман маҳаллаларида ўтказилган «Аёллар спорт фестивали»да волейбол, стол тенниси, югуриш, шахмат бўйича беллашувлар қизғин тус олди. Ўқувчи-қизлар ўртасидаги «Камолот» маликаси» стол тенниси мусобақаси, таълим муассасалари ва маҳалла аёллари ўртасидаги «Аёл саломат экан — жамият мустаҳкам» шиори остидаги волейбол мусобақасида 100 дан зиёд хотин-қиз иштирок этди.

— Бу каби анъанага айланган мусобақалар, — дейди тумандаги Умид Саманбой номидаги овул фуқаролар йиғини раиси Жолдасбай Турсунов, — аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда. «Футболимиз келажаги» спорт мусобақаларининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичида жамоамизнинг ғолибликка эришишида ҳам Маърифат ва маънавият масалалари бўйича комиссиянинг кўмаги беқиёс.

Таъкидлаш жоизки, турли тадбир ва мусобақалар ғолибларини моддий ва маънавий рағбатлантиришда комиссия аъзолари жонбозлик кўрсатаётир. Фонднинг туман бўлинмаси ва ҳамкор ташкилотлар билан ўтказилган «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласимиз» мусобақаси ғолибларига 1 млн. 830 минг сўмлик, мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари иштирокидаги «Соғломжон-полвонжон» мусобақаси қатнашчиларига 280 минг сўмлик, Умид Саманбой номидаги овул фуқаролар йиғинида ташкил этилган «Оилам менинг қаламимда» мавзусидаги болаларнинг асфальтга расм чизиш танловида 360 минг сўмлик совғалар тарқатилгани иштирокчиларга қувонч улашди.

ИШ БИЛГАНГА БАЛЛИ!

# Марказ маслаҳати бизнесда қўл келмоқда

**Юртимиз мустақилликка эришган дастлабки кунларданоқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада фуқаролар йиғини ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссия ишининг йўлга қўйилгани айни муддао бўлди.**

**О. ЕСБЕРГЕНОВ «Mahalla»**

Амударё тумани нафақат ўзининг донгдор деҳқонларию боғбонлари, чорвадор ва ҳунармандлари билан, шунингдек, давр билан ҳамнафас тадбиркорлари билан ҳам ном қозонган. Тумандаги 47 та фуқаролар йиғини ҳузурида тадбиркорлик фаолиятини, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида «Маслаҳат марказлари» ташкил этилиб, йиғин идорасидан алоҳида хона ажратилган. Марказ кўргазмали воситалар, турли йўналишдаги бизнес лойиҳалар, бандлик дастурлари, меҳнат ярмаркалари жадваллари, тадбиркорликка оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминланган. Тадбиркорликни бошлаш истагидаги фуқароларни тегишли қонун ҳужжатларидан хабардор этишда мутахассислар кўмаги қўл келмоқда.

Йиғинларда аҳоли ўртасида «Ўз бизнесингни йўлга қўй» мавзусида семинарлар ўтказилмоқда. Туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази билан биргаликда барча фуқаролар йиғинларида бўш иш ўринларига доир маълумотлар акс эттирилган «Ишга таклиф қиламиз» баннерлари ўрнатилган.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Амударё тумани бўлинмаси кўмагида қишлоқларда «Гўзаллик салони», тикувчилик цехи, маиший техникани созлаш, 26 та аҳолига хизмат кўрсатиш шохобчаси фойдаланишга топширилди. Натижада 150 тадан зиёд янги иш ўрни яратилди.

Жорий йилда туман аҳолиси томонидан тақдим этилган 300 дан зиёд бизнес лойиҳанинг аксарияти режага киритилди. Хусусан, «Маслаҳат марказлари» кўмагида саноат салоҳиятини ошириш бўйича 25 та, озиқ-овқат бўйича 49 та, сервис хизматлари бўйича 81 та, енгил саноатга доир 79 та ва 52 та кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолияти йўлга қўйилмоқда. Бунинг натижасида, айниқса, халқ амалий санъатининг гиламдўзлик, тикувчилик, дурадгорлик сингари турлари ривожланяпти.

Мустақиллик шодиёналари олдидан Оқ олтин овул фуқаролар йиғини ҳудудида тўйхона, озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар дўкони, автомобиль ювиш ва тикувчилик цехи, Ўрта қалъа овул фуқаролар йиғинида новвойхона иш бошлади.

# ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА УЧ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

Азиз болаларим, қадрдонларим!

Бугун мана шу муҳташам майдонда жамулжам бўлиб ўтирган сиз, ёш авлодимиз вакилларига, менинг фарзандларим бўлмиш бутун Ўзбекистон ёшларига қалбимда, юрагимда бўлган бир фикрни айтмоқчиман: ҳар қачон сизлар билан учрашганда, сизларнинг ёниб турган кўзларингизни, навқирон қадди-қоматингизни, сизлар эришаётган ютуқларни кузатганда, кўпчилик қатори мен ҳам ўзимда худдики қанот пайдо бўлгандек ҳис этаман.

Сизлар қаерда, қайси соҳада бўлмасин — билим олиш, илму фан чўққиларини эгаллаш, энг замонавий касб-ҳунарларни ўзлаштириш, бизнес соҳасини ривожлантиришда, спорт майдонларида Ўзбекистоннинг шуҳратини тараннум этишда барчага намуна бўлаётганингиз, сўзсиз, ҳаммамизни қувонтиради.

Бунинг яққол тасдиғини куни кеча Хитой Халқ Республикасининг Нанкин шаҳрида ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги Иккинчи Олимпия ўйинларида 28 нафар ёш спортчимиз қатнашиб, 4 та олтин, 3 та кумуш, 3 та бронза, ҳаммаси бўлиб — 10 та медални қўлга киритгани бутун Ўзбекистонимиз ёшларининг мустақиллигимизнинг 23 йиллик байрамига улкан ҳиссаси бўлди, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Ўзингиз бир ўйлаб кўринг, 28 нафар навқирон ўғил-қизларимиз ана шундай нуфузли халқаро мусобақада ҳеч кимга бўш келмасдан, азму шижоат кўрсатиб, илгари биз тасаввур қилишимиз ҳам қийин бўлган шундай улкан марраларга эришган экан, бу бутун Ватанимизнинг ютуғи эмасми?

Азиз фарзандларим, ҳеч қачон унутманг: сиз эришган марра ва ютуқларингиз халқимиз, элимиз эришган ютуқлар деб ҳисоблайман, сизнинг бугунги ва эртанги кунингиз янада ёруғ бўлиши учун бор кучимни аямайман.

Ёшлар ҳақида қанча гапирсам, чарчамайман. Бу ҳақда гапирганда, очиғини айтсам, ўзимни ҳам худди яшариб кетгандек ҳис қиламан.

Бугун биз бошлаган улуғ ишларнинг давомчилари бўлмиш мана шундай йигитлар, қизларимизни, уларнинг бахту камолини кўриб, шундай гўзал юртда, шундай ёруғ, мусаффо осмон остида яшаш насиб этганига барчамиз шукроналар айтамиз. Бундай бахтли ҳаётни халқимиз асрлар, минг йиллар давомида ҳавас ва орзу қилиб яшаган эди. Бизни мана шундай саодатли кунларга Худо етказяпти. Ҳар тонгда пок бўлиб, чин дилдан сўрасак, Яратганимизнинг ўзи албатта йўлимизни очиб беради. Ва Оллоҳнинг назари тушган мана шу муқаддас юртда ҳеч ким ҳеч қачон кам бўлмайди, иншоолло.

Муҳтарам дўстлар!

Ҳозирги кунда дунёнинг турли ҳудуд ва минтақаларида, яқин ва узоқ атрофимизда экстремизм ва терроризм, қарама-қаршилик, қон тўкилиши, хавф-хатарлар ортиб, умуман, вазият тобора кескинлашиб бораётгани барчамизни хавотир ва ташвишга солиши табиийдир.

Минг афсуски, бундай қонли тўқнашувлар, низо ва зиддиятлар ўз ечимини топиб, камайиш ўрнига кўпайиб бормоқда.

Бундай ўта нотинч, таҳликали шароитда энг муҳим масала — бу ҳам бўлса, қаерда, дунёнинг қайси чеккасида бўлмасин, энди бошланаётган қарама-қаршилик ва пайдо бўлаётган можароларни эътиборсиз қолдирмаслик, улар урушга айланиб кетишининг олдини олиш учун вазият доимо жаҳон ҳамжамияти назоратида бўлиши даркор.

Ўзбекистоннинг позицияси бундай ҳолатлар, кескин зиддият ва тўқнашувларни фақатгина сиёсий йўл, тинч воситалар билан ҳал этиш, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низомида муҳрлаб қўйилган асосий принципларга ва халқаро нормаларга итоат қилган ҳолда, давлатларнинг суверенитети ва чегараларнинг дахлсизлигини бузишга, зўравонлик ва куч ишлатишга йўл қўймасликдан иборатдир.

Мана шундай ўта мураккаб вазият барчамиздан аввало огоҳ, ҳушёр ва сезгир бўлишни талаб қилмоқда.

Яқин ва узоқ қўшниларимиз билан тил топиб, бизларни бирлаштирадиган умумий мақсадлар йўлида ҳамкорликни янада кучайтириш, ўзаро манфаатли алоқаларни ўрнатиш устувор вазифамиз бўлиб қолишини замоннинг ўзи тақозо этмоқда.

Бизга тинчлик ва омонлик керак. Мана шундай эзгу фикр, эзгу интилиш барча-барчамизнинг юрагимиз, қалбимиздадир, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Фурсатдан фойдаланиб, бизнинг бугунги энг улуғ, энг азиз байрамимизга ташриф буюрган муҳтарам меҳмонларимизга, хорижий давлатларнинг элчилари, халқаро ташкилотларнинг вакилларига ўзимнинг юксак ҳурмат ва эҳтиромимни билдириш менга катта мамнуният етказади.

Сизларнинг Ўзбекистонга доимо хайриҳоҳ бўлиб, амалий ёрдам кўрсатиб келаётганингиз учун халқимиз номидан чин қалбимдан миннатдорлик билдираман, барчангизга сиҳат-саломатлик, юртингизга равнақ тилайман.

Муҳтарам ватандошларим, қадрдонларим!

Шу мунаввар оқшомда барчангизни бағримга босиб, Мустақиллик байрами билан табриклар эканман, ҳаммангизга тинчлик-омонлик, бахту саодат, хонадонларингизга, эл-юртимизга файзу барака тилайман.

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

# Аждодлар хотираси муқаддас

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

Барқарор тараққиёт йўлидан изчил қадамлар билан бораётган Ўзбекистонимизнинг турли соҳаларда эришаётган ютуқлари барчамизга ҳақли равишда ғурур ва ифтихор бағишламоқда. Биз қўлга киритган улкан натижаларни жаҳон ҳамжамияти, бизга хайриҳоҳ бўлган дўстларимиз ҳам, хайриҳоҳ бўлмаганлар ҳам тан олмоқда.

Лекин ана шундай юксак марраларга биз осонлик билан эришганимиз йўқ. Бу йўлда қандай оғир синов ва машаққатларни енгиб ўтишга, туну кун тиним билмасдан, қандай фидокорона меҳнат қилишга тўғри келганини халқимиз яхши билади ва муносиб қадрлайди.

Ўтган давр мобайнида бизнинг эркин ва озод ҳаётимизни кўролмайдиган, бизни ўз танлаб олган йўлимиздан қайтаришга, эл-юртимизни яна қарамлик чангалига солишга уринадиган турли ғаразли кучларнинг ёвуз хуружларини ҳам бошимиздан кечирдик. Уларнинг нияти — аввало халқимиз ўртасига нифоқ солиш, ёшларимизнинг онгини, дунёқарашини бузиш, болаларимизни ўз ота-оналарига, аждодларига қарши қўйишдан, бир сўз билан айтганда, одамларни ҳаётдан ноумид қилишдан иборат бўлганини, бундай кучлар ҳозир ҳам пайт пойлаб юрганини ҳеч қачон унутмаслигимиз, доимо огоҳ, сергак, маънавий уйғоқ бўлиб яшашимиз керак, деб таъкидлади Юртбошимиз.

Бугунги кунда дунёнинг турли минтақа ва ҳудудларида авж олаётган қарама-қаршилик, жумладан, Яқин Шарқда, Ироқ ва Сурия мамлакатларида бўлаётган қонли тўқнашувлар, мусулмон дунёсидаги турли мазҳаб ва оқимлар ўртасида кучайиб бораётган ўзаро низо ва зиддиятлар, бегуноҳ одамларнинг қурбон бўлаётгани барчамизни ташвиш ва хавотирга солмасдан қўймайди.

Бундай ҳолатларнинг келиб чиқиш сабабларини, уларнинг фожиали оқибатларини чуқур тушуниб, англаб олишда, кенг жамоатчилигимиз, мўмин-мусулмонларга етказишда ҳурматли уламоларимиз, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ходимлари янада фаоллик ва жонбозлик кўрсатсалар, айни муддао бўлур эди. Диний қадриятларнинг, эзгуликнинг, инсониятнинг душмани бўлган ёт ғояларнинг асл моҳиятини очиб бериш, бузғунчи оқимларни жиловлаш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, мана шундай тинч, мусаффо осмон остида бунёдкорлик меҳнати билан банд бўлиб, шукрона келтириб яшаётган олижаноб халқимизнинг тинч ҳаётини ҳар қандай бало-қазолардан асрашга ўз ҳиссамизни қўшиш — бугунги кундаги энг долзарб вазифамиз бўлиши керак, деб сўзини давом эттирди мамлакатимиз раҳбари.

Бу борада Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва унинг жойлардаги тузилмалари, имом-хатибларимизнинг ҳаёт билан ҳамқадам бўлиб иш олиб боришлари, ўз фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишлари тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мухтасар айтганда, бугунги кунда юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон, ҳар бир мусулмон дунёда нима бўлаётганидан хабардор бўлиб, хавф-хатарлардан огоҳ бўлиб, уларнинг олдини олиш, бартараф этиш учун, тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш йўлида курашиб яшаши зарурлигини ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда.

Бу курашнинг замирида аввало жамиятимизда ҳукм сураётган ўзаро ҳурмат, миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат муҳитини янада кучайтиришга қаратилган интилиш ва амалий ҳаракатларимиз мужассам бўлиши зарур деб биламан. Қаранг, меҳр ва оқибат деган, доимо ёнма-ён келадиган бу икки сўзда қандай чуқур маъно бор. Яъни, меҳр



кўрсатган, яхшилик қилган одам албатта бошқалардан оқибат ва яхшилик кўради, ҳар томонлама ҳурмат-эътиборга сазовор бўлади.

Олдимизда турган мана шундай катта вазифалар ҳақида ҳурматли уламоларимиз муқаддас масканларда, масалан, Самарқанддаги Имом Бухорий халқаро илмий марказида тўпланиб, жамоатчилик вакиллари билан ўзаро кенгашиб, маслаҳатлашиб олишса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Бугун, мустақиллигимизнинг 23 йиллик айёмини нишонлаётган қутлуғ бир кунда менинг тилагим, эзгу ниятим битта: кўпни кўрган, меҳнаткаш, бағрикенг, олижаноб халқимиз омон, юртимиз тинч бўлсин, барча эзгу ишларимизда Яратганимизнинг ўзи мададкор бўлсин, деди пировардида Юртбошимиз.

Шу куни Президентимиз Ислом Каримов Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, озодлигимиз, ёруғ келажагимиз ва пок ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулчамбар қўйди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, идоралар ва жамоатчилик номидан ҳам ёдгорлик пойига гуллар қўйилди.

■ **ЎзА**

# Самимий қутловлар

Мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар ва компаниялар раҳбарларидан самимий қутловлар келиб турибди. Уларда давлатимиз раҳбарига мустаҳкам соғлиқ, омонлик ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, равнақ ҳамда фаровонлик тилаб, чин дилдан эзгу истаклар изҳор этилган.

Қуйидагилар ўз қутловларини йўллашган:

**Виллем-Александр** — Нидерландия Қироли

**Акихито** — Япония Императори

**Дидьер Буркхальтер** — Швейцария Конфедерацияси Президенти

**Милош Земан** — Чехия Республикаси Президенти

**Имомали Раҳмон** — Тожикистон Республикаси Президенти

**Гурбангули Бердимуҳамедов** — Туркманистон Президенти

**Пётр Порошенко** — Украина Президенти

**Қобус бин Саид** — Ўмон Султони

**Абдулфаттоҳ ас-Сиси** — Миср Араб Республикаси Президенти

**Маҳмуд Аббос** — Фаластин Давлати Президенти, Фаластин озодлик ташкилоти Ижроия қўмитаси раиси

**Ҳелен Кларк** — БМТ Тараққиёт дастури раҳбари

**Дайсаку Икеда** — «Сока Гаккай Интернэшнл» Президенти

**Франсиско Хавьер Гомес** — «Initec Energia S.A.» компанияси Бош директори

**Абдуллоҳ бин Муҳаммад Ол Соний** — Бирлашган Араб Амирликларининг «Air Arabia» авиакомпанияси бошқаруви кенгаши раиси

**Виктор Гришин** — Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети ректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Қутловлар келиши давом этмоқда.

# Гўзал Ватанимизнинг улуғ байрами

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**



Соат 19.00. Байрам тантанасида ҳозир бўлганлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни қарсаклар билан кутиб оладилар.

Чорлов мусиқаси байрам шодиёнаси бошланаётганидан дарак беради.

Президент Ислом Каримов минбарга таклиф этилади.

Давлатимиз раҳбари мустақиллигимизнинг йигирма уч йиллиги билан бутун халқимизни муборакбод этади.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси янграйди. Байрам аҳли қўлларини кўксига қўйиб, мамлакатимизнинг бош қўшиғига жўр бўлади. Мониторларда Истиқлол манзаралари намоён бўлади. Уларга боқиб юрак тўлқинланади, ғурурга тўлади.

Майдон мозий нурига шўнғийди. Ғойибдан Амир Темурнинг виқорли овози эшитилади. Буюк Соҳибқирон авлодларига Ватанни ҳурлик ва ободликка элтишни, миллат дардларига дармон бўлишни васият қилади. Бу даъват ва эзгу ниятнинг ижобати сифатида мониторларда Президентимиз Ислом Каримов 1991 йил 31 август куни Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини эълон қилган тасвирлар намоён бўлади.

Бу кун тарих солномасида янги даврни бошлаб берди. Юртимизга ҳурлик, элга бахт, нажот ато этди. Ватанимиз халқаро ҳамжамиятда ўз ўрнига, ўз сўзига эга бўлди. Мамлакатимизда тинчлик-осойишталик ҳукм сурмоқда. Юртимиз иқтисодиёти изчил ривожланиб, халқимиз турмуш даражаси муттасил юксалиб бормоқда.

Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган тараққиёт тамойиллари — «ўзбек модели» асосида сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Иқтисодиётнинг мафкурадан холилиги ва сиёсатдан устунлиги, давлатнинг бош ислоҳотчи вазифасини бажариши, қонун устуворлиги барча соҳаларда улкан самаралар бермоқда. Кучли ижтимоий сиёсат халқимизга моддий ва маънавий мадад бўлаётир. Ислоҳотларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши юзага келиши мумкин бўлган иқтисодий ва ижтимоий бўҳронларнинг олдини олиб, ислоҳотлар самарадорлигини таъминламоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан баён этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси юртимизда амалга оширилаётган демократик янгиланиш жараёнларининг мантиқий давоми бўлди. Узоқ муддатга мўлжалланган мазкур демократик дастурга мувофиқ давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, судлар ва оммавий ахборот воситалари фаолияти ҳамда сайлов тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонунлар қабул қилинмоқда.

Фуқаролик жамияти ривожига қаратилаётган алоҳида эътибор натижасида маҳаллаларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги ўрни ва таъсири тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда ушбу тизим аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, бандликни таъминлаш, маънавий муҳит барқарорлиги ва тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, ҳудудларни ободонлаштириш, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш каби қатор вазифаларни бажариб келмоқда.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ҳудуддаги муҳим масалаларни ҳал этмоқда. Маҳаллий бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб борилмоқда. Маҳаллада том маънодаги демократик қадриятлар ривожланмоқда. Бу ўтган йилнинг ноябрь-декабрь ойларида ўтказилган фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловида ҳам яққол ифодасини топди. Умумэътироф этилган демократик тамойиллар асосида ўтказилган мазкур сайлов жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловлар олдидан муҳим босқич бўлди.

...Илдизлари мустаҳкам дарахт кўкка бўй чўзади. Келажак мозийдан қувват олади. Байрам саҳнасида янграётган мумтоз куй-қўшиқларда халқимизнинг маънавий мероси, аждодларимизнинг ижодий салоҳияти намоён бўлади.

Истиқлол йилларида Ватанимизнинг бой маънавий-маданий мероси тикланди. Юртбошимиз ташаббуси билан Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Жалолиддин Мангуберди, Алишер Навоий сингари улуғ боболаримизнинг юбилейлари кенг нишонланди. Абдухолиқ Ғиждувоний, Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Аҳмад Фарғоний, Бурҳониддин Марғиноний каби буюк аждодларимиз қадамжолари обод этилди, ҳаёти ва бебаҳо мероси ўрганилмоқда.

Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Қарши, Термиз, Тошкент, Марғилон сингари қадим ва муаззам шаҳарларимиз юбилейи халқаро миқёсда тантана қилинди. «Авесто»нинг 2700 йиллиги, «Алпомиш»нинг 1000 йиллиги, Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигини нишонлаш асносида тарихимиз янада теран ўрганилди, шаҳарсозлигимиз, маданиятимиз илдизлари тадқиқ этилди.

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган ва Самарқандда муваффақият билан ўтган «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти» мавзусида халқаро конференция дунёда буюк аждодларимизнинг даҳосига ҳурмат-эҳтиром, уларнинг бой илмий меросини ўрганишга қизиқиш ҳамон юқори эканини кўрсатди. Унда иштирок этган олимлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, илмий марказлар ва институтлар мутахассислари Ўзбекистон алломаларининг дунё илм-фани ва маданияти ривожига қўшган ҳиссасини яна бир бор эътироф этди. Мамлакатимизда тарихни ўрганиш, таълим тизимини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор самараларини юксак баҳолади.

...Болалик умрнинг беғуборлик, бахтиёрлик палласи. Бугунги болаларнинг юракларида ўтмиш заволати, ноҳақлик асоратидан қолган доғлар йўқ. Улар — озод ва обод юрт болалари. Уларнинг юзкўзларида ҳамиша қувонч, дилларида олам-олам орзулар бор. Байрам саҳнасини шодликка тўлдирган болажонларнинг қўшиқлари шунга ҳамоҳанг.

Халқимиз — болажон. Барча орзу-ҳавасларимиз, ҳаётимиз мазмуни фарзандларимиз билан боғлиқ. Бу менталитет давлатимиз сиёсати, мамлакатимизнинг стратегик мақсадларида ҳам ўз ифодасини топган.

Мустақиллик йилларида Юртбошимиз раҳнамолигида болаларнинг соғлом туғилиши ва баркамол улғайиши учун барча шароит яратилди. Оналик ва боликни муҳофаза қилиш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш, таълим тизимини такомиллаштириш, болалар спортини ривожлантириш каби соҳалардаги ислоҳотлар ўзаро узвийлик касб этиб, изчил амалга оширилди. Бугун замонавий тиббий марказлар, таълим муассасалари, спорт иншоотлари ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда Соғлом бола йили деб эълон қилинган жорий йилда бу борадаги ишлар кўлами янада кенгайди. Жамиятимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, ирсий касалликларнинг олдини олиш, оилаларни мустаҳкамлаш борасидаги ишлар изчил давом этмоқда.

Бунинг асосий воситаси сифатида спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз томонидан асос солинган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг фаолияти умуммиллий ҳаракатга айланди. Бу жараён таълим-тарбия тизими билан мутаносиб равишда олиб борилаётгани ёшларимизни ҳам маънавий, ҳам жисмоний жиҳатдан уйғун ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Спортда тобланган ёшларимиз камолоти дўстлик ва саломатлик байрамига айланиб бораётган уч босқичли спорт мусобақаларида яққол намоён бўлаётир. Жорий йил Наманган шаҳрида ушбу тизимнинг ўрта бўғини — «Баркамол авлод» спорт ўйинларининг финал босқичи бўлиб ўтди.

Майдонга яқинда Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги II Олимпия ўйинларида ғолиб бўлган ёш спортчиларимиз кириб келади. Жаҳоннинг энг нуфузли мусобақаларидан бирида муносиб қатнашиб, 4 олтин, 3 кумуш ва 3 бронза медални қўлга киритган қаҳрамон йигит-қизларни байрам аҳли олқишлар билан кутиб олади.

...Ҳарбий оркестр садолари остида майдонда Ватан ҳимоячилари саф тортади. Уларнинг қадамларидаги залвор юракларни ларзага солади. Мустақиллигимизнинг мустаҳкам қалқонлари «Тинчлигинг асраймиз, муқаддас Ватан!» дея куйлайди.

Тинчлик — тараққиёт ва фаровонликнинг асосий омили. Мамлакатимизда ана шу омилнинг доим барқарорлиги туфайли барча соҳаларда улкан ютуқ ва марраларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов раҳнамолигида замонавий Қуролли Кучларни шакллантириш, унинг қудрати ва салоҳиятини ошириш бўйича амалга оширилаётган тизимли ислоҳотлар бунда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон қатъий тинчликсевар сиёсат юритиб келмоқда. Давлатимиз ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокларда иштирок этмайди. Аскарларимиз фақат ўз Ватани, ўз халқи тинчлиги ва дахлсизлигини ҳимоя қилади. Давлатимиз ташқи сиёсати миллий манфаатларнинг устуворлиги, халқаро ҳуқуқ меъёрларига риоя этиш, баҳсли масалаларни тинч йўл билан ҳал қилиш тамойилларига асосланади.

Ана шундай қатъий сиёсати ва эзгу ташаббуслари сабаб мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори тобора ошиб бормоқда. Энг ривожланган давлатлар, дунёга донғи кетган фирма ва компаниялар юртимиз билан ҳамкорликка интилмоқда.

**(Давоми 3-бетда).**

# Гўзал Ватанимизнинг улуғ байрами

**(Давоми. Бошланиши 1-, 2-бетларда).**

Бугун Ўзбекистон 130 дан ортиқ давлат билан дипломатик муносабатлар ўрнатган. Тошкентда 45 мамлакатнинг элчихонаси, йигирмага яқин халқаро ташкилот ва молиявий муассаса ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Хорижий давлатларда, халқаро ташкилотлар ҳузурида Ўзбекистоннинг 50 га яқин дипломатик ва консуллик ваколатхонаси очилган. Мамлакатимиз БМТ, ШҲТ, МДҲ, Ислом конференцияси ташкилоти каби нуфузли халқаро ва минтақавий тузилмаларга аъзо.

...«Ким эдигу ким бўлдик?». Саҳна ортидан ўқилаётган бу шеър халқимизнинг фикрини ифода этаётгандек, барчанинг қалбидан чиқаётгандек туюлади. Мониторларда элу юртимизнинг зафарли одимлари, йигирма уч йиллик тарих зарварақлари, бетакрор табиатимиз, меҳнатсевар юртдошларимиз сиймоси акс этади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти бирёқлама ривожланган, асосан пахта хомашёси етказиб беришга ихтисослашган, пахта яккаҳокимлиги ҳалокатли тус олган қолоқ республикадан саноати тез суръатлар билан ўсиб бораётган, жадал тараққий этаётган мамлакатга айланди.

Давлатимиз раҳбари томонидан автомобилсозлик, моторсозлик заводларига, нефть ва газни қайта ишлаш, замонавий маиший техникалар, компьютер ва мобиль телефонлар ишлаб чиқариш каби янги саноат тармоқларига асос солинди. Озиқ-овқат, енгил саноат, кимё, қурилиш материаллари саноати корхоналари модернизация қилинди. Бугун уларда тайёрланган маҳсулотлар аҳоли эҳтиёжини тўла таъминлаб, дунё бозорларини ҳам забт этмоқда.

Яқинда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлараро статистика қўмитаси минтақа мамлакатларининг 2014 йил биринчи ярим йиллигидаги ривожланиш кўрсаткичларини эълон қилди. Унга кўра, Ўзбекистон саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича МДҲда биринчи ўринни эгаллади.

Бундан атиги 23 йил олдин Ўзбекистон ушбу минтақада айни шу кўрсаткичлар бўйича энг охирги ўринларда турарди. Президентимиз раҳнамолигида иқтисодиёт таркиби тубдан ўзгартирилгани, саноат ривожига алоҳида эътибор қаратилгани самарасида мамлакатимиз бу соҳада ҳам биринчилар сафига чиқиб олди. Бугун юртимизда юксак технологияларга асосланган кўплаб замонавий корхоналар фаолият юритмоқда. Уларда инсон учун, халқимиз эҳтиёжи учун зарур барча маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Шу каби ислоҳотлар самарасида истиқлол йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти қарийб 5 карра ўсди. Аҳоли даромадлари жон бошига 8,7 баробар кўпайди. Кейинги ўн йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг ўсиш суръати 8 фоиздан ошди. Жорий йилнинг биринчи ярмида бу кўрсаткич 8,1 фоизни ташкил этди.

Дунёда камдан-кам кузатиладиган бундай натижалар халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Бу шаҳару қишлоқларимиз қиёфаси тобора ўзгариб бораётгани, юз минглаб уй-жойлар ва замонавий инфратузилма объектлари бунёд этилаётгани, одамларнинг сифатли истеъмол товарлари билан таъминланаётганида намоён бўлаётир. Мамлакатимиз ижтимоий фаровонлик, жумладан, умр кўриш давомийлиги, оилалар мустаҳкамлиги, бозорлар тўкинлиги бўйича жаҳонда юқори ўринларни эгаллаб турибди.

Эришилган натижалар билан чекланмасдан, иқтисодиётни янада ривожлантиришнинг қўшимча имкониятлари изланмоқда. 2013 йил 22 ноябрь куни пойтахтимизда Осиё қуёш энергияси форумининг олтинчи йиғилиши ўтказилди. Халқаро энергетика агентлиги, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Саноатни ривожлантириш ташкилоти, Ислом тараққиёт банки ва бошқа халқаро тузилмалар вакиллари, соҳа мутахассислари ва олимлар иштирок этган анжуманда мамлакатимизда қуёш энергетикасини ривожлантириш истиқболлари белгилаб олинди.

...Майдон узра наво янграйди. Сўзларга тўкилган ҳислар, ҳислардан туғилган куйлар қалбларни ҳаяжонга солади:

**Ҳеч кимни бахт ўз-ўзидан**
**қучган эмас,**
**Қуш ҳам кўкка машаққатсиз**
**учган эмас.**
**Ойдин тунлар, осойишта,**
**тиниқ тонглар**
**Ойдан тушган эмас, кўкдан**
**тушган эмас.**

Дарҳақиқат, ҳеч нарса осмондан тушмайди. Мақсадга, бахт-саодатга эришишнинг ўзи бўлмайди. Бу кунларга етгунча халқимиз не-не машаққатларни бошидан ўтказди. Аввало ўз фитратига, ўз қудрати ва ўз давлатига ишониб, ҳаммасини енгиб ўтди. Бугун ўша сабр-тоқатнинг, тинимсиз меҳнатнинг роҳатини кўрмоқдамиз.

Юртимизда ҳар бир инсон меҳр ва эътиборда. Болалар спорт билан машғул. Ёшлар билим олиш, касб эгаллаш иштиёқида. Ота-оналар тўйлар қилсам, болаларимнинг камолини кўрсам, деган яхши ният билан меҳнат қилаётир. Ёши улуғлар фарзандларини, эл-юртимизни дуо қилиб, тинчлик-хотиржамликда ҳаёт кечирмоқда.

Юртимизнинг ҳар бир гўшасида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Дунё миқёсида ҳам ноёб саналган йирик заводлар, саноат корхоналари ишга туширилмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимиз шаҳарлари бош режа асосида қайта қурилмоқда. Буни Самарқанд, Бухоро, Андижон, Наманган, Термиз, Қарши, Урганч, Нукус, Фарғона каби шаҳарларимизнинг бугунги жамоли мисолида кўриш мумкин. Натижада ушбу шаҳарлар қиёфаси бутунлай ўзгарди, ижтимоий инфратузилма ривожланди. Маданият ва санъат саройлари, соғлиқни сақлаш, таълим, спорт муассасалари, хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчалари, дам олиш масканлари ҳудудлар кўркига кўрк қўшди.



Қишлоқларимизда барпо этилаётган замонавий уйлар оилалар фаровонлигини юксалтирмоқда. Мустақиллик байрами арафасида минглаб ана шундай янги уй-жойлар ўз эгаларига топширилди.

Юртимизда транспорт инфратузилмаси изчил ривожланмоқда. Янги йўллар, йўл ўтказгичлар бунёд этилмоқда. Мамлакатимиз ҳудудлари ягона темир йўл тармоғига боғланмоқда. 2013 йилда улкан стратегик аҳамиятга эга яна бир янги йўл — Ангрен — Поп темир йўли қурилиши бошланди. 124 километрлик мазкур темир йўл, шу жумладан, 19 километрлик туннел Ўзбекистоннинг марказий қисмини Фарғона водийси билан боғлайди, Шарқий Осиё мамлакатларининг Ғарб давлатларига чиқишида муҳим бўғин бўлиб хизмат қилади.

Қишлоқ хўжалигида амалга оширилган туб ислоҳотлар, фермерлик ҳаракатининг самарадорлиги туфайли озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Бозорларимиз тўкин ва фаровон, дастурхонларимиз файзу баракали. Сабзавот, картошка, полиз экинлари, мева, узум етиштириш, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажми ошиб бораётир.

Мамлакатимиздаги бундай фаровонлик, мўл-кўлчиликка бутун дунё ҳавас қилмоқда. Жорий йилнинг 6 июнида пойтахтимизда бўлиб ўтган «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзусидаги халқаро конференцияда қатнашган хорижлик мутахассислар ва ишбилармонлар буни яна бир бор эътироф этди, ютуқларимизни тан олди.

Бу йил деҳқонларимиз 8 миллион 50 минг тонналик юксак хирмон бунёд этди. Мустақилликкача дон ва ун таъминоти бўйича бошқаларга қарам бўлиб келган халқимиз айни пайтда ўз эҳтиёжини таъминлаш билан бирга, хорижий давлатларга дон экспорт қилмоқда. Ғаллачилик ривожи чорвачилик ва паррандачилик каби бошқа кўплаб тармоқларга ҳам ижобий таъсир этиб, гўшт, сут, тухум каби озиқ-овқат маҳсулотларининг мўл бўлишини таъминлаётир.

— Ўзбекистон мустақиллиги байрамида яна бир бор иштирок этаётганимдан мамнунман, — дейди Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Сун Лицзе. — Байрам тантанасидаги кўтаринки руҳ, одамлар юз-кўзидаги қувонч ва шодлик юртингиздаги тўкинлик, фаровонлик, тинч ва осуда ҳаёт ифодасидир. Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистон ҳар томонлама жадал ривожланмоқда. Буни мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик кўлами йилдан-йилга кенгайиб, икки томонлама муносабатлар стратегик шериклик даражасига кўтарилганида ҳам кўриш мумкин. Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари бундан кейин ҳам изчил тараққий этаверишига ишонаман. Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини мустақиллик байрами билан чин қалбимдан муборакбод этаман, бахт-саодат тилайман!

...Байрам тантанаси янада қизийди. Ватанни, севги ва садоқатни, бугунги дориломон кунлар шукуҳини мадҳ этувчи қўшиқлар янграйди. Юртдошларимиз шундай мустақил ва гўзал мамлакатда яшаётганидан ғурур ва сурур туяди.

— Мен 23 ёшдаман, Истиқлолимиз билан тенгдош эканимдан, мустақиллик йилларида камолга етганимдан фахрланаман, — дейди байрам тантаналарида иштирок этган Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Дилафрўз Усмонова. — Биз бахтли авлодмиз. Шундай гўзал ва фаровон юртимиз, ёшларнинг ғамхўри Президентимиз бор. Юртбошимиз табрик сўзида бизга яна бир бор мурожаат этиб, ўз меҳр-эътиборини билдирдилар. Бундай эътибор биз, ёшларга куч-ғайрат, қанот бағишлайди.

Қалблардан тошаётган ҳаяжон мисол самода ранг-баранг мушаклар порлайди. Унинг ёғдулари одамлар юзини, бутун пойтахтимизни ёритиб юборади. Гўё халқимизнинг юзи ҳамиша ёруғ, мамлакатимиз келажаги порлоқ бўлишидан нишона беради.

Байрам тадбирлари ернинг сунъий йўлдоши орқали дунёнинг саксондан ортиқ мамлакатига тўғридан-тўғри олиб кўрсатилди.

Йиллар ўтади, замонлар ўтади. Халқимизнинг хоҳиш-иродаси, давлатимиз раҳбарининг жасорати билан қўлга киритилган Мустақиллик куни мамлакатимиз тарихидан асло ўчмайдиган абадий сана бўлиб қолади. Асрларга татигулик бу кун асрлар давомида энг улуғ, энг азиз байрам сифатида нишонланаверади.

**Анвар САМАДОВ,**
**ЎзА мухбири.**

**КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ**

# Маҳалла эзгулик қўрғони, қадриятлар бешигидир

< [1]

Жорий йилнинг биринчи ярми фуқаролар йиғинлари фаолиятини самарали ташкил этиш учун ҳар томонлама самарали давр бўлди. Ўтган вақт мобайнида маҳаллалар 116 мингга яқин маънавий-маърифий тадбирлар, «Соғлом бола йили» Давлат дастурининг мазмуни ва аҳамияти бағишлаб 38 мингдан ортиқ, «Оила — маҳалла — таълим муассаси» ҳамкорлиги доирасида ҳамда «Ота-оналар университети» томонидан 102 мингта, тўй-ҳашам ва бошқа маросимларни ихчам тарзда ўтказиш бўйича 47 мингдан зиёд тарғибот тадбирлари ўтказилди.

Пойтахтимиз марказидаги муҳташам «Туркистон» саройида **«Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!»** шиори остида ўтказилган «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танлови фуқаролар йиғинларида миллий ва маънавий қадриятларни кенг тарғиб қилиш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш ҳамда маҳаллаларни ривожлантириш йўналишида амалга оширилаётган кенг қамровли ишларни ўрганиш, муносиб тақдирлаш ҳамда бу борадаги илғор тажрибаларни оммалаштиришдек хайрли мақсадларни кўзлаган.



«Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ички ишлар, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгаши, Республика Маънавият тарғибот маркази билан ҳамкорликдаги «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танловини 2013-2014 йилларда ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги қўшма қарор ушбу танловнинг юқори савияда ташкил этилишида муҳим омил бўлди. Таъкидлаш жоизки, пухта ҳозирлик ва алоҳида эътибор билан уюштирилган ушбу тадбир фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимидаги танловлар орасида энг нуфузлиларидан бирига айланди.

Низомга мувофиқ, танловнинг жорий йил июнь ойида бўлиб ўтган туман(шаҳар) босқичларида республика бўйича жами 8 мингга яқин фуқаролар йиғини қатнашиб, 600 га яқини фахрли ўринларни қўлга киритди. Энг юқори балл тўплаб, 1-ўринга лойиқ топилган 193 та фуқаролар йиғини танловнинг кейинги, яъни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичига йўлланма олди.

5 — 9 август кунлари эса танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоят босқичларида 1-ўринга сазовор бўлган 14 та фуқаролар йиғини республика босқичида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди.

Сарой фойесида ташкил этилган кўргазмалар тадбир иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Кўргазмадаги миллий ҳунармандчилик намуналари маҳаллалар ҳаёти, аҳоли турмуш тарзи, халқимизга хос қадриятлар нечоғли боқий, сермазмун, ўзаро уйғунлигидан далолат беради.

— Энг улуғ, энг азиз айём — Мустақиллик байрами арафасида ўтказилаётган «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танловининг республика босқичи аввалгиларидан бирмунча фарқ қилади, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Долли Аллаев. — Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 1 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, танлов шартларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, Низом ҳамда Республика ташкилий-ишчи гуруҳи йиғилишининг 2014 йил 31 июлдаги йиғилиш қарорига асосан рағбатлантирувчи ўринлар 3 тадан 5 тага кўпайтирилди. Бу эса иштирокчиларни изланишга, янги-янги зафарлар сари интилишга ундайди.

Эътибор беринг, Наманган вилояти Учқўрғон туманидаги «Соҳил» маҳалла фуқаролар йиғинида жорий йилнинг биринчи ярмида туман ҳокими тўрт марта ҳисобот берган. Шунингдек, 8 та ташкилот раҳбарларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан ҳисоботлари тингланган. Учрашувларда аҳолини қизиқтирган масалалар, хусусан, ёшлар бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада касб-ҳунар коллежлари битирувчилари йиғин ҳудудидаги 58 нафар тадбиркорга бириктирилди. Бундан ташқари, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида турли спорт тўгараклари фаолияти йўлга қўйилгани ҳисоботларнинг амалдаги самарасидир.

Танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичларида ғолиб бўлган фуқаролар йиғинлари фаолиятига доир ибратли ташаббуслар, илғор иш тажрибалари ҳақида ҳикоя қилувчи лавҳалар ва видеороликлар намойиш этилди.

Танлов Низоми асосида ҳакамлар ҳайъати томонидан иштирокчиларнинг чиқишлари қонунийлик, ошкоралик, адолат ва тенглик тамойилларига риоя қилинган ҳолда баҳолаб борилди.

Фуқаролар йиғинлари томонидан мустақиллик йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда қонун ҳужжатларида қайд этилган вазифалар ижроси танловнинг биринчи шарти сифатида белгиланди.

Иккинчи шарт бўйича иштирокчилар фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг асосий фаолият йўналишлари бўйича комиссиялар ҳамда йиғинда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича ташкил этилган маслаҳат марказлари ва «Ота-оналар университетлари» фаолиятини ташкил этиш юзасидан амалга ошираётган ишлар мавзусида баҳслашадилар.

Учинчи шартга биноан, қатнашчиларнинг иш фаолиятига оид ва кундалик ҳаётда учраб турадиган муаммоларга оид саволларга берган жавоблари, дунёқараши ҳамда ҳозиржавоблиги ҳакамлар эътиборида бўлди.

Нуфузли ҳакамлар ҳайъатининг якдил хулосасига кўра, Андижон вилояти Андижон туманидаги «Исломобод» маҳалла фуқаролар йиғини 5-, Сурхондарё вилояти Сариосиё туманидаги «Бўйрапўш» маҳалла фуқаролар йиғини 4-, Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур туманидаги «Шофайзи» маҳалла фуқаролар йиғини 3-, Навоий вилояти Навоий шаҳридаги «Кимёгар» маҳалла фуқаролар йиғини 2- ҳамда Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги «Тошлоқ» маҳалла фуқаролар йиғини биринчи ўринни эгаллади.

— Бугунги танлов ўзига хос тарзда, қизиқарли, баҳс-мунозарага бой ўтди, — дейди танлов ғолиби, «Тошлоқ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Гулнора Шамсиева. — Тадбирда иштирок этиб, ҳамкасбларимдан илғор иш усулларини ўргандим. Бундай танловлар қатнашчиларга ғолибларнинг иш услублари билан ўртоқлашиш, фикр алмашиш имконини беради. Бу борада орттирилган тажриба энг катта ютуқдир.

Танловда «Баркамол авлодни тарбиялашда «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлик механизми асосида фаолиятини намунали йўлга қўйган фуқаролар йиғини», «Ҳудудда аҳолининг тиббий маданиятини оширишда жонбозлик кўрсатиб келаётган фуқаролар йиғини», «Ҳудудда эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлашда фаоллик кўрсатиб келаётган фуқаролар йиғини», «Ҳудудда жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда профилактика инспектори билан самарали фаолият кўрсатиб келаётган фуқаролар йиғини» каби қатор номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

— Қадриятлар бешиги ҳисобланган маҳалла институтининг аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, янги иш ўринлари ташкил этиш, осойишталикни сақлаш, миллий қадрият ва урф-одатларни тиклаш ҳамда ривожлантиришдаги ўрни беқиёс, — дейди танлов ғолиби, Андижон туманидаги «Исломобод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Қурбоной Йўлдошева. — Тадбирда фахрли ўринлардан бирини эгаллаганимиз ўзимизга нисбатан ишонч ва масъулият ҳиссини оширди. Ҳудуддаги 11 та оилавий тадбиркор сафини янада кенгайтириш, учта тикувчилик цехини йил якунига қадар 6 тага етказишни режалаштирдик. Бунинг учун танловда орттирган тажрибаларимиз қўл келади, албатта.

Байрам арафасида ўтказилган танлов доирасида мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини муттасил оширишда фуқаролар йиғинларининг ўрни ва мавқеи қандай, деган саволга муносиб жавоб олинди. Шу билан бирга, маҳалла фуқаролар йиғинлари зиммасига юклатилган вазифаларни қай даражада уддалаётгани яна бир бор синовдан ўтказилди. Бундай танловлар фаолият жараёнида учрайдиган кундалик муаммоларни бартараф этиш, ўзаро тажриба алмашишда мактаб вазифасини ўтайди.

Танловга ташриф буюрган маҳалла фаоллари пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларини зиёрат қилдилар. Улар Юртбошимиз ташаббуси билан барпо этилган «Ҳазрати Имом» мажмуаси, «Бунёдкор» стадиони ҳамда Учтепа тумани Абдулла Қодирий номидаги маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб, истиқлол йилларида бой тарихимиз, бебаҳо меросимиз, дину диёнатимиз, урф-одат ва анъаналаримизнинг қайта тиклангани, спортга, хусусан, футболга эътибор юксалгани, ўтган 23 йил мустақил диёримиз учун чинакам маънавий тикланиш ва юксалиш даври бўлганини таъкидладилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирликлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари иштирок этди.

Ғолиб ва совриндорларга диплом, қимматбаҳо совғалар ҳамда илк учта ўринни қўлга киритган ғолибларга «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан тайёрланган махсус статуэткалар топширилди.

«Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танлови якунида янграган дилбар куй ва қўшиқлар барча иштирокчиларнинг қувончига қувонч қўшди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари А.Икромов иштирок этди.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ







*Давлатимиз мустақиллигининг йигирма уч йиллиги шодиёналари арафасида Андижон вилоятида қутлуғ тўйга тўёна сифатида қатор иншоотлар фойдаланишга топширилмоқда. Жумладан, Андижон шаҳридаги Бобуршоҳ кўчасида қад ростлаган 5 қаватли шинам уйга 48 та оила кўчиб кирди. Ўзбекистон кўчасида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари сони яна биттага кўпайган бўлса, 1-даҳадаги футбол майдончаси қуриб битирилгани ёшларга чексиз қувонч бағишлади.*

*Бунёдкорликларга вилоятнинг барча ҳудудларида гувоҳ бўлдик. Марҳамат тумани Қорақўрғон қишлоғида дорихона ва даволаш марказлари, Олтинкўл тумани Кўмакай қишлоқ фуқаролар йиғинида «Саломатлик» диагностика маркази ишга туширилди.*

*Шаҳрихон тумани Гулистон қишлоғида иш бошлаган сутни қайта ишлаш цехи жамоаси нафақат яқин-атроф, балки қўшни туманлар аҳолисининг ҳам талаб ва эҳтиёжини қондирмоқда. Байрам арафасида фойдаланишга топширилган ҳашаматли тўйхонада шаҳрихонликлар қувончли кунларини кўпчилик билан бирга ўтказяпти. Қувонарлиси, вилоят аҳолиси яна кўплаб байрам туҳфаларидан баҳраманд бўлмоқда.*

ТАҚҚОС ВА ТАЖРИБА

# Эзгу ишда ибрат ва ўрнак бўлганлар

**Андижон шаҳридаги «Наврўз» ҳамда Султон Жўра номидаги маҳаллалар илғорлик борасида доимо рақобатда. Фаоллар зимдан бир-бирларининг ижобий ютуқларидан, илғор тажрибаларидан бохабар бўлиб туришади.**

■ **А. АБДУЛЛАЕВ**
**«Mahalla»**

Султон Жўра номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раисаси Инобатхон Маткаримова барча комиссиялар раҳбарларини йиғиб, гузар ташкил этиш ғоясини илгари сурди ва тахминий лойиҳани ўртага ташлади. Ғоя чуқур муҳокама қилинди. Сўнг вилоят «Фуқаролойиҳа» институти мутахассислари бир ҳафтада янги гузар тарҳини чизиб беришди. Оз эмас, кўп эмас уч ой деганда кўрса кўз қувонгудай маҳалла гузари қад ростлади. Шу муносабат билан ёзилган байрам дастурхонига наврўзлик фаоллар ҳам таклиф этилди.

— Қўшниларнинг гузари бизда ҳавас уйғотди, — дейди «Наврўз» маҳалла фуқаролар йиғини раисаси Муҳаббатхон Мавлонова. — Мана шу хайрли иш рўёбга чиқишида бизнинг ҳам ҳиссамиз борлигидан фахрланамиз. Зеро, маҳалла ободлиги юрт фаровонлигининг асосидир. Бир сўз билан айтганда, Андижонимиз тобора гуллаб-яшнаяпти, фуқароларнинг турмуш тарзи юксаляпти.

Ҳозир Султон Жўрада новвойхоналар сони 50 дан ошди. Қаерда нон бўлса, ўша ердан қут-барака аримайди. Телерадио тузатиш устахонаси, маиший буюмлар дўкони, нусха кўчириш хизмати, суратхона маҳалла аҳли хизматида. Андижоннинг энг машҳур, қўлиширин ошпазлари ҳам шу ерда. Озиқ-овқат дўконлари сони эса, 80 тадан ортиб кетди.

— Одамларимизнинг тадбиркорлиги ва ишбилармонлигига қойил қолмай иложимиз йўқ, — дейди Султон Жўра номидаги маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Ҳамидахон Тошматова. — Гузар ишга тушгандан бери ҳар бир киши ўзининг қобилиятини кўрсатишга ҳаракат қиляпти. Буни қарангки, атрофимизда табиат манзараларини нозик дид билан қоғозга туширадиган ажойиб мусаввирлар бор экан. Косибларимиз маҳорати ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Бир пайтлар ҳамма Янгибозорга йўл олар эди, энди узоқ-яқиндан келган харидорлар истаган нарсаларини гузаримиздан харид қилишяпти.

Маҳаллада хусусий даволаш муассасалари ҳам иш бошлаётир. Ҳозир ана шундай шифо масканлари сони 3 тага етди.

Анчадан буён ишсиз юрган фуқаро Равшанбек Парпиев банкдан имтиёзли кредит олиб, автомашина ювиш шохобчасини очди. Мавлудахон Бадалова эса 4 нафар аёл билан ёстиқ жилдлари, кўйлаклар тикиб, аҳолига хизмат кўрсатяпти. Низомиддин Ғанижон ўғли 3 нафар шогирди билан сифатли пойабзал тайёрлаб, нафақат оиласи, шунинг баробарида, маҳалла ободлигига ҳам сезиларли улуш қўшяпти. Фазлиддин Солиевнинг «Эксклюзив текстиль плюс» тикув корхонасида 50 нафар қиз фойдали меҳнат билан банд.

Бу борада қўшни «Наврўз» маҳалласи фаоллари ўз ҳудудида «Устоз — шогирд» анъаналари асосида аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш кўлами тобора ортиб бораётганини фахрланиб гапиришади. Уларнинг таъкидлашича, маҳаллада 2 та сартарошхона, пойабзал тузатиш устахонаси, 11 та новвойхона ва 20 дан зиёд савдо дўкони ишлаб турибди. Байрам арафасида кўчалар асфальтланди, ободонлаштиришга эътибор кучайди.

Андижон шаҳридаги 74 та маҳалланинг барчасида бугун байрамона руҳ ҳукмрон. Одамлар истиқлол неъматларидан тўла-тўкис баҳраманд. Мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва хотиржамлик маҳаллаларнинг тобора гуллаб-яшнашига замин яратяпти. Бу истиқлол фарзандларининг янги орзу, эзгу мақсадлар сари олға интилишида мустаҳкам таянч ва қанот бўлмоқда.





ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

# Тадбирли одамга кичик кўмак ҳам кифоя

**Қўнжи қишлоғи Андижон туманининг энг кўркам, хушманзара, обод масканларидан. Кейинги йилларда унинг қиёфаси тубдан ўзгарди. Энг асосийси, одамларнинг дунёқараши, ҳаётга муносабати, турмуш тарзи юксалиб бораётир. Биргина ижтимоий ҳимоя йўналишидаги ютуқ ва натижалар салмоғи катта.**

■ **Абдумутал АБДУЛЛАЕВ**
**«Mahalla»**

«Тошлоқ» маҳалласида истиқомат қилаётган Қосим Болтабоевлар оиласи яқин вақтга қадар кам таъминланганлар рўйхатида турар эди. Уч йилдирки хонадон соҳиблари резавор ўсимликлар экишни йўлга қўйди. Фуқаролар йиғинидан ижтимоий ҳимоя тариқасида олган ёрдам пулларини томорқасида иссиқхона қуришга йўналтирди. Ҳозир томорқадан олган даромади эвазига нафақат рўзғорини бутлади, балки уй-ҳовлисини ўнглади, ҳатто шахсий «Нексия» машинасига эга бўлди.

«Дўстлик» маҳалласидан Раҳимжон Бегалиев иссиқхонада лимон етиштиришни йўлга қўйди. Сердаромад соҳа ортидан замонавий иморат тиклади. Уч ўғил ва икки қизини уйли-жойли қилди. Фуқаролар йиғини кўмагида шундай имкониятга эга бўлган Искандар Исмоилов маҳалла ҳудудида футбол майдончасини қуриб, мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллиги арафасида ҳамқишлоқларига армуғон этди. Абдураҳмон Шамсиддинов эса «Гулшан» тўйхонасини очиб, унинг биринчи қаватини «Оналар ва болалар» диагностика марказига айлантирди.

Жўра Саидов номидаги маҳалла фуқароси Искандар Низомов ҳам яқинда ижтимоий ёрдам сўраб, йиғинга ариза кўтариб келганди. Бугун бу хонадон Андижон шаҳридаги Янги бозорни ўз томорқасида етиштирган цитрус мевалари билан таъминлаётир. Ана шундай





хайрли амалларга қўл урганлар қишлоқ фуқаролар йиғини ўрамидаги «Раввот», «Терактаги», «Минг ўрик» маҳаллаларида ҳам талайгина.

Ушбу далилларни келтиришдан муддао Қўнжи кишлоғида мустақиллик шарофати билан тадбиркорликка кенг йўл очилгани туфайли кечагина ижтимоий ҳимояга зарурат сезган оилалар бугун йирик тадбирларнинг ҳомийларига айланаётганини фахр билан таъкидлашдир.

— Муҳими, юртимиздаги тинчлик ва осойишталикнинг қадрига етиб, берилган имкониятлардан Ватан равнақи, юрт тараққиёти учун фойдаланишга интиляпмиз, — дейди Қўнжи қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Баҳодиржон Раҳимов. — Бугун ҳудудимизда 2 та ҚВП, 6 та таълим муассасаси, 18 та фермер хўжалиги ишлаб турибди. Уларнинг барчаси қишлоқда ўтказилаётган оммавий-маданий тадбирларнинг ташкилотчиси ҳамда ҳомийсига айланган. Шу тариқа муҳтарам Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган «Ўзбек модели»нинг беш тамойилидан бири — кучли ижтимоий ҳимоя ғояси изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Қишлоқ фуқаролар йиғини таркибида 7 та маҳалла бор. Таъкидлаш жоизки, охирги беш йил ичида қўнжиликлар тадбиркорлиги, омилкорлиги билан вилоятга танилди. Натижада аҳоли турмуш фаровонлиги юксалиб, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар сони камайиб бормоқда. Бунда фуқаролар йиғинининг Ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича комиссияси ҳиссаси катта.

Комиссия ўз вазифаларини амалга оширишда Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролар йиғини фаоллари, давлат солиқ инспекциялари ҳамда молия органлари билан ҳамкорлик қилиши алоҳида белгилаб қўйилган. Қўнжи қишлоғидаги маҳаллалар қошида фаолият юритаётган комиссиялар, юқоридаги субъектлардан ташқари, банклар билан ҳам ўзаро манфаатли алоқаларни мустаҳкамлашга интилмоқда. Бу орқали тадбиркорларга имтиёзли кредит олишда кўмаклашилиб, ижтимоий муҳофазага муҳтож оилаларни оилавий бизнесга йўналтириш мақсад қилинган.

БУХОРО ВИЛОЯТИ



*Бухорода мамлакатимиз мустақиллиги ўзига хос туҳфалар билан қарши олинмоқда. Шаҳар марказидаги умумий майдони 6 гектардан иборат Ибн Сино хиёбонида 15-20 метр баландликка кўтариладиган, айланаси 30 метрли мусиқали, рангли фаввора барпо этилди. Ундан отилаётган обиҳаёт томчилари хилма-хил нурлар, оромбахш наволар оҳангига уйғунлашиб кетган. Шунингдек, айланаси 17 метрдан иборат яна 2 та фаввора иншоотга мос тарзда хиёбонга кўркамлик ва салқинлик бағишлаб турибди.*

*«Куйловчи» фаввора «репертуари»дан ўрин олган Бухоро шашмақоми таронаалари, ўзбек ҳамда Европа мумтоз мусиқа санъати намуналари эса хиёбонда дам олувчи шаҳарлик ва меҳмонларга ўзгача кайфият бағишламоқда.*

*Майдонга ўтқазилган 1000 тупга яқин ноёб манзарали дарахтлар, замонавий дизайндаги йўлак ва майсазор ҳамда 100 та катта-кичик ёритқичлар ҳудуд кўркига кўрк қўшган. Қолаверса, миллий ёғоч ўймакорлиги нақшлари услубида безатилган 6 та шийпон ва кўплаб ўриндиқлар бу ерга ташриф буюрганларнинг маданий ҳордиқ чиқаришларига қулайлик туғдиради.*

*— Бухоронинг жазирама саратонини шаҳарликлар, ёзда ташриф буюрган меҳмонлар ҳам яхши билишади, — дейди Маҳмуд Торобий номидаги маҳалла фаоли Гуландом Ойназарова. — Шу боис ҳар гал пойтахтда бўлганимизда теварак-атрофга салқинлик, чирой бахш этиб турган мусиқали, рангли фавворааларга ҳавас билан боқардик. Одамларнинг муносиб дам олиши, фарзандлари ва яқинлари билан маданий ҳордиқ чиқариши учун қуриб битказилган ушбу хиёбон вилоятимиз аҳли учун муносиб байрам совғаси бўлди.*

ҚУЛАЙЛИК

# Янги савдо мажмуаси аҳоли хизматида

**Бухоронинг олис чўл ҳудудида жойлашган Қоровулбозор тумани мустақиллик йилларида ташкил этилди. Бугун мазкур туманнинг нафақат маркази, балки қишлоқлари қиёфаси ҳам бунёдкорлик, ободликка юз тутган.**

■ **А. РУСТАМОВ**
**«Mahalla»**

Бўзачи қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги қаровсиз майдонда сўнгги икки йил ичида Сардоба аҳоли пункти қад ростлади. 2013-2014 йилларда ушбу массивда 50 та замонавий тураржой барпо қилинди. Уйларга туташ майдонда янги, муҳташам савдо мажмуасининг қад ростлаши аҳолига қулайлик яратгани баробарида ҳудуд қиёфасига ҳам чирой бахш этди.

«Қоровулбозор — Алишер Файз» оилавий корхонасига қарашли ушбу савдо мажмуасидаги дўконлар озиқ-овқат, кийим-кечак, маиший жиҳозлар ва бошқа турдаги сифатли, арзон нархлардаги маҳсулотларга тўла.

— Илгари бирор кийим-кечак, ҳатто гўшт харид қилмоқчи бўлсак ҳам туман марказига қатнардик, — дейди фуқаро Аҳад Шарипов. — Ортиқча транспорт харажатини ҳисобламаганда ҳам ярим кунимиз йўлга кетарди. Энди савдо мажмуасида маҳсулотларнинг хилма-хил турлари бор. Улар алоҳида расталарга дид билан терилган, санитария ва гигиена талабларига мос. Очиғи, бундай дид ва тартибни илгари туман тугул вилоятдаги савдо марказларида ҳам кўрмасдик. Бугун ҳар бир йиғин маркази, аҳоли пунктларида ана шундай замонавий савдо мажмуалари фаолият юритяпти. Йўлимизни яқин, оғиримизни енгил қилаётган бу каби масканлар истиқлол туҳфаси-да.

Аҳолининг уй-жойга талабидан келиб чиқиб, Сардобада кейинги йилларда яна 100 га яқин намунавий уй-жой қурилиши кўзда тутилган. Табиийки, аҳоли сони ортиб бориши маиший хизмат тармоғининг кенгайиши ҳамда сервис сифатига бўлган талабни оширади.

— Замонавий бизнесда фақат савдо билан шуғулланишнинг ўзи кифоя қилмайди, — дейди оилавий корхона раҳбари Эркин Қаҳҳоров. — Шу боис хизмат кўрсатиш турларини кенгайтириш ва фаолиятимизда ишлаб чиқаришни жорий этишни мақсад қилганмиз. Бу йўлда дастлабки қадамни ташладик: банкнинг 67 миллион сўм кредити эвазига хорижий технологияларни харид қилиб, новвойхонани ишга туширдик. Бу қўшимча ишчи кучига эҳтиёжимизни оширди ва ҳудудимиздаги ўн нафарга яқин ёшнинг бандлигини таъминладик.

Айни вақтда икки минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган ушбу йиғинда 7 та ана шундай савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуаси фаолият юритаётгани туфайли юз нафарга яқин қишлоқ фуқароси ишли бўлди. Кейинги йилда айнан ушбу тармоқда яна ўттиз нафар киши меҳнатга жалб қилинади.



МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА



# Ишонч ортида масъулият ва мажбурият бор

**Бухоро туманидаги Работиқалмоқ қишлоқ фуқаролар йиғини спорт соҳасида истеъдодларга бой. Хусусан, ҳududдаги стадион, манеж ва спорт залида юзлаб қишлоқ ёшлари тажрибали мураббийлар раҳбарлигида шуғулланиб, улкан ютуқларни қўлга киритмоқда.**

■ **Акбар РУСТАМОВ**
**«Mahalla»**

Собир ва Акобир Қурбоновлар сингари самбо ва миллий кураш бўйича жаҳон чемпионлари, талайгина Осиё ҳамда мамлакат мусобақалари совриндорлари айни шу масканда камол топган. Аммо ширкат хўжаликлари тугатилганидан сўнг унинг балансидаги ушбу спорт иншоотлари бир муддат қаровсиз қолган эди.

16-Маданият сайлов округидан халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгашига сайланган работиқалмоқлик Зафар Тоиров фаолият дастурида белгиланган вазифалар ижросини айнан мана шу иншоотларни таъмирлаб, ишга туширишдан бошлади. Унинг Бухоро тумани ҳокими, молия ҳамда халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари раҳбарлари номига ёзган депутатлик сўровига асосан 2013 йилда мазкур иншоотлар негизида 26-сонли Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ташкил этилди. Айни пайтда бу ерда 40 нафар педагог-мутахассис иш билан таъминланиб, минг нафарга яқин ёш спортнинг турли йўналишлари бўйича шуғулланмоқда.

Депутатнинг фаоллиги ва ташаббуси билан очилган мазкур мактабда эски бино ва иншоотларни замон талаблари даражасида таъмирлаш учун 600 миллион сўм миқдорида қурилиш ишлари амалга оширилди. Шунингдек, ҳудуд марказидаги 15 минг ўринли стадион ҳам қайта таъмирланди.

— Илгарилари қишлоқ ёшлари вилоят чемпионатида иштирок этиб, қатор совринларни қўлга киритган, унда ўзим ҳам тенгқурларим билан майдонга тушганман, — дейди Зафар Тоиров. — Президентимиз раҳнамолигида қишлоқ жойларида спортни оммалаштириш, ёшларни жисмоний тарбияга кенг жалб этиш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар доирасида қишлоқ жамоалари мусобақасини ташкил этиш ташаббусини туман маданият ва спорт ишлари бўлими, Работиқалмоқ қишлоқ фуқаролар йиғини қўллаб-қувватлади. Фермер хўжаликлари ҳам ўз ёрдамини аямади. Стадион тартибга келтирилиб, ободонлаштирилди. Ҳозирда ушбу маскан ёш спортчилар билан гавжум.

Йиғин раиси Салим Жалоловнинг таъкидлашича, депутат маҳалла ободлиги, аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлаш ва ижтимоий фаоллигини оширишда астойдил хизмат қилмоқда. Айниқса, аҳолининг эҳтиёжманд қатлами, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилалар, жисмоний имконияти чекланган ва ёлғиз қарияларга меҳр-мурувват кўрсатиш, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришда фаолларга яқин кўмакчи. Унинг саъй-ҳаракатлари билан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида йиғинда 10 га яқин кичик корхона ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этилиб, 124 та янги иш ўрни яратилди. Ҳудуддаги 1,2 километр йўл қайта таъмирланиб, асфальт қилинди.

— Депутат, аввало, ўзи сайланган ҳудуд вакили сифатида ўша жой аҳолисининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга бевосита масъулдир, — дейди З.Тоиров. — У ўзига ишонч билдирилган маскандаги ҳар бир хонадон, ҳар бир фуқаро, айниқса, ҳар бир ёшнинг ўй-ташвиши, интилишлари, орзу-умидларидан хабардор бўлиши, келажак режалари юзага чиқишига кўмаклашмоғи лозим. Негаки, депутат халқ билан, сайловчилар билан ўзи сайланган маҳаллий Кенгаш, парламентни боғлайдиган кўприкдир.

Айтиш жоизки, З.Тоиров округ ҳудудидаги аксарият муаммоларни депутатлик сўрови орқали ҳал этишга ёрдамлашиш баробарида, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг қонунийликни, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси сифатида ҳам фаолият олиб бормоқда. Хусусан, биргина 2014 йилнинг биринчи ярмида комиссия ваколатига оид саккизта масала йиғилишларда кўриб чиқилиб, уларнинг учтаси вилоят Кенгаши сессияси муҳокамасига қўйилди.

Шунингдек, у Кенгашнинг Фуқаролар йиғинлари раис(оқсоқол)лари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси раиси сифатида вилоятда сайлов жараёнларини намунали ташкил этишда услубий ва амалий ёрдам кўрсатмоқда.

## ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ



*Кейинги икки йилда Жиззах вилоятининг боғ майдонлари тўрт минг гектардан зиёдроққа кенгайтирилиб, 13 минг 268 гектарга етказилди. Янги барпо этилган боғларнинг 445 гектари интенсив мевазорлар.*

*Жиззах туманидаги «Куёбоши» маҳалласи ҳудудида ҳам боғлар кенгайиб бораётир. Маҳалладаги «Мавлон ота» кўп тармоқли фермер хўжалиги жамоаси ўтган йил баҳор фаслида 20 гектар майдонга интенсив технология асосида олма, шафтоли, гилос кўчатларини ўтқазган эди. Бу йил боғдан нишона ҳосил олинди.*

*— Интенсив боғнинг афзаллиги шундаки, кўчатлар қисқа даврда вояга етиб, ҳосил беради, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Жаҳонгир Мустафоев. — Аммо кўчатларнинг рисоладагидек вояга етиши учун дастлабки ҳосилдан воз кечилади. Биз ҳам шундай қилдик. Боғимизнинг 16 гектарига олма, 1 гектарига шафтоли, 3 гектарига гилос кўчатлари ўтқаздик. Бу йил ҳар гектардан 5 центнердан олма териб олишни мўлжаллаяпмиз. Кейинги йил ҳосилдорликни 50 центнерга етказамиз.*

*Интенсив боғлар табиий-иқлим шароити боғдорчиликка қулай Бахмал, Ғаллаорол, Жиззах, Зомин, Фориш, Янгиобод каби тоғолди туманларида барпо этилмоқда. Бу ҳудудларда кейинги икки йилда интенсив боғлар яратган фермер хўжаликлари сони 42 тага етди. Ўтган йилнинг кузи ва шу йилнинг кўкламида 200 гектардан зиёд майдонда янги технология асосидаги боғлар барпо этилди.*

КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН

# Тарбияда танаффус, умрда бўш палла йўқ

**Жиззах тумани Тоқчилик қишлоқ фуқаролар йиғини қошидаги Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссия аъзоларининг жонбозликлари амалга ошираётган ишларида намоён бўлмоқда. Янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун ҳамда тизимга доир бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида иш юритаётган ушбу комиссия ҳудудда ёшлар тарбиясини тизимли йўлга қўйган.**

**Бек НАЗАР**
**«Mahalla»**

Албатта, ҳар қандай жамоага бажарган ишларининг самарасидан келиб чиқиб баҳо берилади. Комиссия аъзоларининг саъй-ҳаракатлари билан ҳудудда вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар барҳам топди. Спортга жалб этиш орқали уларнинг бўш вақтлари мазмунли ташкил этилаётир. Мисол учун, комиссия ҳар йили болалар спортини оммалаштириш мақсадида марҳум педагог Азимжон Бадалов хотирасига бағишлаб бокс бўйича турнир ўтказаётир. Ҳозир Тоқчилик болалар спорт мактаби вилоятдагина эмас, республикамизда ҳам ном қозонган.

Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги арафасида тўққизинчи марта ўтказилган анъанавий мусобақада республикамиз ҳамда Қозоғистондан 200 нафардан зиёд ёш боксчи иштирок этди. Ҳудуддаги иқтисодиёт касб-ҳунар коллежининг ҳовлиси уч кун давомида 1999-2000 йилларда туғилган турнир иштирокчилари ва бокс ишқибозлари билан гавжум бўлди.

Турнир давомида болаларни спортга жалб этишга қаратилаётган ишларни тарғиб этиш бўйича маърифий тадбирлар уюштирилди. Республикамизнинг халқаро тоифадаги таниқли боксчилари билан учрашувлар, суҳбатлар, қардош республикалардаги тенгдошлар билан дўстлашув болаларда яхши таассурот қолдирди. Айниқса, ғолиб ва совриндорларга мукофотлар республикамизнинг машҳур боксчилари томонидан топширилгани ёшларга катта қувонч бағишлади.

— Бекорчилик оқибатида ўсмирлар ўртасида турли ҳуқуқбузарликлар содир этилади, — дейди Тоқчилик қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Маҳмуд Расулов. — Шуни кўзда тутиб Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссиямиз аъзолари ҳудуддаги болаларни турли спорт



тўгаракларига жалб этаётир. Бунинг самараси бокс турнирларида ҳам яққол кўринди.

Икки юз нафардан зиёд ёш спортчи, мураббий, ҳакам ва меҳмонлар иштирокида тўрт кун давом этган мусобақа қишлоқ фуқаролар йиғини фаоллари, хусусан, йиғиннинг Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссияси аъзолари кўмагида юқори савияда ўтди.

— Отам доимо Президентимизнинг спортни ривожлантиришга, ёшларни баркамол вояга етказишга кўрсатаётган ғамхўрлигидан қувониб, бизни бу тадбирларда фаол иштирок этишга ундарди, — дейди вилоят бокс федерацияси раиси ўринбосари Икромжон Азимов. — Шу боис касбимиз, мутахассислигимиз бошқа бўлса-да, ўзимизни спортга дахлдор ҳисоблаймиз. Маҳалламизда бокс клуби ташкил қилдик.

Таъкидлаш жоизки, оммавий спорт тадбирларини уюштиришда фуқаролар йиғини фаоллари, Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссия аъзолари жонбозлик кўрсатишди.

Спорт билан мунтазам шуғулланаётган ёшлар сони йил сайин ортиб бораётир. Йиғиннинг футбол жамоаси вилоят биринчилигида муваффақиятли иштирок этяпти. Бокс тўгарагидан таниқли спортчилар етишиб чиқмоқда.

Комиссия ва фаоллар ташаббуси билан жорий йилнинг ўтган даврида қишлоқ фуқаролар йиғини таркибидаги маҳалла ёшларини касб-ҳунарга жалб этиш бўйича учта мактаб ва касб-ҳунар коллежи ўқувчиларининг давоматини яхшилашга бағишланган тадбирлар уюштирилди. 29 нафардан зиёд коллеж битирувчиси маҳалладаги ҳунармандларга бириктирилди.

«ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАСИ»

# Бу ерда фуқаро манфаати таъминланади

**«Заргарлик» — Жиззах шаҳрининг гавжум маҳаллаларидан. Ҳудудида турли ташкилотлар, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, дам олиш масканлари жойлашган бу гўша ободлиги, осойишталиги билан бошқа йиғинларга ибрат бўлмоқда. Маҳалла фуқаролар йиғини ўзининг қонуний ваколатларидан, жумладан, фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашга оид ҳуқуқларидан тўғри фойдаланаётгани ютуқларга замин яратмоқда.**

**Бек НАЗАР**
**«Mahalla»**



— Бугун маҳалла қошида ташкил этилган «Жамоатчилик қабулхонаси»да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Баҳром Мамажонов фуқароларни қабул қилаётир, — деди «Заргарлик» маҳалла фуқаролар йиғини масъул котиби ариза билан келган йигитга. — Хоҳласангиз киришингиз мумкин.

— Сенаторга шахсий масала билан мурожаат қилинса бўладими, — дея иккиланди йигит.

— «Жамоатчилик қабулхонаси»га ҳар қандай масала бўйича мурожаат этиш мумкин, кираверинг.

Сенатор қабулидан мамнун бўлиб чиққан йигит:

— Ёрдам беришини айтди, — деди. — Эртага ўзи қайнотам билан учрашар экан.

Мана шу учрашув ва суҳбатлар натижасига кўра, ажрашишга қарор қилган, уй-жойни тақсимлаш жанжали билан юрган эр-хотин яраштирилиб, оила сақлаб қолинди. Албатта, бунгача маҳалла, қариндош-уруғлар бу оиладаги муаммоларни бартараф этишга уринган эди. Олий Мажлис Сенати аъзоси, Жиззах давлат педагогика институти проректори Баҳром Мамажоновнинг эр-хотин, уларнинг ота-оналари кўнглига йўл топиши муаммонинг тезроқ ҳал бўлишига имкон берди.

— Бу — «Жамоатчилик қабулхонаси» фаолиятидан бир мисол холос, — дейди йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Гулжамол Муродқулова. — Ҳар пайшанба маҳаллада халқ депутатлари шаҳар ва вилоят кенгаши депутатлари, шаҳар ҳокимлиги, жамоат ташкилотлари раҳбарлари фуқароларни турли масалалар бўйича қабул қилади. Айниқса, сенатор Баҳром Мамажонов, ҳудудимиздаги 39-мактабгача таълим муассасаси раҳбари, шаҳар кенгаши депутати Гоира Фозилова, шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ғулом Хидиров, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошқаруви раиси ўринбосари Узоқбой Рисқулов ҳар пайшанба фуқароларни қабул қилиб, уларни ўйлантираётган масалаларни ҳал этишда яқиндан ёрдам бермоқда. Улар «Жамоатчилик қабулхонаси»га белгиланган вақтда келиб, фуқароларни қабул қилишни зиммасидаги масъулиятли вазифалардан, деб билишади.

— Давлатимиз томонидан фуқаролар мурожаатлари билан ишлашга алоҳида эътибор қаратилаётир, — дейди йиғин масъул котиби Ихтиёр Қодиров. — Аҳоли сонининг ортиши билан мурожаатлар ҳам кўпайиши табиий. Шу боис ташкил этилган «Жамоатчилик қабулхоналари» мурожаатларга қисқа фурсатда жавоб қайтариш имконини бераётир.

Ватанни обод, элни фаровон кўриш — ҳар бир юртдошимизнинг эзгу мақсади. Муҳими, бугунги кунда аҳолидан тушаётган аризаларнинг аксариятида ҳудудлар инфратузилмасини янада яхшилаш, маҳаллалар қиёфасини ўзгартириш каби масалалар кўтариляпти. Бу эса фуқароларнинг юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшаётганидан далолат.

## ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ



*Қашқадарё вилояти Деҳқонобод туманидаги «Бибиқорасоч» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ўтган йили барпо этилган энергияни тежайдиган замонавий лампа ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона Мустақиллигимизнинг 23 йиллик байрами арафасида тўла қувват билан ишлай бошлади.*

*Шўртан газ-кимё мажмуасига қарашли мазкур корхона йилига 672 минг дона лампа ишлаб чиқаради. Айни пайтда кунига 2600 дона лампа тайёрланиб, савдо шохобчаларига етказиб берилмоқда. Мураккаб технологияларни пухта ўзлаштирган 45 нафар йигит-қиз корхонанинг меҳнат унумдорлигини оширишга муносиб ҳисса қўшмоқда.*

*— Туманимизда янги-янги ишлаб чиқариш корхоналари бунёд этилмоқда, — дейди ишчи Муҳайё Набиева. — Мен Деҳқонобод агросаноат касб-ҳунар коллежини битириб, бу ерга ишга кирдим. Харидоргир маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳиссам борлигидан мамнунман.*

*Бугунги кунда цеҳда 12 турдаги лампалар тайёрланмоқда. Келгусида маҳсулот тури ва ҳажмини янада ошириш бўйича изланишлар олиб бориляти.*

ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ

# Дахлдорлик туйғуси билим билан юксалади

**Юртимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишда фуқаролар йиғинларининг фаоллиги тобора ошиб бормоқда. Айни пайтда бу вазифаларнинг самарали тарзда бажарилиши тизимда фаолият юритаётган ҳар бир ходимдан юксак ҳуқуқий билим ва малака талаб этади.**

**Дилфуза ҚОДИРОВА,**
**«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Китоб тумани бўлинмаси бош мутахассиси.**

Туманимиздаги мавжуд 38 та фуқаролар йиғинида хизмат қилаётган фаоллар вилоят ҳокимлиги ҳузурида ташкил этилган Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курсларида малака оширди. Бундан ташқари, ҳафтанинг шанба кунлари бўлинма қошида «Кўмак» маслаҳатхонаси фаолияти йўлга қўйилди.

Шу куни бўлинмага туман ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, Қарши давлат университети олимлари, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда солиқ органлари вакиллари навбат билан таклиф этилади. Улар ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, солиқ соҳасидаги янгиликлар, «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ва уларнинг ижроси ҳақида тингловчиларга маълумотлар беришади, аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғиботни самарали ташкил этиш бўйича йўл-йўриқлар кўрсатишади.

Маҳаллаларда тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган фуқароларга амалдаги қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини тушунтириш, мавжуд имтиёзлар ҳақида маълумотлар тақдим этиш йўлга қўйилган. Мисол учун, биргина жорий йилнинг иккинчи чорагида «Мустақиллик» фуқаролар йиғинида истиқомат қилаётган 3 нафар тадбиркорга ўз фаолиятларини йўлга қўйишлари учун ҳуқуқий маслаҳат берилди. «Чармгар» маҳалла фуқаролар йиғинидаги 2 нафар тадбиркорга кредит олишда кўмаклашилди. Йўлдош шаҳарча фуқаролар йиғинидаги маслаҳат марказининг кўмаги билан тикув цехи очилиб, 5 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди.



Маҳаллаларда вояга етмаганлар ва ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, қонун устуворлигини таъминлашда «Маҳала посбони» жамоатчилик тузилмаси раҳбарларининг алоҳида ҳиссаси бор. Фуқаролар йиғинларида ижтимоий-маънавий муҳитга салбий таъсир этувчи омилларнинг олдини олишда фуқаролар йиғинларининг ҳудудий профилактика инспекторлари, тегишли давлат органлари ҳамда жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлиги йўлга қўйилган. Натижада жорий йилнинг ўтган даври мобайнида содир этилиши эҳтимоли бўлган 3 та жиноятнинг олди олинди.

Ёш авлодни Ватанга садоқат ҳамда юрт тақдирига дахлдорлик руҳида тарбиялаш, ўғил-қизларни «оммавий маданият»нинг салбий таъсиридан асраш, уларнинг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича олиб борилаётган тарғибот тадбирлари тинч ва осуда ҳаётимизнинг кафолатидир.

МАҲАЛЛА ТИЗИМИДА КИМЛАР ИШЛАЙДИ?

# Энг яқин сирдош, мустаҳкам суянч, ишончли ҳамроҳ

**Жорий йил фуқаролар йиғинларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими ташкил этилганига ўн йил тўлди. Бугунги кунга келиб маслаҳатчилар маҳалла аҳлининг, айниқса, хотин-қизларнинг яқин ҳамроҳига, суянчи ва сирдошига айланди. Бирор хонадонда муаммо чиқса, маслаҳатчи ўша ерда ҳозиру нозир.**

**Муҳайё ТОЛИПОВА,**
**«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қарши тумани бўлинмаси бош мутахассиси.**

Вояга етмаган ёшлар, нотинч оилалар билан ишлаш, түйдан олдинги тиббий кўрик, хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлаш маслаҳатчи зиммасидаги масъулиятли вазифалардан. Тўю тадбирлар, тантана ва маросимлар уларнинг маслаҳатисиз ўтмайди. Шу билан бирга, ҳудудда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда уларнинг алоҳида ўрни бор.

Туманимиздаги маҳаллаларда 51 нафар диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи фаолият юритади. Бир пайтлар қишлоқ аёллари фақат мавсумий иш билан шуғулланиб, бошқа пайт уйда ўтиришар эди. Энди тадбиркорлик билан шуғулланаётган хотин-қизлар сони ортган. Уларнинг аксарияти корхоналар очиб, иш ўринлари яратяпти. Бу, албатта, маслаҳатчиларнинг хизмати, фидойилиги, хотин-қизлар ўртасида олиб борилган тарғибот ишларининг самарасидир.

«Юқори Бешкент» маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Ўғилой Расулова тадбиркорликка уқуви бор аёлларни аниқлаб, уларнинг рўйхатини шакллантирди ва 40 нафарига имтиёзли кредитлар олишда кўмаклашди.

Қоратепа қишлоғидан Дилдора Расулова уч миллион сўмлик кредит ҳисобидан 2 та тикув машинаси олиб, кичик цех очди. Айни пайтда цеҳда 6 нафар хотин-қиз иш билан банд.

Бундан ташқари, маслаҳатчиларнинг ташаббуси ва Хотин-қизлар қўмитаси ёрдамида тадбиркорлик билан шуғулланиш истагидаги аёлларга кредит олишда кўмак беряпмиз. Паррандачилик, тикувчилик, гиламчилик билан шуғулланувчи тадбиркор аёллар кредитлар ҳисобига фаолиятларини кенгайтирмоқда.

Талликурон қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида анчадан буён қаровсиз ётган спорт мажмуаси фуқаролар йиғини маслаҳатчисининг ташаббуси билан ҳомийлар ёрдамида таъмирланди. Бу хайрли ишга бўлинма ҳам бош қўшиб, 2 миллион сўмлик спорт инвентарлари олиб берди. Фуқаролар йиғинининг «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси раҳбари, спорт устаси Иззат Султонов мураббийлигида айни пайтда ҳудуддаги 6 та маҳалла ёшлари бу ерда жисмоний тарбия билан машғул.

«Равот» маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Бўстон Бекниёзовани каттаю кичик тўғрисўзлиги, ишбилармонлиги, дангаллиги туфайли ҳурмат қилади. У ҳудуддаги оилаларни яхши билади. Б.Бекниёзованинг саъй-ҳаракати билан маҳалла қошидаги «Ота-оналар университети» фаолияти намунали тарзда йўлга қўйилди.

Бўстон опанинг ташаббуси билан ҳудуддаги 1-сонли мактабгача таълим муассасасида ташкил этилган «Зумрадойлар давраси» тўгарагида қизалоқларга одоб-ахлоқ қоидалари боғча ёшидан ўргатилмоқда. Мактаблардаги «Ораста қизлар» тўгарагида таълим-тарбия ишлари янги босқичда давом эттирилаётир.

Ертепа қишлоқ фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Латофатхон Чориева халқаро «ЮНИСЕФ» ташкилоти томонидан ҳаётга татбиқ этилган «Оилавий таълим дастури» лойиҳасини тажриба сифатида илк бор қишлоқларда қўллади. Аввало, 1 ёшдан 7 ёшгача фарзандлари бор оилалар рўйхати шакллантирилди. Сўнгра аёллар, қайнона-келинлар иштирокида суҳбатлар уюштирилди. Ҳар бир болага алоҳида хона ёки бурчаклар ташкил этиш, ўйинчоқларнинг бола психологиясига мослиги, овқатланиш гигиенаси, хуллас, бола тарбиясига таалуқли бирор-бир омил эътибордан четда қолмади. Бу тажриба катта самара бергани боис уни барча маҳаллаларда оммалаштирдик.

Айни пайтда касб-ҳунар коллежларини битираётган қизлар маслаҳатчиларнинг назоратида. Уч томонлама шартномаларнинг бажарилишини таъминлаш учун маҳалла маслаҳатчилари бор имкониятларини ишга солмоқда.

Мухтасар айтганда, бугунги кунда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар жойларда соғлом ижтимоий муҳитни яратиш, аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ўртасида меҳр-оқибатни кучайтиришда раиснинг яқин ёрдамчисига айланган.

## НАВОИЙ ВИЛОЯТИ



*Қизилтепа туманида Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллиги арафасида «Шейхон» ҳамда «Арабхона» маҳалла фуқаролар йиғинларининг янги маҳалла гузарлари фойдаланишга топширилди.*

*— Маҳалла фуқаролар йиғинларининг ўз биносига эга бўлгани, моддий-техник базаси яхшилангани, албатта, фаолият самарадорлигини оширади, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси раиси Шокир Ҳабибов. — Гузарларда йиғин фаолиятини янада такомиллаштириш, фуқаролар билан ишлаш учун барча шарт-шароит муҳайё этилган. Чунончи, раис, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, масъул котиб, посбон ва профилактика нозири учун алоҳида-алоҳида хоналар, шунингдек, кўркам мажлислар зали мавжуд.*

*Янги гузарлар қурилиши учун бўлинма томонидан 15 миллион, туман ҳокимлиги томонидан 13 миллион сўм маблағ ажратилди.*

*Ҳар иккала маҳаллада энг улуғ, энг азиз айёмимизга бағишланган тадбирлар бу йил ҳар қачонгидан-да файзли ўтяпти. Зотан, байрам тантаналари янги, кўркам маҳалла гузарларида ташкил этилди.*

САВОБ ИШНИ ҲАР КИМ, ҲАР КУН ҚИЛМОҒИ КЕРАК

# Ярашиш, яраштириш яхшилардан яралган иш

**Юртимизда ўтказилган ижтимоий сўровдан маълум бўлишича, иштирокчиларнинг 52,2 фоизи жамиятда маънавий муҳитнинг шаклланишида маҳалла оиладан кейинги ўриндаги энг катта таъсир кучига эга эканини таъкидлаган.**

**Холбиби САФАРОВА**
**«Mahalla»**

Дарҳақиқат, бугун маҳалла фуқаролик жамиятининг муҳим бўғини сифатида том маънода ҳудуд осойишталигини сақлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, ижтимоий муҳофаза, ёшларнинг азалий қадриятлар руҳида камол топиши каби долзарб масалалар ечимида ўз салоҳиятини намоён этмоқда. Йиғинлар қошида фаолият юритаётган доимий комиссияларнинг, хусусан, Яраштириш комиссияларининг оилалар мустаҳкамлиги, аҳоли ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва бирдамликни кучайтиришдаги хизматлари эътирофга лойиқ.

Яраштириш комиссияси мамлакатимизда соғлом авлодни тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиш, оилавий келишмовчиликларни муроса йўли билан ҳал этиш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилган. Фаолият кўрсатаётганига ўн беш йил бўлган бу комиссиялар ўтган вақт мобайнида ҳудуддаги ибратли жиҳатларни оммалаштирувчи, тўй-маъракаларнинг меъёрда ўтишига ҳисса қўшувчи, гиёҳвандлик ва ичкиликбозликка қарши курашишга даъват этувчи тузилма сифатида эътибор қозонди.

Кармана туманидаги Жалойир қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Юқори буғ» маҳалласи ҳузуридаги Яраштириш комиссияси таркибига профилактика нозири, Кармана саноат иқтисодиёт касб-ҳунар коллежининг маънавият масалалари бўйича директор ўринбосари ҳамда намунали оилалар бошлиқлари, имом-хатиб киритилган. Жорий йилнинг 7 ойи мобайнида комиссияга фуқаролардан 42 та мурожаат келиб тушди. Эр-хотин, қайнона-келин ёки ака-укалар ўртасидаги оилавий можаролар, қўшниларнинг келишмовчилиги каби ҳолатлар қайд этилган аризалар кўриб чиқилиб, томонлар келишувига эришилгани маҳалла фаолларининг самарали иш олиб бораётганини кўрсатади. Фуқаролар йиғини раиси Ориф Бўронов бошчилик қилаётган комиссиянинг 11 нафар аъзоси хонадонлар турмушидан хабардор бўлиб, ҳар бир фуқаронинг кўнглига йўл топишга интилади. Уларнинг саъй-ҳаракати билан тўй-маросимларни ихчам ва камхарж ўтказилишига эришилмоқда.

— Яраштириш комиссияси низолашилаётган мерос хусусида судга ўз таклифини билдириш ҳуқуқига ҳам эга, — дейди йиғин раиси О.Бўронов. — Шу боис комиссия аъзолари ҳуқуқий жиҳатдан саводхон бўлиши, қонунларни яхши билиши лозим. Шунингдек, комиссия турмуш муносабатларига оид жанжал бўйича қонуний чоралар кўрилишини таъминлайди. Маҳалламизда ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари иштирокидаги ўқув курслари, турли маънавий-маърифий тадбирлар бу борадаги билимларимизни оширишга ёрдам беряпти.

Яраштириш комиссиялари жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларнинг жамиятда ўз ўрнини топишини назорат қилишда уларга амалий ёрдам кўрсатиш ваколатига ҳам эга. Жорий йилда маҳаллада амнистия актига асосан озодликка чиққан 2 нафар фуқаронинг ишга жойлашишига кўмаклашилди.

Комиссия аъзоларининг ҳамжиҳатликдаги фаолияти маҳалланинг тинч-осойишта, аҳолининг аҳил-иноқ, оилаларнинг мустаҳкам бўлишига қўшаётган ҳиссаси туман маҳаллаларига намуна бўлаётир.

## НАМАНГАН ВИЛОЯТИ



*Мустақилликнинг 23 йиллиги байрами арафасида ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашари кунлари Наманган вилоятида 16 та маҳалла ўзининг янги гузарига эга бўлди. Замонавий услубда, тўрт-беш хонадан иборат, ёнида маиший хизмат ва савдо шохобчалари бўлган мазкур мажмуалар маҳаллий тадбиркорлар кўмагида, ҳашар усулида тикланди.*

*Наманган туманидаги «1-Қоратепа» маҳалласида фойдаланишга топширилган икки қаватли бинога фуқаролар йиғини ҳам жойлашди. Бу ерда ходимларнинг самарали фаолият юритишлари учун барча шарт-шароит яратилган. Хусусан, кенг ва шинам хоналар, мебель ва бошқа жиҳозлар йиғин фаоллари учун чинакам байрам совғаси бўлди.*

*Тадбиркор Раҳимжон Сулаймонов саъй-ҳаракати билан барпо этилган мазкур гузардан чеварлик, пазандалик, элита пардалари тикиш, компьютер, инглиз ва рус тилларини ўргатиш курслари жамланган «Бону» ўқув маркази, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳамда музқаймоқ павильони ҳам ўрин олган. Эътиборлиси, гузарнинг ишга тушиши билан маҳалла ёшларидан ўн нафарининг бандлиги таъминланди.*

ОЗОД ЮРТНИНГ ОБОД МАНЗИЛИ

# Янги уйда янги ҳаёт нафаси

**Чуст — Тўрақўрғон йўлининг икки четидаги қишлоқлардан ўтиб бораркансиз, намунавий лойиҳа асосида қурилган уйларга кўзингиз тушади ва беихтиёр уларга ҳавас билан боқасиз. Айниқса, йўлнинг чап томонида, бепоён даланинг ўртасида бутун бир шаҳарча барпо этилган.**



**Фарҳод ҚОДИРОВ**
**«Mahalla»**

Атиги беш йил аввал бу ерда мана шундай муҳташам иморатлар мажмуаси қад ростлайди деса, биров ишонмасди. Бугун «Янги Ахсикент» номи билан машҳур ушбу маҳалла халқимиз бунёдкорлик салоҳиятини ёрқин намойиш этиб турибди. Қувонарлиси, бундай манзарани вилоятнинг барча туманларида учратиш мумкин.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»да бошланган тизимли бунёдкорлик ишлари боис бугун Наманган вилоятида етмишдан ортиқ янги даҳалар барпо этилди. 2009-2013 йиллар мобайнида 2402 та намунавий лойиҳадаги уй-жой фойдаланишга топширилди. Биргина ўтган йилнинг ўзида Косонсой туманидаги Қорасув, Чиндовул, Мингбулоқ туманидаги Олтинкўл, Наманган туманидаги Ирвадон, Миришкор, Боғишамол, Норин туманидаги Тўда, Қўрғонтепа каби ўнлаб қишлоқларда шароити шаҳарникидан қолишмайдиган 700 та уй-жойда ҳовли тўйлари ўтказилди. Уч ва тўрт хонали бу хонадонлар намунавий лойиҳа асосида бунёд этилган бўлиб, яшаш учун қулайлиги, пишиқлиги, миллий ва замонавий архитектура уйғунлашиб кетгани билан барчага маъқул бўлмоқда.

— Янги массивларда аҳоли турмушини янада фаровонлаштиришга хизмат қиладиган ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани яратишга алоҳида эътибор қаратилаётгани диққатга сазовордир, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошқаруви раиси Насриддин Садриддинов. — Барпо этилаётган маҳалла гузарлари, хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчалари одамларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилаётгани, шунинг баробарида, қўшимча иш ўринлари яратилаётгани қувонарли ҳол. Бундан ташқари, қишлоқ массивларида ўтган 5 йил давомида 120 километр тоза ичимлик суви, 92 километр табиий газ қувурлари, 65 километр узунликда электр тармоқлари тортилди, 70 километрга яқин ички йўллар барпо этилди.

Наманган туманидаги Хонобод қишлоғида қўр тўкиб турган ана шундай янги массивдамиз. «Нўғайқўрғон» маҳалласига туташиб кетган бу ҳудуд ўз гузарига, ўндан ортиқ хизмат кўрсатиш шохобчаларига эга. Уларнинг бари шундай кетма-кетликда жойлаштирилганки, бир-бирини тўлдириб турганидан ташқари, кўрган кўзни қувнатадиган даражада уйғун. Шароитлар эса мижозлар кўнглидагидек.

— Барча қулайликларга эга ҳовлиларда хонадон эгалари бахтли ва фаровон ҳаёт кечиришмоқда, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси масъул котиби Мунира Исомиддинова. — Айни вақтда қўшни Ирвадон қишлоғидаги «Орзу» маҳалласида яна 260 та замонавий уй-жой қурилиши жадал суръатларда давом эттирилаётир. Мазкур жараёнда 27 та қурилиш ташкилоти фаол иштирок этмоқда.

Янги уйлар оралаб юрар экансиз, хонадонларнинг деразалари рафига терилган гултуваклару кўча бўйидаги мўъжаз гулзорларда барқ уриб очилган ранго-ранг гуллар атрофга ўзгача чирой бахш этганини кўрасиз. Қия очиқ турган дарвозадан ичкари мўраласангиз, бу гўзаллик бардавом эканига шоҳид бўласиз. Исталган хонадонга кирсангиз, шинам жиҳозланган ошхона, болалар хонаси, меҳмонхона ва баҳаво айвон эътиборингизни тортади. Уларда истиқомат қилаётган одамларнинг юз-кўзидаги хурсандчилик, мамнунлик ифодаси беихтиёр сизга ҳам ўтади.

Муҳтарам Президентимизнинг 2013 йил15 ноябрдаги «Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қурилишининг 2014 йил Дастури тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида жорий йилда Наманган вилоятида яна 777 та замонавий қишлоқ уйларининг калитлари ўз соҳибларига топширилиши режалаштирилган. Айни вақтда ўн битта тумандаги 26 та массивда бунёдкорлик ишлари авжида.

БУНЁДКОРЛИК

# Довон ошган пўлат излар

**Бу тоғ йўлидан илк бор болалигимда, ўтган асрнинг 80-йиллари бошида ўтгандим. Бир томони харсангтошлар, иккинчи томони тубсиз жарлик, ўртада энсиз йўл. Биз ўтирган «Жигули» юқорига тирмашган сари тез-тез «ҳунар кўрсатади». Гоҳида рўпарадан келаётган юк автомобилини ўтказиб юбориш учун четга чиқиб туриш керак. Хуллас, қарийб 80 километрли довонни қизиқиш, хавотир ва қўрқув аралаш салкам 8 соатда босиб ўтдик...**

**Илҳомжон РАҲМАТОВ**
**«Mahalla»**

Ушбу манзара кўпчиликка мамлакат пойтахтини Фарғона водийси билан боғлайдиган Қамчиқ довонининг яқин ўтмишини эслатган бўлса, ажабмас.

Йигирманчи асрнинг охирги ўн йилида бу йўл мисли кўрилмаган даражада ўзгарди. Ҳозирги вақтгача бу ерда таъмирлаш ишлари бир зум бўлсин тўхтагани йўқ. Энди довондан ўзимизда ишлаб чиқарилган замонавий автомобилда узоғи билан 1-1,5 соатда бемалол ўтиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, довоннинг ярми Тошкент вилоятининг Оҳангарон, иккинчи қисми эса Наманган вилоятининг Поп туманлари ҳудудига киради. Ҳар икки томонда йўлга мос равишда катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Инфратузилма ривожланиб, хизмат кўрсатиш шохобчалари сони ортди. Бугун тоғдаги бетакрор табиат манзарасига маҳлиё бўлиб, ана шундай масканларда мароқли ҳордиқ чиқариш имконияти бор.

Ўтган йили довонда яна бир улкан лойиҳани амалга оширишга киришилди. Президентимизнинг 2013 йил 18 июндаги «Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўл линияси қурилишини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан мамлакатимиз тарихида зарҳал ҳарфлар билан битиладиган катта қурилишга асос солинди.

Айни вақтда «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК ва Хитойнинг «China Railway Tunnel Group» компанияси ҳамкорлигида ана шу эзгу мақсад рўёбга чиқарилмоқда. Умумий узунлиги 123 километрдан зиёд, жумладан, тунел қисми 19,1 километрни ташкил этадиган темир йўлни бунёд этиш ишлари ҳар икки томондан, яъни Ангрен ва Поп станцияларидан бошланган. Бу айтишгагина осон. Ушбу рақамлар замирида эса юзлаб мутахассис ва ишчиларнинг, 550 дан зиёд замонавий техниканинг тинимсиз меҳнати, ҳаракати бор.

Ҳозир довондан ўтаётган йўловчиларнинг суҳбат мавзуси, албатта, темир йўл қурилишига бориб тақалади. Чунки уларнинг кўз ўнгида чинакам мўъжиза содир бўлмоқда. Қувонарлиси, бу яратувчанлик ҳар соат, ҳар кун бор бўйи билан яққолроқ гавдаланаётир. Ангрендан ўтиб, довон ҳудудига киришингиз билан ўнг томонда яқинда ётқизилган пўлат изларга кўзингиз тушади. Қисқа вақт ичида пайдо бўлган бу йўл рўё эмас, айни ҳақиқат. Ҳар қадамда ўнлаб қудратли машиналар ҳаракатини мароқ билан кузатасиз, махсус кийим-бошдаги қурувчиларнинг фидойи меҳнатига гувоҳ бўласиз.

Довондан тушиб, Наманган томонга бурилганингизда сўл тарафда яна ўша пўлат излар ҳамроҳингизга айланади. Автомобиль йўли билан кесишиб (остидан ўтиб), ўнгга, сўлим водий қучоғига кириб кетгунча темир йўлдаги қурилиш ашёларини ташишга мўлжалланган вагонлар, у ерда ишчи-хизматчиларга яратилган шароитлар давлатимиз қудратининг оддий бир намунаси эканидан қалбингиз фахр-ифтихорга тўлади.

Маълумотларга кўра, мазкур қурилиш доирасида 266 та сунъий иншоот, 6 та темир йўл станцияси, 2 та вокзал ва 3 та тортиш электр станциялари барпо этилади. Табиийки, буларнинг бари нафақат йўловчилар, балки шу ерда яшаётган аҳоли турмушини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, мамлакатимиз иқтисодиётини янада юксалтириш имконини беради.

Мустақиллигимизнинг 23 йиллик шодиёналари нишонланаётган шу кунларда йўлнинг 60 километрдан кўпроғи қурилган. Бунёдкорлик 2016 йилда ниҳоясига етказилади. Шунда юртдошларимиз ва чет эллик меҳмонлар учун гўзал водий вилоятларига ҳеч бир қийинчиликсиз бориб-келиш имкони яратилади. Ўз навбатида, Наманган, Андижон ва Фарғона аҳли ҳам узоғини яқин қиладиган бу қулайликдан баҳраманд бўлишни интизорлик билан кутмоқда. Асрий орзулар айнан истиқлол боис рўёбга чиқаётгани барчамизга чексиз қувонч бағишлаётир.



ТИББИЁТ

# Она ва бола саломатлигига юксак ғамхўрлик

**Юртимизда тиббиёт соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар самараси улкан натижаларини берибгина қолмай, балки дунё ҳамжамияти, халқаро ташкилотлар эътирофига сазовор бўлмоқда. Истиқлол йилларида мамлакатимиз оналар ва болалар соғлиғини мустаҳкамлаш, замонавий тиббий муассасалар барпо этиш, уларнинг моддий-техник базасини такомиллаштириш ва кадрлар малакасини оширишда 161 та давлат орасида 9-ўринга кўтарилди.**



**Х. САФАРОВА**
**«Mahalla»**

Ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинлари, шу жумладан, қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникалар ишга туширилгани туфайли оналар ва болаларнинг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятлари кенгайди. Бундай чора-тадбирлар натижасида мамлакатимизда оналар ўлими 3,1, гўдаклар ўлими 3,2 баробарга камайди.

«Save the children» халқаро ташкилоти рейтингига кўра, Ўзбекистон жаҳонда болалар саломатлиги тўғрисида энг кўп ғамхўрлик кўрсатадиган ўнта мамлакат қаторидан жой олди.

— Туғуруқ мажмуаси 2011 йилда перинатал марказга айлантирилгач, оналар ва болаларга кўрсатилаётган ёрдам сифати ҳар жиҳатдан яхшиланди, — дейди Навоий вилоят перинатал маркази шифокори А.Эшонқулов. — Осиё тараққиёт банки кредити эвазига замонавий жиҳозлар келтирилиб, янги туғилган чақалоқларнинг касалланиши сезиларли даражада камайишига эришилди. Диагностика-даволаш имконияти ошгани туфайли ҳомиладор аёлларга марказда тиббий ёрдам кўрсатиш тизими яратилди. Айни пайтда 150 ўринли тиббиёт муассасамизда оналар билан бирга хасталикка чалинган чақалоқлар ҳам соғломлаштириляпти. Акушер-гинеколог, неонтолог ҳамда ҳамширалар хорижий давлатларда, республика тиббиёт марказларида малака оширишди.

2014 йилнинг олти ойи давомида марказда 2596 та туғуруқ қайд этилган бўлиб, паталогик белгилар аниқланганлари бўйича тезкор чора-тадбир қўлланиши натижасида она ва болада хасталик асорати қолишининг олди олинди. 2804 нафар ҳомиладор ва туғиш ёшидаги аёл соғломлаштирилди. Бундан ташқари, марказ шифокорлари қишлоқ врачлик пунктлари билан ҳамкорликда фертил ёшдаги аёлларни тиббий кўрикдан ўтказиш, уларнинг соғлиғини яхшилаш борасида кенг кўламли ишларни амалга оширишмоқда.

Истиқлол йилларида она ва бола саломатлиги муҳофазаси бўйича эришилган ютуқларда вилоятларда ташкил этилган скрининг марказларининг хизмати эътиборга лойиқ. Жорий йилнинг биринчи ярмида 6 минг нафарга яқин ҳомиладор аёл боладаги наслий ва туғма нуқсонларнинг олдини олиш мақсадида вилоят скрининг марказида тиббий кўрикдан ўтказилди. Янги туғилган чақалоқлар текширилиб, бирор касаллик аниқланганда, тезкор соғломлаштириш чоралари кўрилмоқда.

Тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш долзарб вазифалар сирасидан. Давлат дастурига кўра, жорий йилда Навоий шаҳридаги оилавий поликлиникалардан 3 нафар, қишлоқ врачлик пунктларидан 12 нафар умумий амалиёт шифокори Самарқанд ва Бухоро олий таълим муассасаларида малака оширди. Шунингдек, Соғлом бола йилида шаҳар ва туманлардаги 14 та қишлоқ врачлик пункти капитал реконструкция қилинди, Навбаҳор, Нурота ва Конимех туман тиббиёт бирлашмалари рентген ҳамда ультратовуш диагностикаси аппаратлари билан таъминланди. Онкогематологик касалликларга чалинган 82 нафар болага бепул дори-дармон етказиб берилмоқда.

— 2014 йилнинг иккинчи чорагида 5 нафар имконияти чекланган болага республикамиз клиникаларида жарроҳлик йўли билан даволаниш учун йўлланма берилди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Навоий вилояти бўлими бошқаруви раиси Нормурод Исоқов. — «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди билан ҳамкорликда амалга оширилаётган мазкур ишларимиз доирасида тезкор даволанишга муҳтож 22 нафар 1-12 ёшли бола Германиянинг «Фриедендзорф Интернейшнл» халқаро ташкилоти мутахассислари томонидан тиббий кўрикдан ўтказилди ва улардан 4 нафари мазкур давлат клиникаларига даволаниш учун жўнатилди.

Истиқлол йилларида амалга оширилган ислоҳотлар жараёнида фуқароларнинг ҳаётга муносабати тубдан ўзгарди. Жумладан, одамларда соғлом турмуш тарзига интилиш, ўзининг, оиласининг, маҳалладошларининг саломатлиги учун қайғуриш ҳисси кучайди. Натижада тиббий кўрикка эътибор ва талаб ортди, эмлаш тадбирлари ёрдамида қатор юқумли касалликларга бутунлай барҳам берилди.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ



*Истиқлол йилларида Булунғур туманида ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий жабҳаларда улкан ишлар амалга оширилди. Туман қишлоқлари таниб бўлмас даражада ўзгариб, аҳоли турмуш фаровонлиги юксалди.*

*Айниқса, Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида барпо этилган замонавий уйлар маҳаллалар қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди.*

*— Ўтган йили туманимизда 64 та намунавий лойиҳадаги уй ўз эгаларига топширилган эди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Булунғур тумани бўлинмаси раиси Алишер Шодмонов. — Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги муносабати билан 16 та оила янги уйларда ҳовли тўйларини нишонлади. «Мингтепа» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги ушбу тураржойлар барча қулайликларга эга.*

*Маҳаллада савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари очилди, кўчаларга асфальт ётқизилди, ҳовли-жойлар атрофи гулу гулзорларга бурканди, ичимлик суви, табиий газ, электр таъминоти йўлга қўйилди.*

*— Байрам арафасида 5 хонали уйга эга бўлдик, — дейди ҳудуддаги «Меъмор» хусусий корхонаси раҳбари Мамаражаб Тўраев. — Янги уйга кўчиб кирганимизда турмуш ўртоғим ва фарзандларимнинг қувончидан ўзимни қўярга жой топа олмадим. Яратилган шарт-шароитлардан мамнунмиз.*

*Ҳа, бугун юртимизнинг аксарият маҳаллаларидаги каби мингтепаликлар ҳам энг улуғ, энг азиз байрамни замонавий, шинам ҳовлиларда кутиб оладилар.*

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

# Маҳаллада ҳоким ҳисоботи тингланди

**Азалдан эл манфаати йўлидаги хайрли ишлар кўпнинг иштирокида бажариб келинган. Турли тадбирларни ташкиллаштиришда ҳурматга сазовор кайвонилар кимга қандай вазифа юкланишини ва уларнинг бажарилишини назорат қилиб борган.**

**Толибжон НИЗОМОВ «Mahalla»**

Эндиликда жамоатчилик назорати орқали амалдаги қонун ҳужжатларига биноан йилнинг ҳар чорагида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти доирасига кирадиган масалалар юзасидан ҳудуддаги корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш йўлга қўйилди.

Самарқанд вилояти Пайариқ туманидаги фуқаролар йиғинлари бу ваколатдан самарали фойдаланиб, ҳудудлар инфратузилмасини тубдан яхшилашга эришди. Гап шундаки, маҳаллаларда йилнинг ҳар чорагида туман ҳокими ҳамда бошқа тегишли ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботлари тингланаётгани муаммолар ечимида муҳим омил бўлмоқда.

— Жорий йилнинг биринчи чорагида туман раҳбари Абдумўмин Жўраев ҳудуддаги 9 та маҳаллада ҳисобот берди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Пайариқ тумани бўлинмаси раиси Сайдулла Бойузоқов. — Алишер Навоий номидаги маҳаллада бўлиб ўтган учрашувда фуқаролар томонидан 7 гектар майдондаги истироҳат боғини капитал таъмирлаш масаласи ўртага ташланганди. Ўтган қисқа вақт ичида ушбу ҳудуд қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарди, Мустақиллигимизнинг 23 йиллик тантаналари арафасида истироҳат боғи фойдаланишга топширилди.

Дам олиш маскани марказида барпо этилган рангли фаввора, минг тупдан зиёд арча, майсалар, анвойи гуллар кишининг баҳридилини очади. Ўрнатилган ўндан зиёд турли аттракционлар болажонларнинг қувончига қувонч қўшмоқда. Истироҳат боғи марказидаги «Маданият уйи» таъмирланди. Унга ёндош тарзда барпо этилган «Ёшлар маркази» ҳамда болалар спорт майдончаси махсус панжаралар билан ўралди. Айни пайтда боғда амфитеатр қуриш ишлари жадал суръатларда давом этмоқда.




Шунингдек, жорий йилнинг май ойида Челак шаҳарчасидаги 7 та маҳаллада ташкил этилган учрашувларда аҳоли таклифларига биноан 2,5 гектарли истироҳат боғи капитал таъмирланиб, зарур ускуналар билан таъминланди.

«Бунёдкор», Мирзо Улуғбек ҳамда Аҳмад Яссавий номидаги маҳаллаларда ўтган ҳисоботларда аҳоли ҳудудлар инфратузилмасини янада яхшилаш, хиёбонлар, ҳудудлардаги ёритқичларни таъмирлаш бўйича туман раҳбарига мурожаат қилишди. Қисқа фурсатда 1 ярим километр йўл таъмирланиб, аҳоли тураржойлари, кўчаларга лампалар ўрнатилди.

Ёз ойларида аҳолининг ичимлик сувига талаби ортиши боис «Хўжаобод» маҳалласи аҳли А.Жўраевга ушбу масалада мурожаат қилди. Туман раҳбарининг топшириғи билан ҳар куни аҳолига тоза ичимлик суви махсус машиналарда келтирилиб тарқатиляпти. Жорий йилнинг охирига қадар ҳудудда артезиан қудуғи ишга туширилиши режалаштирилган.

Бундан ташқари, атроф-муҳитнинг экологик ҳамда санитария ҳолатини яхшилаш мақсадида туман ҳокимининг саъй-ҳаракатлари туфайли маҳаллалар учун «Махсустранс» корхонаси томонидан техникалар ажратилди.

Бир сўз билан айтганда, туман ҳокимининг фуқаролар йиғинларида ҳисобот бериши маҳаллий аҳамиятга молик муаммоларнинг ўз вақтида бартараф этилишини таъминлаяпти.

«ОИЛА — МАҲАЛЛА — ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ» ҲАМКОРЛИГИ

# Баркамол авлод тарбиясида уч муҳим бўғин

**Маҳаллаларда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этаётир.**



**Фароғат ШОКИРОВА, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Самарқанд вилояти бўлими бош мутахассиси.**

Янги ўқув йили бошланиши арафасида мазкур ҳамкорлик доирасида маҳаллаларда ота-оналарга фарзандлари дарсларга мунтазам қатнашмаса, қонун ҳужжатларига мувофиқ маъмурий жавобгарликка тортилиши тўғрисида мутахассислар томонидан атрофлича маълумотлар бериляпти.

Самарқанд вилояти ҳокимлиги, халқ таълими ва вилоят ички ишлар бош бошқармалари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, «Камолот» ЁИҲ вилоят Кенгаши ва бошқа ҳамкор ташкилотлар вакиллари биргаликда «ўқувчи» ва «давомат» рейдларини уюштирди. Уларда машғулотларга ўз вақтида қатнашмаётган 19 нафар ёшнинг 13 нафари савдо-сотиқ билан шуғулланаётгани, 6 нафари эса «Интернет кафе»ларда кўнгилочар ўйинларга муккасидан кетиб, вақтини бесамар ўтказаётгани аниқланди. Кўрилган тезкор тадбирлар натижасида ўқувчи-ёшлар таълим муассасаларига қайтарилди.

Айни пайтда Фонднинг вилоят бўлими томонидан Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳарлари, Булунғур, Пастдарғом, Ургут, Самарқанд ҳамда Каттақўрғон туманларида ҳамкорликни янада кучайтириш мақсадида фуқаролар йиғинларига услубий ва амалий кўмак кўрсатилаётир. Чунки жорий йилнинг биринчи ярмида мазкур ҳудудлардаги маҳаллаларда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш юзасидан профилактик тадбирлар меъёрдагидан кам ўтказилган. Бунинг оқибатида жиноятчиликка ёки турли диний оқимлар таъсирига тушиб қолишга мойил ёшлар учрагани афсусланарли ҳолдир. Маҳаллаларда ана шу тоифадаги вояга етмаганларнинг рўйхатлари шакллантирилиб, уларни соғлом турмуш тарзига қайтариш учун мураббийлар жалб этилди.

Вилоятимиз маҳаллалари ҳудудидаги таълим муассасаларида «Маънавият сабоқлари» тадбирлари ташкил этилган. Уларда нуронийлар, ҳаёт тажрибасига эга оила бошлиқлари, имом-хатиблар одоб-ахлоқ, шарқона тарбия мазмун-моҳиятини ўқувчи-ёшлар онгига сингдиришмоқда. Бу жараёнда «Ота-оналар университети» аъзолари иштироки таъминланаётгани кўзланган мақсадга эришишда қўл келмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятдаги барча маҳаллаларда ўқувчи-ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида «Истиқлол берган иқбол», «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» мавзуларида давра суҳбатлари ўтказилди.

Шунингдек, қўшни давлатлар билан чегарадош Булунғур ва Ургут туманларидаги 14 та маҳаллада «Миссионерликнинг салбий оқибатлари», «Дин ва маънавият», «Хурофотга қарши курашда аёлларнинг ўрни» мавзуларида маънавий-маърифий тадбирлар уюштирилди. Фуқаролар йиғинларида аҳоли, айниқса, ёшларни ғоявий таҳдид ва «оммавий маданият»нинг салбий таъсирларидан ҳимоялаш, диний экстремизм ва миссионерликнинг салбий оқибатларини тушунтиришга оид тадбирлар изчил ташкил этилмоқда.

Бекорчилик барча иллатларнинг урчишида асосий омилдир. Вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган турли кўнгилсиз ҳолатлар ҳам айнан бекорчилик оқибатидан. Шу боис вилоятимиздаги 537 та фуқаролар йиғинида ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида спорт ҳамда 725 та маҳаллада касбга йўналтирувчи тўгараклар ишлаб турибди.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ



*Гулистон шаҳридаги «Бўстон» маҳалласи тадбиркорлари ташаббуси билан ҳудудда «Анорбой ота» гузари қурилиб, фойдаланишга топширилди.*

*Гузарда озиқ-овқат ва истеъмол моллари сотиладиган мажмуа ҳамда болалар майдончаси барпо этилгани бўстонликлар учун мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллик байрамига муносиб совға бўлди. Айниқса, майдончанинг аттракцион жиҳозлари билан таъминланганини болажонларни чексиз қувонтирди.*

*— Гузарнинг барпо этилишида маҳалламиздаги «Имон-инсоф-барака» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Алижон Шералиевнинг хизматини алоҳида эътироф этиш жоиз, — дейди йиғин раиси Ориф Салимов. — Банкнинг 180 миллион сўм кредити эвазига бунёд этилган ушбу гузар маҳалламиз кўркига кўрк қўшиш баробарида аҳоли бандлигини таъминлашда ҳам муҳим омил бўлди. Айни пайтда майдонча болаларнинг севимли масканига айланди. Эндиликда тадбиркор болалар учун усти ёпиқ кичик футбол майдончаси ҳамда 120 ўринли қаҳвахона қуришни режалаштиряпти.*

*Гузар атрофини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларига маҳалла аҳли ўз ҳиссасини қўшди.*

ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК

# Ёшларда меҳнатга меҳр, мулкка эгалик ҳисси баланд

**Сирдарё вилоятида ёшларни, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш бўйича ибратли ишлар амалга оширилмоқда.**

**Тошпўлат ҲАЙИТБОЕВ «Mahalla»**

Бу борада «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ва туман(шаҳар) бўлинмалари, ҳокимликлар, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармалари ҳамда тижорат банкларининг ўзаро ҳамкорлиги кутилган самара бераётир. Айниқса, ушбу жараёнда ишлаб чиқариш корхоналари ва тадбиркорлик субъектларининг ўрни беқиёс.

Жорий йилда Сирдарё вилоятидаги 47 та касб-ҳунар коллежини 12 минг 213 нафар ёш 76 та йўналиш бўйича битирди. Уларнинг 908 нафари ўзлари амалиёт ўтаган корхоналарга, 2666 нафари эса «меҳнат ярмаркалари» орқали ишга жойлашди. Бунда битирувчи, таълим муассасаси ҳамда корхона ва ташкилотлар ўртасида уч томонлама шартнома тузилгани мустаҳкам асос бўлди. Хусусан, Бахт енгил саноат касб-ҳунар коллежини битирган 65 нафар йигит-қиз Бахт шаҳридаги «Бек текс» масъулияти чекланган жамиятида корхона мутасаддилари билан уч томонлама шартнома имзолашга эришди ва муқим иш жойига эга бўлди.

Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига, фермерлик ҳаракатига жалб қилиш, бизнес лойиҳаларини амалиётга татбиқ этишга кўмаклашилмоқда. Натижада жорий йилда 1855 нафар битирувчи тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирди.

Ҳозирга қадар 248 нафар битирувчининг бизнес режаси маъқулланиб, уларга банклар томонидан 1 млрд. сўмдан зиёд имтиёзли кредит маблағлари ажратилди. Қолаверса, ёш ишбилармонлар ҳокимлик қошидаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси томонидан «Ёш авлод» гувоҳномаси ҳамда муҳр олиш, ҳисоб рақами очиш каби хизматлардан имтиёзли фойдаланиш имкониятига эга.



Қувонарлиси, шу йилнинг ўтган даврида вилоятда янги ташкил қилинган 33 та хизмат кўрсатиш ва бошқа тадбиркорлик фаолияти айнан касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига тегишлидир.

Тижорат банкларининг имтиёзли кредитларини маҳалла фуқаролар йиғинининг кафолат хати билан бериш йўлга қўйилмоқда. Маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган йигит-қизларга оилавий шароити, даромади ва бошқа мулкий аҳволи ҳақида банк бошқарувига асосланган маълумотномалар кафолат тарзида тақдим этилмоқда.

Бундан ташқари, туман ҳокимликларига деҳқон хўжалигини очиш учун 2824 нафар битирувчи томонидан ариза берилди. Ҳозирга қадар 1648 нафар битирувчига мазкур йўналишда иш бошлаш бўйича туман ҳокимларининг қарорлари топширилди. Эндиликда улар томорқа хўжаликларида иссиқхоналар барпо этиб, хонадонларида паррандачилик, чорвачилик ва асаларичиликни йўлга қўйиб, оиласи фаровонлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Аниқ мақсадни кўзлаб, ижтимоий шериклик асосида амалга оширилаётган ишлар ёшларда меҳнатга меҳр, мулкка эгалик ҳиссини шакллантиришга хизмат қилаётир.

ИСТЕЪМОЛЧИ МАНФААТИ ҲИМОЯДА

# Мурожаатлар эътиборсиз қолдирилмайди

**Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоялашда Сирдарё вилояти хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ва бўлинмалари, вилоятдаги 342 та фуқаролар йиғини, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси кенгаши ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар ҳамкорлигида қатор чора-тадбирларни амалга ошираётир.**

**Эркин БОЙНАЗОВ, Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси Сирдарё вилояти ҳудудий бирлашмаси раиси.**

Бирлашмамизнинг ишонч телефонларига биргина жорий йилнинг шу даврига қадар истеъмолчилардан жами 60 та мурожаат тушди.

Таъкидлаш жоизки, ишонч телефонига келиб тушган мурожаатлардан 14 таси истеъмолчилар фойдасига ҳал этилди. 25 та ёзма мурожаатнинг 11 таси коммунал соҳа, 8 таси савдо, 3 таси транспорт, алоқа ва коммуникация ҳамда 3 таси турли мавзуларга доир. Уларни ўрганиш чоғида деярли барчасида истеъмолчи ҳуқуқлари бузилгани аниқланиб, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қаноатлантирилди.

Бундан ташқари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари бузилиши ҳолатларини қонуний тарзда бартараф этишда ҳам самарали натижаларга эришилмоқда. Жумладан, Гулистон шаҳар 3-мавзе 45-уй 33-хонадонда яшовчи О.Косульникова уйининг томини ўз ҳисобидан 75 000 сўм маблағ сарфлаб таъмирлаган. Шу боис ширкатга тўланиши лозим бўлган маблағ миқдори камайтирилиши тўғрисида «Омад» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати билан далолатнома тузилган. Бироқ ширкат далолатномада кўрсатилган маблағнинг 28 860 сўмига тўлов квитанцияси берган. Натижада фуқарога 47 640 сўм зарар етказилган. Истеъмолчининг манфаатини ҳимоялаш баробарида ширкатга тўланиши лозим бўлган қарздорликдан истеъмолчи фойдасига тўлиқ сўм ундирилди.

Жойларда фуқаролар йиғинлари қошидаги Жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссия аъзолари билан бирга ҳафтанинг ҳар пайшанбаси «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш куни», деб белгиланиб, хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда аҳоли иштирокида «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг мазмун-моҳияти тушунтириб борилаётир. Мазкур комиссиялар билан ҳамкорликда ҳуқуқий-тарғибот тадбирларининг ўтказиб келинаётгани, фуқаролар биринчи галда маҳаллага мурожаат қилишаётгани сабабли масалалар ўз ечимини топаётир.

Истеъмолчилар томонидан аксарият ҳолларда фойдаланилган табиий газ ва электр энергияси учун ортиқча ҳақ олаётган назоратчилар устидан шикоят аризалари келиб тушмоқда. Мурожаатларни ўрганишда истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари бузилаётгани ўз исботини топмоқда. Шу боис соҳа ходимлари йиғин фаоллари билан биргаликда хонадонларда бўлиб, коммунал тўловлар амалга оширилгандан сўнг квитанция олиш кераклигини тушунтирмоқда.



Мирзаобод туманидаги «Наврўз» маҳалласида яшовчи А.Бойбўтаев «Мирзаободтумангаз» корхонаси ходимлари хонадондаги газ ҳисоблагичнинг талабга жавоб бермаслигини баҳона қилиб, 1 млн. 159 минг сўм қарздорлик ёзгани учун ариза берган. Газ корхонасининг масъул ходимлари билан биргаликда қайта ўтказилган ўрганиш натижасига кўра, ҳисобланган қарздорлик қисқариб, истеъмолчи фойдасига 925 600 сўм маблағ қайта ҳисоб-китоб қилинди.

## СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ



Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллик шодиёналари арафасида Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидаги «Бобоtoғ» маҳалла фуқаролар йиғинининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

— Мамлакатимизда истиқлол йилларида миллий анъана ва қадриятларимизни тиклаш, маҳалла тизимини изчил ривожлантириш, унинг жамиятдаги мавқеини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётир, — дейди йиғин раиси Нурали Ҳамидов. — Бугун фуқаролар йиғини зиммасига кўплаб масъулиятли вазифалар юклатилган. Бунинг учун, табиийки, фуқаролар йиғинлари моддий-техник базаси мустаҳкам, барча шароитларга эга замонавий бинода фаолият юритиши талаб этилади.

Шуни инобатга олган «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ҳамда туман бўлинмаси мутасаддиларининг саъй-ҳаракатлари билан ҳудудда замонавий гузар қад ростлади. Унда йиғин раиси, масъул котиб, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси раҳбари ҳамда профилактика нозири учун алоҳида хоналар ажратилган. Бу фаолият самарадорлигини таъминлашда муҳим омилдир.

Янги бино ҳовлисидаги фаввора, турли анвойи гуллар, ям-яшил майсалар ҳудудга кўркамлик бахш этиб турибди.

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ



*Мамлакатимизда ёш авлоднинг илм олиши, ҳунар эгаллаши, баркамол инсонлар бўлиб камол топишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.*

*Бир неча йилдирки, Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармаси томонидан қатор давлат ва жамоат ташкилотлари, хусусан, «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг вилоят бўлими билан ҳамкорликда мустақиллик байрами арафасида ҳамда янги ўқув йили бошланиши муносабати билан хизмат вазифасини ўташ вақтида ҳалок бўлган ходимларнинг мактаб ёшидаги фарзандларига меҳр-мурувват кўрсатилиб, уларга ўқув қуроллари совға қилинмоқда.*

*Мустақиллигимизнинг 23 йиллик байрами арафасида «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида вилоят ИИБда навбатдаги хайрия тадбири ўтказилди. Унда хизмат вазифасини бажариш чоғида ҳалок бўлган ходимларнинг 60 нафар фарзандига ўқув қуроллари топширилиб, уларга моддий ёрдам кўрсатилди.*

*Фонднинг Тошкент вилояти бўлими бошқаруви томонидан мазкур мактаб ўқувчиларига 630 минг сўмлик ўқув қуроллари олиб берилди.*

*Шунингдек, Паркент туманидаги «Истиқбол» маҳалла фуқаролар йиғинида замонавий тиббиёт бирлашмаси қуриб битказилди.*

*— Истиқлолимиз шодиёнаси муносабати билан мажмуанинг бир қисми фойдаланишга топширилди, — дейди маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси М.Мирзахўжаева. — Бу эса аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатишда қўл келмоқда.*

*Тиббиёт маскани замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Янги бирлашма биноси маҳалла қиёфасига кўрк бағишлаб турибди.*

МАҲАЛЛА — ОИЛАВИЙ БИЗНЕС МАРКАЗИ

# Ҳурлик эпкинидан яшнаган толе

**Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар туфайли сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ортиб боряпти.**

**Н. ШОЕВА**
**«Mahalla»**

Юртбошимизнинг 2013 йил 30 апрелдаги «Маҳаллий истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва турларини кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, 2013–2015 йилларда Сурхондарё вилоятида 18 та янги енгил саноат корхонасини ташкил этиш ва биттасини модерницазиялаш кўзда тутилган. Мазкур лойиҳаларни амалга ошириш учун 89 миллион АҚШ долларидан ортиқ инвестиция ўзлаштирилади, етти мингтадан ортиқ янги иш ўрни яратилади.

Мустақиллигимизнинг 23 йиллик шодиёналари арафасида Музрабод тумани «Наврўз» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида «Гулшантекс» хусусий корхонаси иш бошлагани аҳолига ҳақиқий байрам туҳфаси бўлди. Ёшлигига қарамай тадбиркорлик фаолиятига дадил киришган Иззатой Муродова маҳалла фаоллари кўмагида банкдан 10 миллион сўм кредит олди.

Айни пайтда корхонада тайёрланаётган 12 турдаги енгил саноат маҳсулотларига нафақат Сурхондарёда, балки қўшни Қашқадарё, Бухоро ва Самарқанд вилоятларида ҳам талаб юқори. Сифатли ва ҳамёнбоп трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариб, аҳоли ишончини қозонган корхона маъмурияти 2014-2015 ўқув йили арафасида яна бир ишга қўл урди. Гап шундаки, корхонада меҳнат қилаётган 15 нафар хотин-қиз ҳудуддаги ҳамда қўшни Ангор туманидаги мактаб ўқувчилари учун махсус кийим тикишни ўз зиммасига олди. Бу ишни бажаришда хориждан келтирилган 20 та тикув дастгоҳи қўл келяпти.

— Авваллари бундай корхоналарни очиш орзу эди, — дейди корхона раҳбари Иззатой Муродова. — Истиқлол туфайли юрагида ўти, қалбида шижоати бор тадбиркорлар йирик ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини йўлга қўйишди. Мен ҳам шулар қаторида ўз ишимни бошладим. Муҳими, маҳсулотларимиз истеъмолчиларга манзур бўлмоқда. Жорий йил якунига қадар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш мақсадида хориждан 20 та замонавий тикув машинаси келтириб, яна ўттиз нафар коллеж битирувчисини иш билан таъминлашни режалаштирдик. Бундан ташқари, Мустақиллик байрамидан сўнг «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» белгиси остида маҳсулотларимизнинг бир қисмини чет элга экспорт қиламиз.

Дарҳақиқат, истиқлол юртдошларимизга катта имкониятлар эшигини очди. Улкан режалар, эзгу мақсадлар сари дадил одимлаётган И.Муродова раҳбарлик қилаётган корхона ходимлари кунига 2-3 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, харидорлар эътирофига сазовор бўлмоқда.

— Аҳолимизнинг аксарияти тадбиркорлик билан шуғулланади, — дейди «Наврўз» маҳалласи раиси Турдимурод Бобохонов. — Ҳудуднинг ўзига хос имкониятлари ҳамда фуқароларимизнинг қизиқишидан келиб чиқиб ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари ўзини оқламоқда. Айни чоғда йиғинимизда дурадгорлик, тикувчилик, ёғоч ўймакорлиги, мебель цехлари ишлаб турибди. Уларнинг умумий сони 20 тага етиб қолди. Яна ўнлаб маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳамда савдо марказлари фаолиятидан аҳолимиз мамнун.

Ҳа, бугун юртимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби «Наврўз» маҳалласида ҳам ўз бизнесини йўлга қўйган тадбиркорлар бандликни таъминлаш орқали аҳоли фаровонлигини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшмоқда.



ЙИҒИНЛАР ҲАЁТИДАН

# Турмуши чинакам обод маскан бу

**Бугун мамлакатимизнинг қай бир гўшасига борманг, кенг қулоч ёйган бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўласиз. Айниқса, қишлоқлардаги ўзгаришлар, янгиланишларни кўриб кўз қувнайди.**

**Санъат ЖЎРАЕВ**

Зангиота туманидаги Ўрта овул қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Обод турмуш» маҳалласи бугун гўзал қиёфа касб этган. Кенг ва равон йўллар бўйлаб қурилган уйлар, тадбиркорлик объектлари ҳамда бошқа иншоотлар ҳудуд кўркига кўрк қўшган.

Айни пайтда намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган 179 та уй-жойга ёндош катта-кичик савдо дўконлари, болалар майдончаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Айниқса, замонавий анжомлар билан таъминланган 2 та болалар спорт майдончасининг ишга туширилиши маҳалла ёшлари учун қувончли воқеа бўлди.

— Шукрки, Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган бунёдкорлик ислоҳотлари туфайли мана шундай кўркам уйларга эга бўлдик, — дейди уй бекаси Нигора Салимова. — Инсоннинг қўлигул, деганлари чин экан, бугун маҳалламиз қиёфаси тубдан ўзгарди. Оиламиз билан ўзимиз орзу қилган уйларда яшаш бахтига муяссар бўлганимиздан мамнунмиз.

Ҳудудда қурилган янги маҳалла гузарида эндиликда тўй-ҳашамлар, турли маросимлар ва муҳим саналар йиғин фаоллари билан бамаслаҳат, ҳамжиҳатликда ўтказилаётир.

Турли миллат вакилларидан иборат 2500 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган мазкур ҳудуд вилоятимиздаги энг намунали йиғинлардан. Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Намунали милиция таянч пункти» кўрик-танловининг республика босқичида айнан «Обод турмуш» маҳалла фуқаролар йиғини ҳузуридаги 147-милиция таянч пунктининг биринчи ўринни эгаллагани фикримиз далилидир.

Йиғиннинг биноси кенг ва ёруғ хоналардан иборат. Улар замонавий мебеллар, компьютер жамланмаси ҳамда тизимга оид қўлланма ва кўргазмали воситалар билан таъминланган. Қолаверса, бинода алоҳида кутиш хонаси ҳам бор. Йиғин фаоллари массивга кўчиб келганларни рўйхатга олишга, фарзандларини таълим муассасаларига жойлаштиришга кўмаклашмоқда.

Ҳар бир хонадон эгаси гўшага янада файз олиб кириш мақсадида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларига ўз ҳиссасини қўшаётир.




МАҲАЛЛАМИЗ ЧЕМПИОНЛАРИ

# Иқтидорли қиз истиқлол билан тенгдош

**Спорт инсонни нафақат жисмонан, балки маънан баркамол бўлиб улғайишида муҳим омил ҳисобланади. Жисмоний тарбия билан шуғулланиб, ютуқларга эришаётган ёшларимиз юртимизда яратилган шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланиб, ўз истеъдод ҳамда салоҳиятини намоён этмоқда. Энг муҳими, бундай ёшлар сафи йил сайин кенгайиб боряпти.**




**Нигина ШОЕВА**
**«Mahalla»**

«Чим» маҳалласилик Барно Мирзаева мамлакатимиз ифтихорига айланган спортчи ёшлардан. Истиқлол билан тенгдош қиз спортга қизиқиши туфайли 5 ёшида тумандаги «Ҳазорбоғ» каратэ клубига қабул қилинди. 2004 йили Ўзбекистон чемпионати баҳсларида 1-ўринни қўлга киритган қаҳрамонимиз 2008 йили мамлакат терма жамоаси сафидан ўрин олди.

2013 йили Италиянинг Жиселло шаҳрида ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида кумуш медалга сазовор бўлган Б.Мирзаева 2009 йилги Осиё чемпионатида 2-ўринга лойиқ топилди. Ўз устида ишлаш, кучли ирода, ёрқин ғалабалар истиқлол фарзандини ғолиблик шоҳсупаси сари етаклади. 2010 йили Барно Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида ўтказилган XVI Осиё ўйинларида бронза медали соҳибасига айланди.

— Осиё ўйинларидаги рақибларим орасида қитъа ва жаҳон чемпионлари борлигидан бироз чўчигандим, — дейди Барно Мирзаева. — Шунинг учун ҳар бир жангга пухта тайёргарлик кўрдим. Мусобақалар якунида мамлакатимиз қитъада 11-ўринни эгаллаб турганди. Агар совриндорлар сафидан жой олсам, янада юқорига кўтарилишимиз ойдинлашди. Ярим финалда япониялик спортчига имкониятни бой бериб қўйган бўлсам-да, 3-ўрин учун кечган баҳсларда фаластинлик рақибамни мағлуб этдим. Терма жамоамиз спортчилари Осиё ўйинларида 8-ўринни эгаллагани менга бир олам қувонч бахш этди. Бу Президентимиз томонидан биз ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг самараси, деб биламан. Келажакда жаҳон ва олимпия чемпиони бўлишни мақсад қилганман.

Ёш чемпион Франциянинг Париж шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионати ҳамда Дубайдаги гран-при учун кечган халқаро турнирларда Ўзбекистон шаънини муносиб ҳимоя қилди. 2013 йил спортчимиз учун омадли келди. У Бирлашган Араб Амирликларида ташкил этилган катталар ва ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатида муваффақиятли иштирок этиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Осиё қитъасининг 32 давлатидан 500 нафардан зиёд спортчи иштирок этган мазкур нуфузли мусобақада Барно Мирзаева Ҳиндистон, Иордания, Хитой Тайпейи ва Қозоғистон спортчиларини енгиб, Осиё чемпиони бўлди.

— Маҳалламизда спорт билан шуғулланиб, юртимиз байроғини баланд кўтараётган ёшлар талайгина, — дейди Денов тумани «Чим» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Нормамат Қаюмов. — Улар нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон майдонларида улкан зафарларга эришаётгани кишини қувонтиради. Осиё чемпиони Барно Мирзаеванинг ютуқларида маҳалламизда болалар спортини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишларнинг муносиб ўрни бор.

Инсон учун чинакам бахт орзулар ушалишидир. Бу йўлда доимо олға интилиш лозим. Келгусида жаҳон ареналарини забт этишни кўнглига жо айлаган Барно Мирзаева сингари спортчилар халқимизнинг фахру ғурури. Улар бор экан, демак, юртимиз келажаги порлоқ, тонглари мунаввардир.

САНЪАТ

# Дутор дунё ноласини куйга солганда

**Мамлакатимизда аёлларнинг иқтидор ва имкониятларини рўёбга чиқариш, жамиятнинг фаол, бунёдкор аъзосига айлантириш борасида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, хотин-қизларнинг фан, таълим, санъат ва спорт соҳаларида қўлга киритаётган ютуқлари эътирофга лойиқ.**

**Садоқат МАХСУМОВА**
**«Mahalla»**

Маҳалламизнинг жаҳон таниган ёшларидан бири, истиқлол тенгдоши Юлдуз Мирсаматова Паркент тумани Ҳисорак қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Қуёш шаҳарчасида истиқомат қилади. Бугун у санъат шайдоларига яхши таниш. Ёшлигидан мусиқага ошно тутинган Юлдузнинг дуторда дунёнинг турли мусиқаларини маҳорат билан ижро этиши кўплаб халқаро мусобақаларда олқишларга сазовор бўлмоқда.

Ўз устида тинимсиз ишлаган Ю. Мирсаматова халқаро танловларда муваффақиятли қатнашиб келаётир. Хусусан, В. Спиваков хайрия жамғармаси томонидан ўтказилган V ҳамда Франция ва Португалияда ташкил этилган халқаро фольклор фестивалларида муваффақият қозонди. Украинада ўтган 20 дан ортиқ давлат вакиллари иштирокидаги X халқаро мусиқа танловида «Истеъдод» ансамбли билан бирга биринчи ўринга ва алоҳида «Гран При» мукофотига муносиб кўрилди, «Томошабинлар эҳтироми» номинацияси бўйича ҳам мухлислар олқишига сазовор бўлди.



Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган «Европага йўл» V юбилей халқаро мусиқа ижрочилари танловида Белоруссия, Украина, Молдова, Қозоғистон, Ўзбекистон ва бошқа давлатлардан келган 87 нафар истеъдодли дўмбирачи, балалайкачи, аккордиончилар маҳоратларини намойиш этишди. Танловда рус чолғу созлари — тўрт симдан иборат балалайка ва дўмбира созлари учун ёзилган асарларни икки симли дуторда ижро этган ўзбек қизи ғолибликни қўлга киритди.

— Ҳар гал хорижда саҳнага чиққанимда беихтиёр юртим, маҳаллам, уйимиз, устозларимни эслайман, — дейди Юлдуз. — Шунда кўнглимга илиқлик югуради. Мусиқа чалаётганимда обод ва файзли маҳалламизнинг меҳнаткаш, меҳмондўст инсонларини кўз олдимга келтиришга, онажонимнинг тандирдан узган иссиқ кулчаларидан тараладиган муаттар исни туйишга ҳаракат қиламан.

Иқтидорли қиз нафақат дутор чолғусида, шу билан бирга доира, қашқар рубобида ва фортепианода ҳам ўз истеъдодини тўла намоён эта олади. Билимларини Ўзбекистон давлат консерваториясида мустаҳкамлаган қаҳрамонимиз айни пайтда республика ихтисослашган мусиқа ва санъат мактабида фаолият юритмоқда. Истиқлол тенгдоши ўз олдига юксак мақсадларни қўйган. Унинг парвози бундан-да баланд бўлиши шубҳасиз.

ТАШАББУС

# Ҳашар ҳаммани бирлаштирди

**Маҳаллалар ҳудудининг санитария ҳолатини назорат қилиш, аҳолининг экологик маданиятини юксалтиришда фуқаролар йиғинлари қошидаги Экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссиянинг ўрни беқиёс.**

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ**
**«Mahalla»**

Янгийўл тумани «Олтинобод» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудининг обод ва кўркамлиги йиғин қошидаги мазкур комиссия аъзоларининг фаоллигидан далолатдир. Айниқса, юртимиз мустақиллигининг 23 йиллиги арафасида амалга оширилган ишлар, хусусан, умумхалқ ҳашари маҳалла аҳлини янада жипслаштирди.

Хайрия тадбирида маҳалладан уч минг нафарга яқин аҳоли иштирок этди. 13 та кўча тартибга келтирилиб, «Олчазор» ва «Истиқлол» кўчалари асфальтланди. Шунингдек, 200 тага яқин дарахтга шакл берилиб оқланди, маиший чиқиндилар ташиб чиқарилди.

19 та кўп қаватли уйнинг фасад қисми бўялиб, уйлар олдига тунги ёритқичлар ўрнатилди.

Қувонарлиси, байрам муносабати билан янги савдо шохобчалари ва замонавий гўзаллик салони ишга туширилди.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ



*Энг улуғ, энг азиз байрам — мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллиги айёми арафасида Фарғона шаҳрида «Камалак» болалар ўқув маркази фойдаланишга топширилди.*

*Шаҳар кўркига кўрк қўшиб турган бу муҳташам саройда ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, дунёқарашини кенгайтириш, интеллектуал ва ижодий салоҳиятини ривожлантириш, касб-ҳунар ўрганишлари учун барча шароит муҳайё этилган.*

*Марказда жойлашган маҳорат мактабида ёшлар «Баҳс ва мунозара», «Уста ва шогирд», «Хорижий тиллар», «Ёш журналистлар», «Компьютер саводхонлиги» каби ўндан зиёд йўналишдаги тўгаракларда, шунингдек, «Ёш тадбиркорлар», «Бунёдкор ёшлар» сингари клубларда ўз билимларини бойитиш, истеъдодларини намоён этиш, танлаган йўналишлари бўйича янгиликлардан хабардор бўлиб бориш имкониятига эга. Шунингдек, бу ерда психологик ва ҳуқуқий маслаҳатхона ҳам фаолият кўрсатмоқда.*

*— Ушбу марказ вилоятимиз ёшлари учун катта туҳфа бўлди, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими раиси ўринбосари Шерзод Полвонов. — Бу Юртбошимиз томонидан ёшларга кўрсатилаётган чексиз эътибор ва ғамхўрлик, истиқлол берган имкониятлар шарофатидир.*

*Марказнинг очилиш маросимида Фарғона вилояти ҳокими Ш.Ғаниев иштирок этди.*

ТОМОРҚА — ХОНАДОН ХАЗИНАСИ

# Новдаларда товланади олтин маржонлар

**Олтиариқ туманидаги «Чинор таги» маҳалла фуқаролар йиғини аҳли томорқадан омилкорлик билан фойдаланиб, мўмай даромад олаётган миришкорлар сифатида эътироф этилади.**

**Расул КАМОЛ**
**«Mahalla»**

Гап шундаки, кейинги йилларда бу ерда узумчилик, иссиқхоналар ташкил этиш, сабзавот етиштиришда ўзига хос илғор тажрибалар тўпланди. Кафтдек жойдан унумли фойдаланиб, йилига 4-5 маротаба ҳосил олаётган омилкор деҳқонлар кўпайди. Эрта баҳорда узумToклари барг ёзиб улгурмасидан унинг остида бодринг, помидор, қалампир кўчатлари етиштириб, бозорга чиқаришади.

Маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари ҳамроҳлигида Ҳалимжон Ғофуров хонадонига бордик. Ҳовли сатҳи чорбоғ, узумзор. Ҳосил чўғи мўл. Офтоб нурида олтиндек товланган маржонлардан кўз узолмайсан. Қарийб 6 сотих томорқадаги узум бошлари қоғоз билан ўраб чиқилибди.

— Узумни бу усулда парваришлаш ёғингарчилик таъсиридан келиб чиқадиган касалликдан, зарарли ҳашаротлардан ҳимоялашда қўл келади, — дейди боғбон узумлардан бир бошини қўлига олиб. — Бу инсондан сабр-бардош, меҳр талаб этадиган юмуш. Шундай қилинса, ҳосил етилиб пишади, узоқ сақланса-да табиий хусусиятини йўқотмайди. Ана шу тажриба туфайли маҳалламизга март ойида келган меҳмон дастурхонига ҳам узум қўйилади.

Токлар орасида ошқовоқ етиштириш бу хонадон амалиётида синовдан ўтмоқда. Демак, кузакда сўритокдан нафақат узум, ошқовоқ ҳам олинади.

— Ҳудудимиздаги 454 та хонадоннинг 3 мингга яқин аҳолиси 87 гектар томорқада деҳқончилик қилмоқда, — дейди «Чинор таги» маҳалла фуқаролар йиғини раиси



Нўъмонжон Мустафоев. — Бизда узумнинг ўндан ортиқ навлари оммалашган. Бундан ташқари, миришкор деҳқонларимизнинг амалий ҳаракатлари билан «ф-1», «каттақўрғон», «шохонак», «кетмонсоп» сингари эртапишар, серҳосил узум навлари яратилди. Аҳоли томорқасида ҳар йили 350-400 тоннадан ортиқ узум етиштирилади. Шунингдек, иссиқхоналар қуриш, сабзавот ва зиравор, цитрус мевалари етиштириш кўлами ҳам кенгайиб бормоқда. 350 та хонадон эгасининг шахсий машинаси бор.

Янги ўтқазилган ток уч йилда ҳосилга киради. «Чинор таги»да эса бунинг омилкор усуллари оммалашмоқда. Жумладан, янги узум новдалари сараланиб, ток устида ривожланаётган узум шохларига май ойининг биринчи ўн кунлигида пиндик усулида пайванд қилинади. Натижада пайвандланган новдалар келаси йилидаёқ ҳосил бермоқда.

Маҳаллада айни кунгача томорқачиликни ривожлантириш истагидаги 30 та хонадонга уруғ, кўчат ва бошқа керакли жиҳозлар сотиб олиш учун 100 миллион сўмдан ортиқ имтиёзли банк кредитлари олишга кўмаклашилди. Бу ерда четга иш излаб чиқиб кетиш, ёшлар, аёллар ўртасида жиноятчилик, оилавий ажрим сингари салбий ҳолатларга барҳам берилган. Кам таъминланган оилалар сони кейинги йилларда икки ҳиссага камайгани томорқадан келаётган даромад самараси, десак муболаға бўлмайди.

— Туман аҳолиси ихтиёрида 3 минг 105 гектар томорқа бор, — дея суҳбатга қўшилди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Олтиариқ тумани бўлинмаси раиси Мирзараҳмон Эргашев. — Томорқаларнинг 1000 гектарида узум етиштирилмоқда, 300 дан ортиқ янги иссиқхона ташкил этилган. Жойларда такрорий экин сифатида сабзи, шолғом, турп етиштириш кенг ёйилмоқда.

Айниқса, Юртбошимизнинг «2013-2015 йиллар даврида республикада узумчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори Олтиариқ узумчилик мактаби фаолиятини янада жонлантирди. Натижада узум етиштириш салмоғи ошяпти, серҳосил янги навлар маҳаллийлаштирилмоқда. Ҳалол меҳнат эвазига ишлаб топилган даромадлар ҳисобига замонавий уй-жойлар, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо этилмоқда, йўллар қурилиб, тоза ичимлик суви тармоқлари тортилмоқда, янги автомашина харид қилаётган оила ва хонадонлар сони кун сайин ортиб бормоқда.

Бир сўз билан айтганда, томорқадан унумли фойдаланиш тажриба ва ташаббусларининг оммалашаётгани юрт ободлиги, аҳоли фаровонлиги учун хизмат қиляпти.

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОН

# Шаҳримиз тароватИ — гўзал водий шуҳрати

**Бугун вилоят маркази — Фарғона шаҳри кўчаларидаги муҳташам бино, намунавий тураржойлар, маҳалла гузарлари, ишлаб чиқариш тармоқларида амалга оширилган янгиланиш, ўзгаришларни кўрган киши ҳайратланиши табиий. Зотан, қишлоқ ва маҳаллалар кўркига кўрк бўлаётган бунёдкорлик ишлари мустақиллигимизнинг 23 йиллик қутлуғ тантаналарига уйғунлашиб кетган.**

**Акрамжон ЮЛБАРСОВ,**
**«Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошқаруви раиси.**

Бунёдкорлик ҳақида сўз юритилса, Юртбошимиз ташаббуси ва раҳнамолигида Фарғона шаҳрида амалга оширилаётган кенг кўламдаги ободончилик, қайта қуриш ишлари — янгича қиёфа, кўрк ва салобат касб этган шаҳар қурилиши алоҳида эътироф этилади.

Бугун Фарғона мисли кўрилмаган даражада гўзал ва обод масканга айланди. Ўн икки йўналишда, шаҳарнинг ўзига хос меъморий кўринишини сақлаган ҳолда олиб борилаётган яратувчилик жараёни қизғин давом эттирилаётир. Бу борада Президентимизнинг «Фарғона шаҳрининг бош режасини амалга ошириш, 2012-2015 йилларда ижтимоий ва транспорт-коммунал инфратузилмаси объектларини қуриш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори муҳим дастуриламал бўлмоқда. Шаҳар инфратузилмасини тубдан янгилаш мақсадида 27 километр ичимлик суви, 15 километр электр ва 18 километр табиий газ тармоқлари янгиланди.

Кичик ҳалқа йўлининг 14,2 километридаги қурилиш ишларининг биринчи босқичи якунланди. Алишер Навоий ва Аҳмад ал–Фарғоний проспектлари, Қувасой кўчаларидаги кенг, равон йўллар, пиёдалар учун йўлак, автобус бекатларининг замонавий кўринишидан кўз қувнаб, дил яйрайди. Ёғ заводи ўрнида қад ростлаган санъат саройи, унинг атрофидаги 40 гектарли яшил майдонда турли қизиқарли учрашувлар, кўнгилочар маданий тадбирлар ўтказиш анъанага айланди.

Шаҳар марказини кесиб ўтган Марғилонсой кўприкларини қуриш ва таъмирлаш ишлари давом этмоқда. Бугунги кунгача 1 та янги кўприк қурилди, 8 таси реконструкция қилинди, қолган 7 та кўприкда қурилиш ишлари ниҳоясига етмоқда. Мустақиллик шаҳарчасидаги умумий майдони 41 гектарли маскан қурилишининг биринчи босқичида 12 та кўп қаватли уйлар барпо этилиб, калитлари қутлуғ байрам арафасида эгаларига топширилди.

Шаҳардаги 30 та маҳалла ҳудудида қайта қуриш, ижтимоий объектлар кўламини кенгайтириш, иш сифатини яхшилаш, янги гузар, болалар майдончалари барпо этиш ишлари поёнига етмоқда.

Мустақиллик кўчасида «Ёшлар маркази», Аҳмад ал-Фарғоний номидаги маданият ва истироҳат боғида 100 ўринли «Қўғирчоқ театри» фойдаланишга топширилди. Жорий йилнинг ўзида вилоятдаги 95 та болалар майдончаси янгидан жиҳозланди.

Бугун Фарғонада амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларининг бари мустақиллик шарофати, юртимиздаги тинч-осойишта ҳаётнинг самаралари сифатида эътирофга лойиқ.



ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ



*Истиқлол шодиёналари арафасида Хива туманидаги «Газчи» маҳалла фуқаролар йиғинида хушхабар тарқалди.*

*Ёш полвон Фарҳод Собиров Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўтказилган II ўсмирлар олимпиадасида 85 килограммгача вазн тоифасида оғир атлетикачилар орасида кумуш медаль билан тақдирланди.*

*— Фарҳод болалигидан спорт билан шуғулланади, — дейди маҳалла раиси Йўлдош Отажонов. — Маҳалламиз ёшлари ўртасидаги мусобақаларда у доимо ғолиб бўлишга интиларди. Туман, вилоят ва республика миқёсидаги беллашувларда маҳалламиз шаънини муносиб ҳимоя қилиб, фахримизга айланди. У айни пайтда Урганч олимпия захиралари коллежида таҳсил олмоқда.*

*Ҳа, маҳаллаларда вояга етган ёшларимиз бугун жаҳон спорт майдонларида ҳеч кимдан кам эмаслигимизни намоён этмоқда.*



ҚАРОР ВА ИЖРО

# Обод ва нурли манзиллар

**Гурланда ташкил этилган янги маҳаллага эзгу ниятлар билан «Нуробод» деб ном берилди. Аҳоли ана шу номга муносиб яшашга, фаровон турмуш кечиришга сидқидилдан ҳаракат қиляпти.**

**М. МЕЛИҚУЛОВА**
**«Mahalla»**

Бугун маҳалла кўчаларини айлансангиз, гулу райҳонларнинг ифоридан роҳатланасиз. Янги қурилаётган уй-жойлар кўзни қувнатади.

— Маҳалламизни бежизга «Нуробод» деб номламадик, — дейди фуқаролар йиғини раиси Ойбек Абдураҳимов. — Бу халқимизнинг фаровонликка эришгани, турмуш тарзининг юксалганига бир ишорадир. Йиллар ўтиб, фарзандларимиз туғилиб-ўсган гўшалари билан фахрланишади.

Хоразм вилоятида янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунга мувофиқ ишлаб чиқилган ва Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги 48-сонли қарори билан тасдиқланган «Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек, уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисида»ги Низом талаблари асосида қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда.

— Маҳаллаларни бирлаштириш, айримларини тугатиш, шунингдек, чегараларини белгилаш ҳамда уларнинг номини ўзгартириш ҳақида халқ депутатлари туман Кенгашига маълумот киритган эдик, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Урганч тумани бўлинмаси раиси Илҳом Маткаримов. — Қисқа фурсатда Чиқирчи, Остона, Гулланбоғ ва Гулобод қишлоқ фуқаролар йиғинлари таркибидаги 15 дан зиёд маҳалланинг чегаралари белгиланиб, баъзилари бутунлай бошқа маҳалла таркибига киритилди, айримлари шаҳарча фуқаролар йиғини мақомига эга бўлди.

Дарҳақиқат, Низомнинг II боб 8-бандида камида 500 та оила яшайдиган аҳоли пунктларининг географик жойлашувини инобатга олган ҳолда маҳаллалар ташкил этилиши, агар посёлка, қишлоқ ва овулнинг фуқаролар йиғини ҳудудида кўпи билан 1500 та оила истиқомат қилса, уларга овул, қишлоқ ёки шаҳарча мақоми берилиши белгилаб қўйилган. Халқ депутатлари туман Кенгашининг қарорида номлари ўзгармайдиган географик объектларга замонавий ҳамда миллий дизайн асосида кўрсаткич белгиларини ўрнатиш, объект турининг статистик маълумотларга мослиги, номларнинг тўғри ёзилиши, қайта номланган ташкилотларнинг расмий бланкалари, почта манзили ва бошқа ҳужжатларига тегишли ўзгартириш киритиш тўғрисида чора-тадбирлар белгиланган.

— «Қиёт» (маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги оилалар сони 238 та) ва «Чондирёпбўйи» (264 та оила истиқомат қилади) маҳалла фуқаролар йиғинлари бирлаштирилиб, унга «Чондирёпбўйи» номи берилди ва қонунчиликка мувофиқ янги маҳаллада айни пайтда 502 та оила яшамоқда, — дейди И. Маткаримов. — Ҳудудимиздаги Комилжон Отаниёзов номидаги (оилалар сони 302 та) маҳалла қўшни «Жамбул» маҳалла фуқаролар йиғини таркибига қўшилиб, оилалар сони 1155 тага етказилди.

Шунингдек, Гурлан тумани Гурлан шаҳрида ҳам 10 дан зиёд маҳалла фуқаролар йиғинининг номлари ўзгартирилди. Илгари сон билан юритилган маҳаллалар эндиликда «Янгибоғ», «Ишонч», «Маърифат», «Навбаҳор», «Боғишамол», «Янгиер», «Мададкор», «Гулшан», «Боғистон», «Шодлик» ҳамда «Фидокор» деб қайта номланди.

Дарвоқе, жой номларини тиклашга, уларни тарихий-этнографик маъносига монанд ҳолда ўзгартиришга доир изчилислоҳотлар натижасида бугун Хоразм вилоятида 100 дан зиёд маҳалла фуқаролар йиғинининг номи ўзгартирилди, 50 тага яқин маҳалла бирлаштирилди.

«Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек, уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисида»ги Низом маҳаллалар фаолиятини янада такомиллаштиришда, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.



РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

# «Ойдин ҳаёт» — фаровонлик манзараси

**Маҳалламизнинг номи «Ойдин ҳаёт» деб ўзгартирилганига кўп бўлмади. Аммо қисқа фурсатда амалга оширилган улкан ўзгаришлар, осудалик ва бунёдкорликлар боис бугун ҳудудимиз аҳлининг турмуши ойдин, файзли.**

**Баҳодир ХУДАЙБЕРГАНОВ,**
**Хонқа туманидаги «Ойдин ҳаёт» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.**

Кўрган кишининг ҳаваси ортадиган маҳалламизда 2010 йилдан бери қурилиш, ободонлаштириш ишлари авжида. Обод турмуш йили якунига қадар 68 та намунавий лойиҳа асосидаги уй-жой қурилиб, ўз эгаларига топширилди. Соғлом бола йилида яна 19 та тураржой бунёд этилаётгани қишлоқдошларимизга унутилмас қувонч бағишлаётир. Аҳолининг талаб ва истаклари ортиб бораётгани боис, замонавий уйларни қуриш кейинги йилда ҳам давом эттирилиб, 103 тага етказилади.

Таъкидлаш жоизки, маҳалламиз идораси 9 йил мобайнида ўз биносига эга эмасди. Ўтган йили намунавий лойиҳа асосидаги уй-жойлар қатори мавзеда йиғин биноси ҳам бунёд этилди. Йиғин раиси, масъул котиб, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, сардор учун алоҳида хоналар, каттагина мажлислар залида самарали фаолият юритишимиз учун барча шароитлар муҳайё. Қолаверса, 130-сонли милиция таянч пунктининг ушбу бинода иш бошлагани ҳамкорлигимизга янгича руҳ берди. Мана, уч йилдирки ҳудудимизда жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик ҳолатлари содир этилгани йўқ. Шундай ютуқларимиз учун жорий йилнинг февраль ойида ўтказилган «Энг намунали милиция таянч пункти» танловининг республика босқичида фахрли ўринни қўлга киритдик.

Маҳалламиз қиёфаси мўъжаз шаҳарчани эслатади. Бу ерда кунига 1,5 тонна нон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган новвойхона, супермаркет, маиший техника ва хўжалик моллари дўконлари, минибанк, дорихона, тиббиёт бўлими, компьютер клуби, тикув цехи, гўзаллик салони фаолияти йўлга қўйилган. Ушбу шохобчалар аҳолининг ҳожатини чиқарибгина қолмай, кўплаб маҳалладошларимизнинг доимий ишли бўлишида қўл келмоқда. Қолаверса, минифутбол, баскетбол, волейбол майдончалари, теннис кортида нафақат болалар бўш




вақтини мазмунли ўтказмоқда, балки ёши катта маҳалладошларимиз ҳам спортга ошно тутиниб, саломатлигини мустаҳкамлаётир.

Соғлом бола йилининг 13-14 май кунлари Урганч шаҳрида «Баркамол авлодни тарбиялашда маҳалла институтининг роли» мавзусида халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди. Дунёнинг 7 та давлатидан ташриф буюрган халқаро эксперт ва мутахассислар маҳалламизда меҳмон бўлишди. Улар фуқаролар йиғинимиз билан яқиндан танишдилар. Раис, масъул котиб, маслаҳатчи ва сардор фаолиятига оид ўзларини қизиқтирган саволларни беришди. Қолаверса, асосий фаолият йўналиши бўйича 8 та комиссия раислари билан суҳбатлашишди. Йиғинимиздаги иш тартиби, қадрдон масканнинг кишилар ҳаётидаги беқиёс ўрни уларда катта таассурот қолдирди. «Маҳалла — бу халқингизнинг бахти», «Бу ерда инсон ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланади, ҳеч ким ёлғизликдан қийналмайди», «Маҳаллада болалар бахтли ва баркамол улғаяди» каби фикр-мулоҳазалар билдириб, «Қани эди бизлар ҳам шундай жойларда яшасак», дея ҳавас қилдилар.

Дарҳақиқат, Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари билан бугун мамлакатимиз чин маънода ҳавас қилса арзигулик диёрга айланган. Маҳаллаларга катта ишонч билдирилаётгани ҳам ўзининг ҳаётбахш самараларини кўрсатаётир. Бундай юртда яшашнинг, истиқболимиз ва истиқлолимиз учун меҳнат қилишнинг ўзи саодатдир

НУРОНИЙЛАР ТАРҒИБОТДА ЕТАКЧИ КУЧ

# Озод юрт қучоғида, яхшилар ардоғида

**Мўътабар фахрийларимизни эъзозлаш, уларга чуқур ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш халқимизнинг азалий қадриятларидан. Хусусан, ижтимоий ҳимояга муҳтож қарияларимизга зарур моддий, маънавий ва тиббий ёрдам кўрсатишда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди билан Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси ҳамкорликда олиб бораётган саъй-ҳаракатлар диққатга сазовор.**




**Шуҳрат УСМОНОВ, «Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари.**

Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсат натижалари нуронийларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликда ўз ифодасини топмоқда. Фахрийларни, хусусан, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронтортида меҳнат қилган юртдошларимизни ижтимоий муҳофазалаш, уларга моддий-маънавий кўмак бериш устувор вазифаларимиздан. Бугунги кунда юртимизда яшаётган 4000 нафардан зиёд уруш қатнашчиси ва ногиронини, 80 минг нафар фронторти меҳнат фахрийларини, 19,5 минг нафар якка-ёлғиз шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада Президентимизнинг 2011 йил 30 майдаги «2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори дастуриламал бўлаётир.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ «Нуроний» жамғармаси ва «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг жойлардаги бўлим ва бўлинмалари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги бошқармалари ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида реабилитация техник воситаларига муҳтож 490 нафар якка-ёлғиз шахс протез-ортопедик ҳамда ногиронлар аравачаси, эшитиш мосламалари, тиш протезлари, ҳасса, қўлтиқтаёқ ва оптик кўзойнаклар билан таъминланди. 10 мингдан зиёд киши амбулатор, стационар, уй шароити ҳамда санаторийларда соғломлаштирилди. Давлат бюджети ва ҳомийлар маблағи ҳисобидан 8530 нафар шахс бепул дори-дармон воситалари билан таъминланди, 1447 нафарининг уй-жойи таъмирлаб берилди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда Президентимизнинг 1991 йил 27 майдаги фармонига асосан якка-ёлғиз, ўзгалар парваришига муҳтож пенсионерларни ҳар ой 9 турдаги маҳсулот билан бепул таъминлаш йўлга қўйилган.

Таъкидлаш жоизки, Юртбошимиз фармони билан ҳар йили 9 май — Хотира ва қадрлаш куни арафасида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларининг моддий рағбатлантирилиши улар учун нафақат моддий, балки катта маънавий-руҳий мадад бўлаётир. Нуронийларимизнинг бундай эътибор ва ғамхўрликка, бугунги тинч ва осуда турмушимизга шукроналиклари ва эртанги кунга бўлган ишончлари уларнинг ёшлар билан мулоқотларида, маҳаллаларда ташкил этилаётган суҳбат ва учрашувларда билдираётган дил сўзларида ўз аксини топмоқда.

Аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш борасида нафақат давлат ташкилотлари маблағларидан, балки юртимизда фаолият юритаётган жамоат бирлашмалари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари маблағларидан самарали фойдаланилмоқда. Бу борада Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгашининг қатор жамоат ташкилотлари, жумладан, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди билан имзоланган ўзаро Ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма қарори муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жорий йилнинг дастлабки ярмида «Нуроний» жамғармасининг жойлардаги ҳудудий бўлимлари томонидан «Маҳалла» хайрия жамоат фонди бўлимларига тақдим этилган рўйхатларга кўра 15 мингдан зиёд якка-ёлғиз кекса ва ногиронларга 109,6 млн. сўм миқдорида моддий ёрдам ажратилди. Ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар билан ҳокимликлар ва ҳомийлар маблағлари ҳисобидан юртимизнинг чекка қишлоқ ва овулларида истиқомат қилаётган 5 минг нафардан зиёд кекса ва кам таъминланган оила вакилларининг тарихий шаҳарларга саёҳат ва зиёратлари ташкил этилди.

Ўтган давр мобайнида «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг ҳудудий бўлимлари ҳамкорлигида «Наврўз», «Хотира ва қадрлаш куни», «Мустақиллик куни» каби умумхалқ байрамлари арафасида, шунингдек, Ийд Рамазон ва Қурбон ҳайити байрамлари муносабати билан ташкил этилган тарғибот тадбирларида фахрийларимиз фаол иштирок этишди. Хусусан, кам таъминланган оилалар, ёлғиз, ўзгалар ёрдамига муҳтож фахрийларнинг моддий шароитини янада яхшилаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш, ўсиб келаётган ёш авлодни баркамол, халққа ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялашдаги ўрнини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

«Нуроний» жамғармаси Самарқанд, Қашқадарё, Фарғона вилоятлари бўлими Кенгашларининг «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг жойлардаги бўлимлари билан ҳамкорликда ёшлар тарбиясига тааллуқли маънавий-маърифий тадбирларни ўтказиш борасида тўплаган тажрибалари диққатга сазовор. Айниқса, жамғарманинг Фарғона вилояти бўлими томонидан тайёрланган «Комил фарзандларга нуронийлар оқ фотиҳаси» табрикномасини ўқувчиларнинг ота-оналари, маҳалла фаоллари иштирокида ўқиб эшиттириши анъанага айланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 1 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш бўйича жамғарма Марказий Кенгаши ташаббуси билан республикамизнинг барча ҳудудларида, маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинларида «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» эзгу ғоясини ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилмоқда. Ана шу мақсадда ҳар бирининг таркибида «Нуроний» жамғармаси жамоатчилик маркази вакиллари ва маҳалла фаоллари бўлган 10 мингга яқин тарғибот гуруҳи тузилган. Мазкур гуруҳларга жами 36 минг нафардан зиёд фахрий жалб этилди.

Ҳа, халқимизда: «Қариси бор уйнинг париси бор», деган нақл бежиз айтилмаган. Бой ҳаётий тажрибага эга нуроний отахон ва онахонларимизнинг саъй-ҳаракатлари билан жойларда мустақиллик шарофати туфайли қўлга киритган ютуқларимиз хусусида суҳбатлар уюштирилмоқда. Бундай тадбирларда миллий маданиятимиз, анъаналаримиз, бебаҳо меросимиз, кўҳна урф-одатларимиз қайта тиклангани таъкидланмоқда. Муҳими, «Ким эдигу ким бўлдик» деган ҳаётий ҳақиқат кенг тарғиб қилиниб, юртимиздаги мавжуд тинчлик, миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликнинг қадрига етиш, танлаган тараққиёт йўлимизнинг ҳар томонлама тўғри ва ҳаётий экани таҳлил этилмоқда. Буларнинг барчаси нуронийларимизнинг тарғиботда етакчи кучга айланиб бораётгани далилидир.

ДИЛ ИЗҲОРИ

# Сени яхши кўраман, Ватан!

**Ватаним, сени чин дилдан яхши кўраман. Ҳар тун уйқуга кетишдан аввал эртанги дийдорнинг тасвирини хаёл мўйқаламида чизаман — янги кун илҳоми қалбимда жилваланади. Ҳа, сен ҳар дам дилимга қувват берувчи, иштиёқ ва орзулар инъом этувчи сахий диёрсан. Сенга бўлган барча инжа ҳис-туйғуларимни эзгу жавоҳирларга тўла қалбимнинг тилаклар қасрида сақлайман.**

**С. МАХСУМОВА**

Бағрингда мен каби истиқлолнинг фараҳбахш насимидан баҳра олиб, вояга етаётган ёшлар бисёр. Уларнинг қалбида гуллаётган орзулар ҳадемай чаман бўлади. Бу чаманга оламнинг ҳаваси келади.

Бор муҳаббатимни биргина, оддий, аммо теран маъноли сўз билан ифодалаб бўлармикин? «Ватаним, мен сени яхши кўраман», деган биргина жумла чексиз меҳримни ифодалай олармикан? Мен сен ҳақингда дил торларини чертиб куйлаган ҳофизга, кўкси ёниб шеър битган шоирга, тупроғингда зар ундирган деҳқону миришкорларга ҳавас қиламан. Кун келиб хизматингга камарбаста фарзанд бўлиб, улар қаторидан жой олсам, дейман.

Ватаним, сен менинг бахту баҳорим, орзуларим рўёби, камолим тумори, севгим, таянчим ва садоқатим рамзисан! Бор меҳр-муҳаббатим, қалб гавҳарим сеники. Мен Сенинг тимсолингни чизмоқни орзу қилган мусаввирман. Нурли сиймонгни чизишда ҳар гал донишманд бобомнинг шукроналикка йўғрилган дуосидан, отамнинг мағрур овозидан, онамнинг меҳр тўла табассумидан ва кўзи ёниб турувчи тенгдошларимнинг келажакка ишончидан илҳом оламан. Кейин бағрингда ястанган пурвиқор тоғлар, зилол чашмалар билан суҳбат қураман. Хокисор майсаларинг, райҳону жамбилларинг шивирига қулоқ тутаман. Сен барибир таърифга сиғмайсан, тасвирингни мукаммал чизиш мушкул.

Лолақизғалдоққа бағрини тутган далаю қирларинг ёнбағрида елган шаббодаларингдан тортиб, мени меҳмоннавоз такаллуф билан кузатувчи жўровоз қушлар қўшиғида, боғларингдаги япроқ ортига яширинган қирмиз юз олмалару нурларини аямай улашувчи бобоқуёш тафтида ҳам Сен мужассамсан.

Сен менинг борлиғимсан, боримсан. Шу боис бaралла: «Жонажон Ватаним, мен сени яхши кўраман!», дея ҳайқиргим келаверади.

ШЕЪРИЯТ

## Ўзбекистон

*Истиқлол қуёши порлаган маҳал,*
*Буюк келажакка юз тутдик жадал.*
*Шитоб-ла қадамлар ташладик олға,*
*Гуллаб, яшнасин деб бу улуғ Ватан.*
*Бирлашиб, мақсадга интилган халқ бу,*
*Азму қарорида мустаҳкам халқ бу!*

*Ватан равнақини кўзлаган ҳамон,*
*Илдам бораяпмиз манзилга томон.*
*Улкан бунёдкорлик, бемисл ривож,*
*Ҳайратга солмоқда дунёни чунон.*
*Заминнинг зийнати азиз макон бу,*
*Ҳеч кимдан кам бўлмас Ўзбекистон бу!*

*Юзлаб миллат яшар, ўзаро якдил,*
*Аҳилликни кўриб, яйрайди кўнгил.*
*Мақсадлар ягона, ҳар дам елкадош,*
*Бундан ғурурланмай, бўлармиахир?!*
*Тақдири, толеи кулган макон бу,*
*Меҳр-оқибатли Ўзбекистон бу!*

**Отабой ОЛАЖАЛИ (Отабек БЕКЖОНОВ, Хоразм вилояти, Хонқа тумани Олажа қишлоқ фуқаролар йиғини масъул котиби).**




# «АСАКА» БАНК

яқинлашиб келаётган «Мустақиллик куни» байрами муносабати билан миллий валютадаги қуйидаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:

## «МУСТАҚИЛЛИК — 2014»

*Ушбу омонат учун ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.*

Шу билан биргаликда, «Асака» банк миллий валютада 60 ҳамда хорижий валютада 30 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади.

***Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.***

Мурожаат учун: «Асака» банк филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

| Филиаллар: | Код: | Телефон: | Филиаллар: | Код: | Телефон: |
|---|---|---|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 | 120-83-13 | Наманган вилоят филиали | 369 | 226-91-45 |
| Автотранспорт филиали | 371 | 120-39-95 | Навоий вилоят филиали | 436 | 770-24-09 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 | Зарафшон филиали | 436 | 573-18-75 |
| Юнусобод филиали | 371 | 221-80-67 | Бухоро вилоят филиали | 365 | 223-70-05 |
| Сирғали филиали | 371 | 257-44-10 | Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 | 120-84-13 | Самарқанд вилоят филиали | 366 | 233-65-47 |
| Андижон вилоят филиали | 374 | 298-02-10 | Афросиёб филиали | 366 | 221-75-40 |
| Асака филиали | 374 | 233-15-68 | Қашқадарё вилоят филиали | 375 | 221-07-41 |
| Фарҳод филиали | 374 | 226-97-53 | Сурхондарё вилоят филиали | 376 | 770-82-12 |
| Фарғона вилоят филиали | 373 | 224-70-83 | Қорақалпоғистон филиали | 361 | 770-60-56 |
| Марғилон филиали | 373 | 237-62-23 | Хоразм вилоят филиали | 362 | 226-96-03 |
| Олтиариқ филиали | 373 | 432-10-11 | Сирдарё вилоят филиали | 367 | 225-44-03 |
| Қўқон филиали | 373 | 552-61-06 | Жиззах вилоят филиали | 372 | 226-43-11 |

**«Асака» банк сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.**

***Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.***

Сизнинг омонатларингиз:
— солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
— маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
— эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
— миқдори чекланмаган!



**2 СЕНТЯБРЬ — ЎЗБЕКИСТОНДА БИЛИМЛАР КУНИ**

# Бахтли юртнинг бахтиёр фарзандлари

**Ўқувчилик даврининг ширин лаҳзалари бўлади. Таътилни қўмсаб сўнгги қўнғироқ қанчалик интизорлик билан кутилса, Билимлар куни — биринчи қўнғироқ ҳам ана шундай соғинч билан қарши олинади. Ҳар иккисидаги ҳаяжон ҳам, энтикишу интилиш ҳам бирдек қадрли, бирдек кўнгилга яқин. Таътилни мароқли ўтказган фарзандларимиз яна мактаб томон ошиқадиган дамлар келди.**



**Ф. КОМРОН.**

Мамлакатимизда мактаб битирувчиларини 12 йиллик узлуксиз таълим билан қамраб олишга алоҳида аҳамият қаратилади. Хусусан, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан йўлга қўйилган жамоатчилик назорати асосида умумтаълим мактабларининг 501234 нафар битирувчисини мазкур жараёнга жалб этиш устида улкан ишлар амалга оширилди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 июндаги қарорига мувофиқ Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлиги Жамоат Кенгашининг фаолияти йўлга қўйилгани ўз самарасини бераётир. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви ҳамда унинг жойлардаги бўлим ва бўлинмалари кўмагида худди шундай Жамоат Кенгашлари барча ҳудудларда ва умумтаълим мактаблари қошида ташкил этилган.

Бугунги кунда мамлакатимиз халқ таълими тизимида 15700 тадан зиёд таълим маскани мавжуд. 9739 та мактаб, 4950 та мактабгача таълим муассасаси, 211 та «Баркамол авлод» болалар маркази, 278 та мусиқа ва санъат, 483 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, 23 та меҳрибонлик уйи ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашга шай.

— Соғлом авлод йилида мактаб ёшидаги 40 нафардан ортиқ истеъдодли ёшларимиз Франция, Италия, Германия, Руминия, Россия, Озарбайжон каби давлатларда ўтказилган турли нуфузли халқаро танловларда ғолибликни қўлга киритдилар, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви бош мутахассиси Ў.Ўрозова. — Энди бу кўрсаткични ўрта махсус ва олий таълим муассасаларининг ўқувчи ва талабалари миқёсида олиб кўрсак-чи? Эҳ-ҳе, иқтидорли ёшларимиз илм, санъат, спорт ва бошқа йўналишларда халқаро олимпиада, танлов ва мусобақаларда эришаётган юксак марраларни, улкан натижаларни санаб адоғига етиш қийин! Бу каби муваффақиятларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда ташкил этилган «Ота-оналар университети», «Ораста қизлар даврасИ», «Зумрадойлар даврасИ» сингари тузилма ва тўгараклар ўзига хос аҳамият касб этмоқда. «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлиги доирасида амалга оширилаётган тарғибот тадбирлари ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказишда ўз самарасини бераётир.

Дарҳақиқат, янги ўқув йилига қизғин ҳозирлик кўрилди. Таълим муассасаларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланди, инвестиция дастури доирасида 381 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 163 та иншоотда бунёдкорлик ва реконструкция ишлари бажарилди. 3024 та умумтаълим мактаби ҳамда 48 та болалар мусиқа ва санъат мактаби мебель, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси, спорт анжомлари ва мусиқа чолғу асбоблари билан жиҳозланди.

Юртимизда фарзандларимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай униб-ўсишлари учун барча шарт-шароит яратилган. Хусусан, ёш авлодга хорижий тилларни ўргатиш масаласига катта эътибор қаратилаётир. Шу мақсадда умумтаълим мактабларининг 1-4-синф чет тиллари кабинетларига 4193 та синф тўплами ва техник воситалар етказилди.

Жойлардаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллари томонидан янги ўқув йили олдидан 979 та умумтаълим мактаби, 232 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежи, 398 та аҳоли гавжум бозорлар ҳудуди, 276 та йирик савдо мажмуасида ташкил этилган мактаб бозорлари ва ярмаркалари фаолияти устидан жамоатчилик назорати ўрнатилган. Бу эса савдога қўйилган ўқув қуроллари нархининг асоссиз оширилишига йўл қўймаслик ҳамда уларнинг сифатини мунтазам назорат қилиб боришда қўл келаётир.

Таълим жараёнини дарслик ва ўқув-методик қўлланмаларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Жорий ўқув йили учун 605 номдаги 34,5 млн. нусха дарслик ва ўқув-методик қўлланма чоп эттирилди.

Янги ўқув йилида 587 минг нафар ўқувчи 1-синфга қабул қилинади. Илк бор мактаб остонасига ҳайрат ва ҳаяжон билан қадам қўяётган ана шу жажжиларга 12 номдаги ўқув қуролларидан иборат Президент совғалари ҳадя этилади. Шунингдек, «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг жойлардаги бўлим ва бўлинмалари томонидан кам таъминланган оила фарзандларига мавсумий кийим-кечаклар ҳадя этиш ҳам кўзда тутилган.

Шу ўринда муҳтарам Юртбошимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асаридаги қуйидаги сатрлари ёдга тушади: «Бугунги кунда бизнинг қилаётган барча ишларимиз фарзандларимизнинг бахту саодати, уларнинг ёруғ келажаги учун амалга оширилмоқда. Лекин бахту саодат фақат бойлик, молу мулк билан белгиланмайди. Одобли, билимдон ва ақлли, меҳнатсевар, иймон-эътиқодли фарзанд нафақат ота-онанинг, балки бутун жамиятнинг энг катта бойлигидир».

Дарҳақиқат, мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни асосида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар замирида мазкур фазилатларга эга авлодни вояга етказиш ғояси мужассам.

Ҳа, юртимиз таълим-тарбия муассасаларида янги ўқув йилининг илк сабоқларига қўнғироқ чалинмоқда. Илк сабоқ — Мустақиллик дарси.

**ЭЪТИРОФ**

# Кўҳна ва ҳамиша навқирон

**Самарқанд «Шарқ гавҳари» сифатида эъзозланади. Бу заминнинг ҳавоси, файзи ўзгача. Жаҳон аҳли бу қадим шаҳар қиёфасига шайдо. Айниқса, истиқлол йилларида янгидан қиёфа касб этган Самарқанд сайёҳларни ўзига янада кўпроқ жалб этмоқда.**

**Юртимизга ташриф буюрган хорижлик меҳмонларнинг «Ер юзи сайқали», дея эътироф этилган шаҳримиз ҳақидаги фикрлари билан қизиқдик.**

**«Mahalla» мухбири С. МАХСУМОВА ёзиб олди.**

**Диего Грасия ГАРСИЯ-МИГЕЛЪ *(Испания):***

— Ўзбек халқининг юксак бунёдкорлик салоҳияти азалдан дунёга машҳур. Самарқанд шаҳридаги бундан бир неча асрлар олдин барпо этилган обидалар ҳамон кўрку тароватини йўқотмагани фикримнинг далилидир. Шу боис кўпдан бери Ўзбекистонга келиб, осори-атиқалар билан яқиндан танишишни орзу қилиб юрардим.

Самарқанд шаҳрида ўзимни худди эртакларда таърифланган юртга келиб қолгандек ҳис этдим. Очиғи, мени нафақат мамлакатингиздаги миллий меъморчилик намуналари, балки мустақиллик йилларида бунёд этилган замонавий иншоотлар ҳам ўзига мафтун этди. Юртингизда мустақиллик байрамига кўрилаётган катта тайёргарлик ишларининг гувоҳи бўлдим. Маҳаллалардаги байрамона кайфият, инсонлардаги яратувчанлик иштиёқи мени хайратга солди.

**Лучио АСКИНИ *(Италия):***

— Бу бетакрор юртга биринчи марта келишим. Таассуротларим бир олам. Айниқса, Самарқанд шаҳрининг қиёфаси мени лол қолдирди. Шаҳарнинг тарихий обидалари, диққатга сазовор жойларини зиёрат қилдим. Истиқлол йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, одамларнинг обод ва фаровон ҳаёти билан яқиндан танишдим. Шердор, Тиллакори, Бибихоним мадрасаларини томоша қилиб, бу замин азалдан тамаддун бешиги эканига яна бир бор амин бўлдим.

Ободонлаштириш ишларининг ҳамжиҳатликда олиб борилаётганида ўзига хос ноёб бошқарув тизими — маҳалланинг ўрни катта, албатта. Унинг фаолияти билан танишиб мамлакатингиз танлаган тараққиёт йўли нақадар пухта ўйланганига иқрор бўлдим.

**Эдгар КЛОЗЕ *(Германия):***

— Самарқанд табиати бетакрор, тароватли ва латофатли шаҳардир. Ўзбекистонда бир неча марта бўлганман. Бироқ ҳар сафар Самарқандга келаман. Ҳар гал Регистон майдонидаги меъморчиликнинг бекиёс намуналаридан завқ оламан. Бу йил биринчи маротаба мустақиллик арафасида юртингизда бўлдим. Меҳмондўст халқингиз руҳиятидаги байрам шукуҳи мени тўлқинлантирди.

Шунингдек, маҳалла гузарларига туташ ҳолда бунёд этилаётган болалар спорт майдончалари, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳайратимни оширди. Маҳаллаларнинг бирдамликда олиб бораётган ишларини кузатиб, баҳамжиҳатлик халқингизнинг турмуш тарзига айланганига гувоҳ бўлдим.

Фурсатдан фойдаланиб, халқингизни мамлакатингиз мустақиллигининг 23 йиллик шодиёнаси билан қутлайман. Юртингизда тинчлик ва фаровонлик ҳамиша барқарор бўлсин.

**«ОТАМ, ОНАМ ВА МЕН — СПОРТЧИЛАР ОИЛАСИМИЗ»**

# Бирдамлик ришталари янада кучаяди

**«Отам, онам ва мен — спортчилар оиласимиз» спорт ўйинлари аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ёшларнинг жисмонан бақувват ва маънан баркамол бўлиб вояга етиши, оила аъзолари бирдамлигини таъминлашда етакчи омиллардан саналади.**



**Моҳичеҳра ЛАТИПОВА «Mahalla»**

30-45 ёшгача бўлган ота-оналар ва уларнинг 10 ёшдан 14 ёшгача бўлган фарзандлари иштирокидаги мусобақанинг маҳаллалараро босқичи фуқаролар йиғини раислари, Хотин-қизлар, «Камолот» ЁИҲ бошланғич ташкилоти етакчилари, фуқаролар йиғинининг Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссияси аъзолари, жамоатчи мураббийлар раҳбарлиги ва ташкилотчилигида ўтказилди.

Таҳлилларга кўра, ушбу мусобақада иштирок этувчилар сони йилдан-йилга ортиб, мусобақа кўлами янада кенгаймоқда. Масалан, унинг маҳаллалараро босқичида 2012 йилда 6726 та маҳалладан 62412 та оила аъзоси иштирок этган бўлса, жорий йилда 8327 та йиғиндаги 254648 та оила аъзоси жалб этилди. Шундан, 14321 нафари кам таъминланган оила вакилларидир.

Мусобақаларда жонбозлик кўрсатган 24544 та оила фуқаролар йиғинлари томонидан рағбатлантирилди. Ушбу мақсадлар учун «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг туман (шаҳар) бўлинмалари томонидан 19,9 млн. сўмдан ортиқ, ҳамкор ташкилотлар ва ҳомийлар ҳисобидан 176,6 млн. сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

Куни кеча Учтепа туманидаги 26-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида мусобақанинг шаҳар босқичи ўтказилди. Қизғин баҳсларда спортсевар оилалардан Яккасарой тумани Муқимий номидаги маҳалладан Фахриддин Мирсагатов оиласи биринчи, Ҳамза тумани «Ўртамасжид» маҳалласидан Азизбек Тўраев оиласи иккинчи, Олмазор тумани «Истиқбол» маҳалласидан Ҳасан Холиқов оиласи учинчи ўринга муносиб топилди. Кейинги босқичга йўл олган биринчи ўрин соҳиблари тикув машинаси билан тақдирланди.

Шу билан бирга, «Энг аҳил жамоа», «Энг ёш жамоа», «Энг тезкор жамоа», «Энг эпчил жамоа», «Энг фаол жамоа», «Энг ибратли жамоа» каби номинациялар бўйича оилалар тегишли қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Фонд томонидан маҳаллаларда ўтказиб келинаётган бундай мусобақаларга ҳуқуқбузарликларни содир этишга мойил ўсмирлар ҳамда кам таъминланган оилаларнинг кенг жалб этилиши ҳудудларда тинчлик-осойишталикни таъминлашда қўл келаётир.










Mahalla
ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий газета

Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

**Бош муҳаррир**
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар:
Қабулхона: **233-39-89**, Котибият: **233-44-25**, Фуқаролик жамияти институтлари билан ишлаш бўлими: **199-84-32**, Иқтисодиёт ва ҳуқуқ бўлими: **199-83-46**, Маънавият ва спорт бўлими: **199-84-23**, Факс: **233-10-73**

ISSN 2010-7013

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А-2, 4 босма табоқ.

Саҳифаловчи: С.Турдали ўғли
Мусаҳҳиҳ: Н.Азимова
Навбатчи: Ю.Ҳожиева
Нашр навбатчиси: Т.Низомов

Таҳририят манзили:
**Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**
Индекс: **100083**

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
**Босмахона манзили:**
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

**Нашр кўрсаткичи: 148** **20370 нусхада чоп этилди. Буюртма S-773** **Топшириш вақти — 21.00** **Топширилди — 21.00**